



Алишер НАВОЙИ

✿ Лайли ва Мажнун ✿

(Насрий табдил)




ЯНГИ АСР АВЛОДИЙ
ТОШКЕНТ
2021

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 83.3 (5Ў)

Н – 14

Навоий, Алишер

Хамса: Лайли ва Мажнун: насрый табдил / Алишер Навоий. Табдил ва изоҳлар муаллифи: Манзар Абдулхайр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 192 б.

ISBN 978-9943-20-654-0

Ишқ-муҳаббат ҳамиша бадиий адабиётнинг бош мавзуси бўйиб келган. Бу мавзуда дастлаб оғзаки термалар, ҳалқона қўшиқлар, достонлар, кейинчалик қиссалар, романлар яратилган. Шарқда «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зухра», «Вомиқ ва Узро» каби ошиқ-маъшуқларнинг муҳаббати ҳамон тилларда достон. «Лайли ва Мажнун» достони улар орасида алоҳида ўрин тутади.

«Лайли ва Мажнун» достони илгари ҳам насрый баён қилинган. Бироқ олдинги баёнлар дастлабки уриниш бўлгани учун қатор камчиликлардан холи эмас. Навоий асарларини насрый баён қилиш мумтоз адабий тилни билиш баробарида бадиий пухталикни ҳам талаб қиласиди. Ваҳоб Раҳмон насрый баёни асосида тузилган «Лайли ва Мажнун» достонининг мазкур янги насрый табдили аслиятга жуда яқинлиги билан эътиборга молик.

Масъул муҳаррир:

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Тўлиқ насрый табдил муаллифи:

Манзар АБДУЛХАЙР

Мазкур китоб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кенгагиши (2020 йил 29 декабрь, 7-мажлис) қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-20-654-0

© Алишер Навоий, «Лайли ва Мажнун». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

I

Эй Парвардигор, барча ишлар сенинг зикринг билан бошланиб, ниҳоясига етади. Сенинг лутфу марҳаматинг билан одамзод баҳт топади, қодир кучу қудратингни англашга инсон ақди ожиз. Ўзинг инсон ақдига мазмун ва маъно баҳш этасан, ёлғиз ўзинг боқийсан, инсонларнинг барчаси ўткинчидир.

Эй Тангрим, одамзодга йўқликни қисмат, ўз зотингга фанони ҳам фоний қилдинг. Илоҳий гайб сирларининг барчаси сенга аён, фақат сен мавжудсан, бошқа ҳамма-ҳаммаси йўқ ҳисоби. Борлигинг йўқликни маҳв этиб, вужудинг йўқликка барҳам берган.

Эй Тангрим, сен гўзаллар ҳуснини кўнгилга ёқадиган, ошиқлар кўнглини эса уларга асир қилдинг. Гўзалларнинг ҳуснига шайдолар кўнглида ошиқона телбаликлар пайдо қилдинг.

Эй Тангрим, ишқ оловини жаҳонни куйдирадиган қилиб яратдинг, бу оловнинг ҳар бир учқунини эса ошиқлар хонумонини куйдирадиган қилдинг. Бу ишқ оловида наинки хонумонлар, балки жисму жонлар ҳам куйиб қул бўлади.

Эй Тангрим! Сен паривашларни яратиб, уларга юзлаб ғамкашларни Мажнундай асир қилдинг. Кимники парига ошиқ қилсанг, уларнинг қонли кўз ёшларини оқиздинг. Қайдаки жилва билан намоён бўлсанг, элнинг кўзига Лайли тимсолида кўриндинг. Жозибадор гўзалга Лайли деб исм қўйдинг, унга гўзал ҳусни билан ошиқларни телба қиласидиган сеҳр баҳш этдинг.



Эй Тангрим, сен Мажнунни ақду ҳушдан озод қылдинг, унинг ошиқона оху воҳдари ақду ҳушини кулини қўкка совурди. Зотан, сени англаш бобида теран ақду идрок ҳам ғофил бўлиб, сенинг ҳақ йўлингга кирган телбалар ҳам оқил саналади.

Эй лутфу марҳамати чексиз Парвардигор, сен бандаларинг айбу гуноҳларини афв этиш учун ҳамиша бирор баҳона излайсан. Бандаларинг кўз ёшлари билан дўзах оловини пасайтирасан. Сенинг олдингда юксак осмон ҳам пастдан-паст бўлиб, аслида осмонларни ҳам, ерни ҳам ўзинг яратгансан. Сенинг қудратинг билан бир-бирига зид тўрт унсур пайваста бўлган, амру фармонинг билан эса етти қават осмон ҳамиша мувозанатда. Кеча-кундуз тиним билмай айланади, улар ҳам сенинг амринг билан жаҳонгаштадай тиним билмайди. Нурафшон офтоб бошини оёқ қилганча, сени ахтариб ранги заъфарон бўлган. Барча-барча сенинг висолингга толибу ташна, бироқ сенга этишмоқ мушкулдан ҳам мушкул. Ҳар нарсага сени ўхшатишнинг сира фойдаси йўқ, гарчи оламу одамларни яратган бўлсанг ҳам, ҳеч бирига ўхшамайсан. Оlam нимаики ғаройибот бўлса, сенинг қудратинг билан яралган, бироқ учун асло кўзга кўринмайсан. Кўрмоқчи бўлганларга кўринмайсан, лекин васлингга талабларнинг ҳар бир ишида ҳозири нозирсан.

Фалакни чарх уриб айланадиган қылдинг, юлдузларга эса нур ҳамда ҳарорат бердинг. Куннинг чехрасини нур билан безаб, туннинг юзини сурма билан қорага бўядинг. Тоғлар либосини фақат харсангу тошлардан қилиб, уларнинг белига заррин камар боғладинг. Қиши қуёшини қиличдай ўткир қылдинг, садафдай оппоқ қордан қўғирчоқлар ясадинг. Ва лекин навбаҳор келгани ҳамон ёмғирлар ёғдириб, заминга ям-яшил чакмон кийдирдинг. Лолалар қадаҳарини тошларга, ёмғирларнинг дур-



дай томчиларини эса бошларга урдинг. Гулларнинг япроқларини ҳавога сочиб, гунчалар тугунини ел билан очдинг. Гулларга зумрад каби тахт бериб, гунчадай баҳт насиб этдинг. Тунда қўрқмасин, деб наргиснинг қўлига нуқрадай машъал тутқаздинг. Осмон жисмларини тутиладиган қилдинг, кумушдай ойни шу боис қорайтирдинг. Гоҳида ой тутилди, гоҳида олтин офтоб қорайди. Олти тарафга зеб бериб, бошига олти гавҳар тақдинг. Унсурларидан бинойидек сарой қилиб, атрофини гўё тўрт пахсали девор билан ўрадинг. Унга зебу зийнат баҳш этиб, тўққиз фалакни чиройли лиbosдай кийдирдинг. Самовот атласини зарҳал қилдинг, дурдай юлдузларни қадаб чиқдинг. Фалак лиbosидаги тутгмалар Тийр ва Ноҳид юлдузи бўлса, эгнидаги шойи ҳошиялари Ой ва Қуёшdir. Уларни зинҳор етти сайёра мовий демасман, аксинча самовий етти чавандоздир. Уларнинг барчасини фаол қилиб, чаққон сайёҳлар қилиб қўйдинг. Булар ота дейилди, қолган тўрттаси оналар бўлди. Бу ота ва оналарга уч фарзандни пайванд айладинг. Бу фарзандларнинг бири жонзотлар, иккинчиси моддалар ва учинчиси наботот оламидир. Ўшандай ҳукмронлик ва ота-оналик тартибини яратдинг. Агар биттасига тўрттаси хуррамлик баҳш этса, еттитаси ичра тўрттасининг бўлиши ҳам жуда гаройиб ҳолдир. Ҳар бир майлга икки занжир тақиб, уларни қазо ва тақдир атадинг. Фалак тошини енгил қилдинг, бироқ давронни вазмин ва сусткаш қилиб яратдинг. Башарти, замину само бўлак-бўлак бўлиб кетса ҳам, ўзинг яратганинг боис сенга заррача зарар етмайди. Заволсиз мангалик топса ҳам, ажаб эмас, бу ҳам аслида сендан бир иноят бўлади. Қонхўр подшо элнинг қонини тўкса, уни йўқ қилишнинг сен учун ҳеч қийинчилик жойи йўқ. Ёки бир бурда нонга зор гадони шоҳ қилишинг ҳам ҳеч гап эмас. Элга



тўғри йўлни кўрсатган ҳаким, дўзахга ташланса, ким ҳам қарши чиқарди? Фақат бемаъни ишларни қиласиган фосиқни ёлақасанг, ким малол келади? Во дарифки, оламни қон билан тўлдирдинг, халойик бир луқма насиба топиш учун минг маротаба қон ютишга мажбур! Эвоҳки, бегаму ранжу ситамдан бошқани билмайдиган жоҳилларнинг қўйни-қўнжини бойликлар билан тўлдирдинг. Бу ишнинг тагида қандай ҳикмат яширин эканини кишилар қаёқдан ҳам биларди. Сен нимаики қилган бўлсанг, кузатишдан бошқа чорамиз йўқ. Кимга қандай насибани право кўрган бўлсанг, топгани кўп ҳам бўлмади, оз ҳам бўлмади. Зотан, кимга қанча берган бўлсанг, ундан ортиқ ҳам, оз ҳам керак эмас эди. Кимки сен томондан берилган насибасига қанот қилмас экан, уни ношукр дейиш керак. Бинобарин, бандаларнинг ортиқча талаби ҳамиша асоссиз бўлиб, сендан келадиган барча неъматларга шукрона айтиши, кўргиликларга эса сабр қилиши жоиз. Ҳеч қандай ортиқча саволга ҳожат йўқ: бу олам сенинг лутфу марҳаматинг билан яралган. Кундуз – гўё саҳройи бир гадо бўлиб, гарданига офтобни сап-сариқ ошқовоқдай илиб олган. Тун эса олий даргоҳингдан қоп-қора занжига ўхшайди, унинг қиёфаси қоплон терисида ола-буладир. Денгиз ҳам ҳимматингдан умидвор, кемаю қайиқларни бўмбўш пиёла каби сенга тутади. Тоғларнинг ҳам тиланчиidan фарқи йўқ, лутфу марҳамат қилгин, деб этакларини очиб туради. Зотан, буларнинг барчаси узра ёлғиз ўзинг пушти паноҳсан.

Икки оламнинг иккала боғи ҳам сенинг мулкинг бўлиб, ҳар икки оламнинг сultonи ўзингсан. Ой билан офтоб боғингдаги икки гул. Ё Оллоҳ-Оллоҳ! Бу қандай гўзал боғу, булар қандай гўзал гуллардир! Сенинг шону шавкатингни англай олмай ақду тафаккурнинг ҳоли танг. Зотан, «Жаллат олоуху



ва наъну (у)», яъни «Парвардигори оламнинг нозу неъматлари ва шону шавкати ақл бовар қилмас даражада буюқдан ҳам буюқдир».

II

Ул даражаси юксак ҳузурида пастлик юзасидан илтижолар қилмоқким, унинг мақтоваида олий ақл тили лол, балки юксак тафаккур тили бунинг изҳорида ожиз келди ва бу хусусда узр сўрашни унумтоқ ва узр демоқдан ўзни маъзур тутмоқ ва ожизлик ва бечораҳоллик манзилига қочмоқ ва тиланчилик кўз ёшлигини сочмоқ ва Худо йўлида бирор нарса тилаб қўйл очмоқ

Эй пок Парвардигори олам! Аҳди идрок соҳиблари ҳам сени таъриф қила олмай, «Биз сени етарлича била олмадик», дейиш билан кифояландилар. Зотан, сени қанча улуғлаб таърифлаганим билан сенинг буюклигинг улардан юзлаб маротаба буюқдир. «Мен энг фасиҳман» деган зот бу даъвосини маънолар билан исбот қилди. Калом билан мӯъжиза кўрсатгани боис энг сўзамол одамларнинг ҳам тиллари лол бўлиб қолди. Сенга ҳамду сано айтишга чоғланганлар ҳам васфингни баён қила олмайман, деб тан олдилар. Ўз ожизликларини эътироф этиб, афв қилишингдан умидвор бўлдилар.

Мендай шеъру достон одам, юз минглаб мен каби шоирлар ҳам наинки шеър битищдаги, шунингдек, одам сифатида ожизликларини ҳам намоён қилди. Инсофни унубиб, бемаъниликлар, ҳаттоки ўта беҳаёликлар қилдилар.

Шу тариқа ҳамду сано айтилар экан, бу борада энг теран ақду тафаккур ҳам албатта узр сўрайди. Бу борада қўп гапирмай гунг бўлган, узр сўраш масаласида ҳам лол бўлган маъқул.



Эй Навоий, булбулдай бийрон шоирман, деб даъво қилмагин, аксинча унингни Яратганинг гадоси, деб билгин. Ё Тангрим, ҳақиқатан ҳам сенинг даргоҳингда бир гадоман, бошимдан оёғимгача айбу гуноҳларга ботганман. Айбу хатоларим сабабли поқиза мушки анбарим оқарди, оқариши оқибатида мушку анбарим нурсиз бўлиб қолди. Исёним ўти билан жаҳоним куйди, унинг дудидан хонумоним қора бўлди. Расволик оловларини жаҳонга, унинг учқунларини эса осмонга сочдим. Бу оловим жаҳонни тўлаттўқис қоплаб олди, учқунлари эса осмондан ҳам ўтиб кетди. Ошиқона телбаликлар безори болалар каби бошимга ҳар лаҳзада минглаб тошлар ёғдирди. Шу даражада мажнун бўлдиким, ногаҳон дев йўлиқса, жонини сақлаш учун турли ҳийлаларни ишга солиб қочиб қолади. Зотан, девоналигим ҳар қандай телба Мажнундан зиёда бўлиб, беҳаловат гардун каби сарсону саргардонман. Сомон йўли каби адоқсиз андуҳлар силсиласи жунуним занжириининг бир нишонидир. Патила-патила соchlарим тунга ўхшайди, йўқ бу соchlарим аслида бошимга тушган қора кунлардир. Мана шундай қора кунлар гирдобида қаридим, қора кунларим оқарди. Нафс зуннорини белимга боғлаб, куфрга ботдим. Шафқатсиз қисмат айни шу ришта билан ишларимни ҳар лаҳзада яна ҳам чигаллаштириб ташлади. Мендей нотавон яхшилик қилишни унутдим, ҳолим эса бадтар ёмоналашди. Бу танг аҳволим шарҳи узундан-узун бўлиб, дам-бадам фузундан-фузун бўлаётир. Бу қаттиқ азобу уқубатдан қутулишнимнинг имкони йўқдай.

Уни даволаш қўлимдан келганда эди, аввало бу дардга сира ҳам мубтало бўлмасдим. Буни уддалашга қодир эмасман, бироқ бу ишни сен жуда осон қила оласан.

Ё Раббим! Менинг хароб ҳолимга ҳиммат билан назар солгин, оғир аҳволимга ўзинг раҳм қилгин!



Лутфу марҳамат билан ўзлигим сари йўлимни очгин, йўлимни очгандан кейин эса ҳиммат билан қўлимдан тутгин. Мени бу тубсиз чоҳдан, ҳалокатли гирдобдан олиб чиққин. Менга ёмон йўлни раво кўрмаган экансан, ибратли ҳаёт йўлинни насиби рўзи айлагин. Тилим билан ҳамиша сенга шукроналар айтайнин, бошим эса ҳамиша саждада бўлсин. Мендан ҳидоятингни дариф тутма, инояtingни ҳам сира кам қилмагин. Ўзинг рози бўладиган ишларда менга ўзинг раҳнамолик қилгайсан. Сени хушнуд этадиган ишларни мен учун муроду мақсад қилгин. Қайси бир ишдан норози бўлсанг, ундай ишларни мендай банданг сендан сира ҳам илтимос қилмайман. Ҳар қиссани сўзлаганда, тилимга шукrona айтишни одат қилгин, ҳар фусага дучор бўлганда, дилимга тоғдай сабру тоқат бергин. Кибру ҳаволи ҳар қандай тоату ибодатни кўнглимга сира раво кўрмагин. Асло хато қилмайин, башарти, беихтиёр хато қилсам ҳам, кечирса бўладиган айбларни қилайин.

Ё Парвардигор, хоҳи жаннат, хоҳи дўзах қисматим бўлса ҳам лутфу марҳамат билан ўзинг пушти паноҳим бўлгин. Ожизона бебошликларимни ҳам бағрикенглик билан қабул қилгин, барча гуноҳларимни Расули акрам шафоат қилсин.

III

*Ул пайгамбарлик осмонининг қуёши васфидаким,
Farб томондан балқиб, Макка осмонида камолга
етди, балки шуълали нурлари билан машриқдан
Магрибгача «туш чогидаги қуёшдай» ёритди ва куфр
оқшомида ислом шамини ёқди ва шомга яқин ботди*

Эй мукаррам сиймо, сенинг тимсолинг заргари осмонда жилва қилади, тулпоринг изига эса мунаввар офтоб ҳам рашқ билан қарайди. Юксак



мартабанг шаъми қуёш машъалидай бўлиб, ҳатто қуёшу фалак ҳам хоки роҳинг ҳисобланади. Фалак ҳам катта йўл каби сенинг пойингдадир, меърож кечаси буни яққол исботлайди. Зотинг, улуғлигинг қошида фалак ҳам бош згиб таъзим қилади, умматларинг эса анбиёларга қўлдошдирлар. Оlam пайғамбарлигинг хушхабари билан шод, адамзод эса сенинг шафоатинг умиди билан яшайди.

Сен «мен пайғамбарман» деб овоза қилиб, халоийиқقا илоҳий муждаларни етказдинг. Одам Ато сенинг дараҳтингда мева каби етилган. Бутун олам аҳди эса сенинг фарзандингга фарзанд ҳисобланади. Сенинг нуринг жаҳондан олдин яралган, ҳатто тўққиз осмондан олдин мавжуд эди. Зотинг билан жаҳон, сайру саёҳатинг билан эса тўққиз осмон ҳам фахрланади. Улуғ мартабангда яратилганлар сенга издош ҳисобланади, шунингдек, бутун олам сенинг шарофатинг билан яралган. Бутун дунё сенинг шарофатинг билан яралганига қарамасдан сен дунёга маҳлиё бўлмадинг. Зотан, сен олижаноблик ҳужжатига эгасан, унинг орқасига эса сени пайғамбар деб тасдиқловчи муҳр босилган. Мазкур муҳрда сенинг зотинг васф этилган.

Ҳотам, яъни муҳр сўзининг «алиф»и ва «те»сида исминг ифодалангандир. Сен мактубда таълим олмаган бўлсанг ҳам Оллоҳ сенга илми ладуний – файб илмларини берган. Сенинг ҳузурингда энг билимдон олимлар ҳам мактуб ўқувчилари каби таъзим қилиб турадилар.

Сен қўлингга қалам олмадинг, қалам билан қоғозга ҳеч нарса ёзмадинг. Бироқ сенинг битикларингга назар солган одам борки, барчаси унда қайд этилганлардан четга чиқмайди. Сенинг тулпоринг шу даражада тез чопадики, бундан ҳазрати Жаброил ҳам ҳақир бўлиб қолади. Зотан, подшо Сулаймон шамол қанотида парвоз қилар экан, ҳудуднинг ҳеч қандай қадр-қиммати қолмайди.



Эй жамики пайғамбарларнинг ҳимоячиси, олам аҳди сенинг буйруғингга ҳамиша итоат қилади. Буйруқларинг одамлар учун қарз бўлса, суннатларинг барча учун фарз ҳисобланади. Қадру қимматинг етти осмондан ҳам юксак, зотинг эса икки жаҳондан ҳам аъло. Сендан ўзга қайси бир қайси пайғамбарнинг нутқи энг дўнда ва энг теран маъноли бўларди? Воҳ-воҳ, қанчалар мўъжизакор нутқ бу, бирорта ҳам пайғамбар бу борада сен билан тенглаша олмайди. Унинг йўл-йўриклиари билан жаҳонда тартиб-интизом қарор топди, назми билан икки оламни тўғри йўлга солди. Ҳукмининг ҳар бир алифи найзаларини пешлаб, кофирлар қонини тўқадиган ярга айланди. Лом-алифлари қайчи сингари маломат ёғдирувчилар тилини пешма-пеш кесаверди. Бу мактубда унинг пок зоти бир нусха бўлиб, Оллоҳнинг каломларини адамзодга ҳикоя қилувчиидир.

Тангрининг қудратли қўли бу мактубнинг орқасига нақшинкор муҳр босган. Уни узук-муҳр дема, балки нам мушк дегин. Йўқ, мушк ҳам эмас, тутилган ой, дегин.

Унинг юзи офтоб гардиши каби бўлиб, у қуёш мангу ойсимон бўлиб қолди. У кўпроқ қуёшга ўхшаса ҳам тўсиқ бўлгани учун тутилгандир. Уни тўсиқ парда демагин, бу мўъжаз бир жаҳондир. Наинки мўъжаз бир жаҳон, балки қутлуғ нишондир. Унинг зоти қаршисида етти қават осмон, ҳатто Арши аъло ҳам меъроҳ кечаси таслим бўлди. Барча-барчаси ўша кеча унинг хоки пойи бўлди.

Бу зоти улуғ сиймо шундай олам бўлдики, мазкур ер сайёрасидан юз баравар улкандир. Наинки юзлаб ер сайёраси, балки минг осмондай, нурга чулғанган минглаб офтоблардай бўлди. Замин устида жумла жаҳондан, самога юксалганда эса осмондан ҳам зиёда бўлди. Башарти, бу зоти пок



сиймо жумла жаҳондан афзал бўлмаганда, бир лаҳзада юксак фалакни маскану манзил қилмаган бўларди. Агар осмондан ҳам азизу мукаррам бўлмаганда, Арши аъло унга макон бўлармиди? Агар қуёшдан ҳам порлоқ бўлмаса, Оллоҳнинг даргоҳи бўлган ломаконни мунаvvар қила олмасди.

Пайғамбарнинг Буроқи, яъни учқур оти осмон бағрида учар экан, ой билан офтоб эгариға ёпинчиқ бўлди. Ҳазрати пайғамбарамиз ислом дини танига руҳ бўлиб кирди, асҳоблари эса унга жонларини фидо қилдилар. Жавоҳир каби бебаҳо ўнта яқин ҳамроҳи ўн ҳис-туйғу каби хизматини қилди. Диннинг тўрт устуни бўлган чорёрлар бу руҳ жонидаги тўрт унсур вазифасини ўтади.

У руҳ, ҳислар ва тўрт унсур олам ақду тафаккурини ҳайратга солди.

Улар бу вужудда ҳамиша барқарор бўлсин, сухбатлари ҳам ҳар доим давом этсин.

Хонадони багининг бош дарахти – ҳазрати пайғамбаримизнинг оиласи бўлса, мазкур шохнинг мевалари унинг авлодлариdir.

Уларнинг барчасини ҳақига ҳар эзгу соатда юз минглаб салавотлар ва васфлар айтамиз.

IV

У висол оқишомики, «тун қоронгилиги билан қасам ичаман», ояти бўла олгай – унинг шаънида ёзилмоги ва бундай кечада у самовий мусофириң тунда баланд юксалмоги ва висол тонги эшиклари унинг юзига очилмоги ва мақсад қуёши топилмоги

Фам шомида зору машаққатлар тортиб ой восилини орзу қилиб, тун бўйи қанча кезиши мумкин? Фамгин тароналар билан бу шомнинг қайғуларини қанча ҳикоя қилиш мумкин?



Узун умримни барбод қилди, унинг зулматида бирон-бир фойда топа олмадим. Эвоҳ, бу қандай қора бало кечаки, офтобни аждаҳоси хазина сингари ер қаърига кўмган. Дилбарнинг қора соchlари каби тўлғаниб, жонга ваҳима солади, ўзим бунда бўлганим билан кўнглим у билан бирга. Бу шомнинг афсонаси узундан-узун, қора қайғуси эса ҳаддан ташқари фузундан-фузундир. Уни ўйлаган сайин кўнгилда қайғу ортади, зимистонидан эса одамнинг кўз ўнги қоронғилашади. Унинг зикри жонга машаққату фикри эса умримнинг офати бўлди. Бу кеча ниҳоясини етсин десанг, заҳматларини ҳикоя қилгин. Зотан, бу кеча тоза мушк рангидадир. Осмонида порлаган ҳар бир юлдузига қуёш рашқ билан қарайди.

Унинг зарралар сочган шабнамлари осмонни қоплаган сайёр юлдузларга ўхшайди. Тун гарду губорларини шудринглар йўқотгани каби ғам зулматини ҳам унинг юлдузлари маҳв этган. Фалак тунги жандасини ечган, олам узра саҳар ўз либосини ёпган.

Тун жаҳон юзидан холини артди, ўзига кундузни тенг тутмади. Кундуз унинг бу ҳолатидан уялиб, хижолатга ботганча ерга кириб кетгудай бўлди. Бу эса мовий осмон қулгисини қистатди. Бинобарин, жилмайиб тишларин кўрсатди.

Юлдузлар болалар каби «Вал-лайл» сурасини такрор ўқий бошладилар, уларнинг шўхликлари, ўйин-кулгилари авжга чиққани учун қисмат устози уларнинг оёқларин тушовлаб жазолади. Улар ғам-ғуссадан шод эмас, яъни фалак ғамларидан озод эмас эди. Фалакда зулмдан ному нишон қолмади, барчасини малаклар қанотлари билан супуриб ташлади.

Осмонда гўё минг минглаб ҳурлар юзларидан нур сочилаарди. Юзларининг терларини ҳам пинҳона сепиб: шудрингдан оби ҳаёт сочарди. Бу ҳолатдан Исо алайҳиссалом таажжубланиб, изтиробга



тушган ҳолда самода чарх уриб кезарди. У бот-бот жон бағишлоғчи нағас чиқарап, натижада олам бүйлаб ҳаётбахш шаббода эсарди. Зотан, буни тун эмас, умид тонги дегин. Умид тонги ҳам эмас, абадият тонги деб билгин. Шундай кечада жилвалаланувчи шамъ, шамъ эмас, балки Тароз машъаласи, машъала ҳам эмас, балки мунаввар ой, ҳа машъалу ойки, нурли қуёш балқди.

Тун қуёш сингари олам аҳлидан яшириниб одди. Бутун борлық эса яширин бир ётоқхонага бош олиб кетди. Барча ишдан құл тортдию, маҳбуби фикру зикри билан машғул бўлди. Дафъатан нурли бир элчи етиб келди. Унинг ёнида фақат нурдан иборат бир тулпор бор эди. Бу элчи учун борлық ва йўқлик ораси бир одимлик йўл эди. Унинг ёнидаги тулпор ҳам ўзи сингари елқадам эди. Уларнинг нигоҳи қаерга тушса, бир сакрашда ўша ерда пайдо бўлар эдилар.

Самовий сарбон унинг ҳузурига кириб, осмон қуёшидай пайғамбарга сўзлади:

– Парвардигори олам сен билан учрашувни орзу қилмоқда. Сен ҳам унинг висолидан

баҳраманд бўлгин. Бу тулпор оташин яшин қабидир. Аксинча, яшин каби шитоб парвоз қиласидиган Буроқдир. У бошдан-оёқ нурдан яралган, наинки нурдан яралган, балки баайни жаннат фариштасидир. Унинг жисмиига бирор кимсанинг юки сабабли дард тегмаган. Үнга наинки бирон бир одам яқинлашган, ҳатто гард ҳам юқмаган.

Бу тулпор сен учун жуда ҳам мос. Вақт фанимат, тезроқ отга миниб, йўлга тушгин.

Бу сўзларни оламда ягона зот эшитгач, боши осмонга етди, чунки айни шундай таклифга интизор эди. Тулпорга чаққонлик билан минди ва ҳамроҳи билан йўлга тушди. Самовотдан тилаганини ерда топди. Ерда тулпорга миндию осмон сари парвоз қилди. Қушдай тулпор елиб югурап, ҳар сакраганда



олам-олам масофани босиб ўтарди. Самовот кўзини очиб, унинг бошидан юлдузларни дур каби сочди.

Унинг чеҳрасидаги нурни кўрган ой қўёшдан баҳра олишдан воз кечди. Аторуд унинг яноқлари-даги мийиқдарнинг қоралигини кўриб, ўз сиёҳини Кайвон юлдизи юзига сочиб юборди. Зуҳра эса унинг йўлида пастки пардада соз чалиб, созандалардек мусиқий кеча ташкил қилди. Исо турган тўртинчи осмонга бу улуғ зотнинг кимиёси етгач, қўёшнинг либоси олтиндай зарбоғ бўлди.

Миррих унинг буюк мартабасини кўриб, қўлидаги қиличини ташлаб, отининг узангисини тавоғ қилди. Унинг узангиси Биржисга етиб, бу юлдузга ҳам баҳту саодат ёр бўлди. Зуҳар эса бу суворийга сайисликка чоғланиб, қўлига қамчи ва фалвирни олди. Савру Ҳамал фарёд солиб, унга жонларини қурбон қилишга шайланди. Жавзо унинг йўлига термилиб, кўзи тўрут бўлди. Саратон ҳам улуғ зот назаридан баҳра топди. Асад (буржи) эса уни йўлнинг бир четидан кузатди. Сунбуланинг, янги Бошоқнинг унинг отига ем бўлгиси келди. Тарози унинг изида жон мезонига айланиб, Ақраб, яъни Чаён ундан ҳаёт баҳш этадиган малҳам топди.

Ёй, яъни Қавс унинг қоши хижолатидан ўзини бир чеккага олиб, Эчки унинг қадами шарофати билан Қўчқор бўлди.

Қовфа суви оби ҳаётга айланиб, бу сувдан Ҳут, яъни Балиқ янги жон топди.

Мўъжазавий чавандоз бу буржлар оралаб тўхтовсиз ўтар экан, турғун сайдералар унинг йўлига дурлар сочарди. Фалаккезар тулпори бу манзиллардан ўтиб, ложувард осмон унинг чангидаги қолиб кетди. Буроқи, яъни учкур оти билан янада юқорига парвоз қилиб, Арш эгнига камандини илди. Курси, Лавҳ ва Қалам ҳам унинг отини изидан азиз ва мукаррам бўлдилар.



Оти ҳам, Жаброил ҳам йўлда қолиб, Рафраф йўлига тушди. Мавжудлик либосларини бирма-бир эгнидан ечиб, йўқдик камарини белига маҳкам боғлади. Ён-атрофида томондан ному нишон йўқ, жисмидаги унсурлар ҳам фойиб бўлди. Атрофида на олти томону ва на жисмида тўрт унсур қолди. У танаси билан Арши аълога юксалганди. Бироқ бу манзилга етгач, унинг вужудида на олов, на сув, на ел, на тупроқ қолди. Ҳолбуки, тан унга жондан ортиқ. Жон эса икки жаҳондан ортиқ эди. Бу илоҳий манзилда ўзлигини унутди ва муқаддас даргоҳга равона бўлди. Ўзини унугтган ҳолда ўзида қолди, ўзини ортда қолдиргани билан ўзлиги билан бораради. Бир манзилга етдики, бу жойни ақл тасаввур қила олмайди, зотан, шундай жой борлигига ишонмайди. Шундай юксак маҳомга эришдики, икки қош орасидай масофада бўлиб, қорачиф гўё унда айни дийдор бўлди.

Тун анбари соchlарини қорайтириб, «мозоғ»¹ кўзига сурма тортгандай эди. Кўзларини айни шу тўтиё билан очгач, «ва мо тағо» билан равшан қилди. Буюк ва улуғ чодир остида илоҳий жамол жилва қилаётганини англади. Аллоҳ ўз ниқобини, яъни етмиш минг пардан очиб, уни ўз ҳарамида маҳрам қилди. Бу пайтда унда на жисму на жон бор эди. У ўша ҳарамда маҳрам бўлгач, бу маҳрам ҳам, ўша ҳарам ҳам фойиб бўлди. Уни Ёр қабул қилди, кўнгли тилаган Ёрни топди. Ўзи номавжуд ҳолатда тилакларини изҳор қила бошлади. Ҳақдан нимаики ёлворган бўлса, Аллоҳ сўзидан уларнинг жавобини олди. Ҳақ унга нималарни насиб этган бўлса, буни ҳам Ҳақ билди, ҳам ҳабиби билди. Бу манзилда улардан ўзга ҳеч ким йўқ эди, бинобарин улардан бошқа уй соҳиби ҳам йўқ эди. Балки

¹ М о з оғ – мо зоғал-басару ва мо тағо, яъни (унинг) кўзи адашгани ҳам йўқ, саркашлик ҳам қилгани йўқ, ояти каримасига ишора.



«улар» дейиши хатодир, чунки бу учрашувда иккисилик фойиб бўлганди. У гўё бевосита ўзига мақсадлару тилакларни арз этар, мақсаду тилаклари ҳам унинг ўзида мавжуд эди. Фақат ўз умматининг гуноҳдарини афв этишини илтижо қиласа ва бу илтижолари ижобатига мусассар бўларди. Бу баҳтиёр илтижо қилувчи нимани ёлвормасин, бирор нарса унга монеълик ва тўсқинлик қилолмасди. Қанча кўп илтижо қиласа, тилаганидан зиёда ижобат бўларди. Ҳақдан нимани тилаган бўлса, ҳаммаси мусассар бўлиб, самовотга ой каби юксалган бу сиймо ортга – ерга қайтди. Қалбида шавқи завқи қайнаб тошган ҳолда ерга инди. У қувончи ичига сифмаганидан беҳушга ўхшар, аслида эса юзлаб жаҳонга тенг ақду ҳуш соҳибига айланганди.

Арши аълога ой каби юксалган бўлса, заминга мунаvvар офтоб бўлиб қайтди, бир дона дур сифатида йўл олган бўлса, бағрида сон-саноқсиз дуру жавоҳир бисёр уммон бўлиб қайтди. Бораётганда у бир даста атиргулдай эди, қайтганида эса бағрида гулу чаманзорлар бисёр баҳор фаслига айланганди. Унинг қўлида Аллоҳ марҳамат қилган ҳужжат бўлиб, унда бандаларнинг нажот топиши қайд этилганди. Бандалар гуноҳларини афв этиш қалами билан битилган хат унинг қўйнида бўлиб, мактубда гуноҳдарнинг кечирилиши қайд этилганди. Арши аълога бориб келиши икки қадамда бўлиб, қайси бири олдин рўй бергани ҳам сирли бўлиб қолди.

Эй, ғамзада қалбларнинг давоси, мотамзада бандаларнинг шифоси! Кимнинг бошига мушкул савдо тушса, сенинг лутфу марҳаматинг билан осон бўлади. Кимнинг кўнглида қўрқув ва ваҳима бўлса, фақат сендан умидвор бўлади. Мен хаста хору зорман, сенинг чексиз лутфу марҳаматингдан умидворман. Бандаларингга бир бора назар солсанг, барча мушкуллари осон бўлади. Мен гарига



кўз учингда бир бора қараб қўйсанг, бас. Лутфу караминг уммони бисёр зиёда, бу уммондан бизга нажотбахш бир қатра насиб айлагин.

V

Сўз гавҳари васфидаким, «гавҳар» сўзи унинг олдида томчи сувдек бўлур – бу ҳақда бир неча сўз юритмоқ, яна Ганжа ҳакими таърифидаким, Қорун ганжи унинг «Панж ганжи» қошида бузук вайронадек кўринар – ганж сочмоқ ва яна Ҳинд сеҳргариким, унинг олдида Кашмир жодулари ип эша олмаслар – унинг гавҳари итига тизмоқ ва ўз назмининг чурук чилвирларини ва узуқ торини ҳам уларга уламоқ

Ҳали оламу бутун коинот мавжуд бўлмаган бир замонда яратилишнинг илк шабадаси вужуд сари кира бошлагач, ҳамма нарса шунда пайдо бўлди;

Виждон аро назар ташлаган ҳар бир киши бу сўзни англар эди-ю, лекин уни лутф этарга нутқнинг ўзи йўқ эди;

«Кун»¹ амри пайдо бўлган пайт «фаякун»² шовқини ҳам зоҳир бўлди;

Биринчи садо сўз экан, демакки, ҳар қандай ибтидонинг аввали сўздир;

Эй сўз, бунчалар ажойиб гавҳар бўлдинг?!

Гавҳар нимаси, мавж урган уммонсан!

Ул уммон бунча дилкаш нақшларни бир тўлқинланиш билан нақшлаб яратди;

Ер қаъридан тортиб фалак юксаклигигача бўлган нарсаларнинг жами унинг аввалги мавжидир;

Сени дуру гавҳар дейдиilar;

Бу – унчалик маъқул гап эмас;

Сен рух жавҳарисан, дур – қуруқ сувнинг ўзи, холос;

¹ Кун – арабча, яратиш.

² Фаякун – арабча, яралиш.



Демакки, сени дурга ўхшатиш, дурни шудринг-га ўхшатишдир.

Айтиб, эшитиб совимас қўшиқ ўзингсан.

Қанча сарфлама бўшамайдиган хазинасан.

Борлиқ мардуми қуёш зарраларини йигиб юргани билан қуёш нури камайиб қоларми!

Игна учи билан бир томчидан сув олаверган билан денгиз сувини қуритиб бўлмас.

Сен қадру мурувватда денгиз ва фалаклар каби бениҳоя, лутфу баҳода асл гавҳарсен.

Қамиш хома билан сени чизган ул зот гавҳарни қора ипакка тизди.

Тил сенинг зикринг ила юксаклик эгаси, тишлиари эса унга инжу тасбеҳи бўлди.

Ганжада маскан туттган зар сочувчи кишидан ўзга ҳеч бир зот бу тил билан мақсадига эришолмади.

Унинг яширин хазинаси – шараф айвони, хазиначиси эса – лутф!

У – маъно тангларининг зарб этувчиси ва узлат ҳарамидаги сир сақловчи дўст эрур.

Унинг диққат маркази калавасининг учи сертугун, ҳар бир тугунида эса юзлаб соғ дур борки, унинг фикр хазинаси дуру гавҳарга кон.

Ундан ҳамма ҳалқлар гавҳар теради, унинг кўнгил садафи гавҳар сочувчи, қамиш қалами шакар тўқувчидир.

У танҳолик гавҳарини қўлига олиб, узлат камарини белига боғлаган, маънонинг хосхонасини эгаллаган ҳам, сўз қизини турли тақинчоқларга фарқ этган ҳам у.

У фазилатнинг Тур тоғидаги Мусоси, қаноатнинг Қоф тоғидаги Анқоси, агар у Мусо бўлмаса, нега унинг қалами бағрига жоду сингдирилган?

Агар у Анқо бўлмаса, нега сўз Қофида узлатга чекинишни ўзига одат қилиб олган?

У назм аҳдининг энг ширин сўзи, сўз дурини тизувчи Низомийдир.



У Ганжада хазинадек яширинган-у, лекин беш хазинадан белги қўйиб кетган¹.

Унинг ҳар бир хазинасидан, яъни ҳар бир достонидан ақду идрок саррофи беҳад соф жавоҳирларни топган.

Ҳар бир жавҳари мулклар хирожига тенг, шоҳлар тожига зеб-зийнат бўлишга арзиди.

Бу хазина қисмлари маъно дуридан, сўз ва иборалари шу ганж тилсимидандир.

Темир қўргонларни очадиган киши ҳам бу тилсими очишга ожизлик қиласди.

Хиндистоннинг афсунгарлик ишида моҳири, ҳинд сеҳргари² бу тилсимни кўриб, ўз қалами учидага саҳифага афсона ёза бошлади ва бу саҳифа оламга favgo соглудек бўлиб чиқди.

Унинг таҳрир этган ҳар бир шеърий саҳифаси фитнагарликда Кашмирнинг бир ўлкаси эди.

Саҳифадаги ҳар бир нуқта бир бало, юздаги дилкаш хол эди, ундаги ёзувлар Бобил мамлакатининг катта йўлидай, қамиш қаламининг ичи эса Бобил чоҳидир, унинг сеҳрли қалами ҳийлакор ҳам истеъододи жодули, сеҳргардир.

Сеҳргар бу мўъжизани кўргач, нима ҳам қила оларди, зеро, бу тилсим уни ожиз қилиб қўйди.

Бироқ енгилганлар каби у қочиши ўзига эп кўрмай, ўша тилсим қаршисида ўз тилсимини тиклади, беш махфий хазинани ўз бағрига олган тошдан яратилган қалъя рўпарасида беш қаср тиклади.

Бу қасрларнинг ҳар бири шу аср зийнати эди, қасрларнинг ташқарисини дилкаш нақшлар билан безаб, ичларини ҳам мунаққаш этди.

Мўъжиза билан сеҳр орасидаги тафовут Каъба олдидағи бутчалик каттадир, бироқ бут бўлса-да, у жонсиз эмас, чунки уни бут ясовчи устод йўнган.

¹ Бу ерда гап Низомийнинг «Хамса» – «Беш хазина» достонлари ҳақида бормоқда.

² Яъни Хусрав Деҳлавий.



У бут – гулюзли паривашдир, унинг иштиёқида юзлаб мутафаккирлар гангиб қолишган, унинг ишқи барчагининг бошига тушиб, ҳаммасининг кўл-оёғи типирчилаб қолган;

Бутнинг уларга тенг келишига гумон йўқ, чунки у яхшидир, ёмон эмасдир.

Бу базмга Ашраф етиб, ўз насибасига эга бўлди;

Менинг ҳам йўлим бу тарафга тушиб, шу азобни ўзимга лозим билдим.

Бу хаёл кўнглимга келмасдан олдин жуда кўп ўйладим: ахир Ганжада хазина яширган киши, ҳар бир хазинаси учун бир қўргон ясади.

Ёки ҳинд наслидан бўлган Ҳиндистон фарзанди ҳам ўз қасрларини обод қилди.

Қалъа учун шаҳар, баҳраси учун эса боғ, кўкатзорлар лозим бўлади.

Қани энди менда ҳам ўшалар сарфлаган фурсатчалик вақт бўлса-ю, шаҳар ва боғ режасини чизиб чиқиб, бофини гуркираган чаманзорларга айлантирсам;

Шаҳрини улкан бир пойтахт ҳолига келтирсам, иккита аввалги достонни ёзишга киришганим ва уларни ниҳоясига етказишга бел боғлаганимда доим хаёлим шу эди.

Энди эса учинчи дард достони мени ақлу ҳушимдан жудо қилди.

Умидим борки, бу ва яна ёзилажак икки достон ҳам аввалгиларидан қолишмайди.

Яъни Низомий ва Амир Хусравнинг «Беш хазина»ларига тенглашади, ўйлаб кўрсам, олдинги иккитасини чукур мулоҳаза билан ёзмаганман.

Мақсадимга эришаман, бундан муродимга етарман, пиrim ҳолимга лутф қилган экайлар, бу мақсадим амалга ошмай қолмас.



VI

Валийлик осмонининг жаҳонга нур таратувчи юлдузи, тўғри йўл кўрсатиши конининг соғ гавқари, шеърият авжи фалагининг қашамли қуёши ва маънолар жомиишинг тоза май ичувчи ринди, яъни мавлоно Нуридин Абдураҳмон Жомий ёнида нукта сурмоқ ва унинг жомидаги дурдни симирмоқ

Сўз гулшанининг очилган атиргули, илм оятини варақ-варақ кезувчи киши қадри шундай юксакликдаки, қуёш ундан қуйироқда юради.

Малак унинг икки кавушидан ҳал қилиб, бош оғригини қолдирадиган сандал ёғочи ўрнида ишлатади.

Букулишдан ҳассаси бошида пайдо бўлган тоб, икки жаҳонни тортмоқ учун илмоқдир.

Учидаги найзаси ғазабга минса, дев билан шайтонларни кўр қиласди.

Тасбеҳига тизилган юз дона юз файз қушларини овлайди.

Доналар белидаги торни жаҳон ҳалқи учун маҳкам ип деб бил, унинг ювинадиган идиши фалак денгизидир.

Ундан томган ҳар қатра сув энг ноёб дур бўлади, поншаси теккан ер – муридлар йифиладиган давра, бу давр аҳли учун саодат ҳалқасидир.

Унинг масжидидаги жойнамоз ва меҳроб Каъбага кирадиган эшиклардир.

Меҳробининг устига Аллоҳ деб ёзилган, уйнинг эгаси ҳамиша эшигида огоҳдир.

Унинг боши саждага эгилганида оёғи «ҳе» сингари буралади, балки саждага жисми эгилганида «ҳе» букиклигига ўхшаб кетад.

Ҳар бир сажда қилганида Ҳақ висолига эришади, унинг саждасини сажда деб эмас, Ҳақ висолига етмоқ, деган маъқул.



У фалаклар авжида юксаклик ногорасин чалиб, фаришталарга ҳимматдан дарс беради.

Лақаби ҳам жаҳонга нур таратади, зоти билан ҳам нуран ало нурдир¹.

Исми Абдураҳмон билан танилган, аммо Жомий билан шұхрат тутгандир.

Эй, илм юзига машъал тутган, файз күзгусиға сайқал берадиган зот, дарвешлик тариқатида шундай узлаттағ чекиндингкі, Аллоҳнинг ўзи сенга мұл-күл файзини ато этди.

Илминг денгизи тұлқынлашанида еттинчи осмондан ошиб кетди.

Қаламингдан маъно дурлари оқиб, нутқинг уни сүй шодасига тизди.

Маъно қаламинг бағрида сайд этиб, сўнг ўша нов орқали дурга айланиб қоғозга таралади.

Ўша йўлдан маъно карвони, балки маъно жаҳонни келади, хавфдан ҳадиксирамай ёппа-ёлғиз оламда сайёҳлик қилади.

У маънолар жаҳон юзинигина эмас, балки осмон кенглиги юзини ҳам тутиб кетган, шеъриятинг наср сингари яхши, насринг эса назмдек кўнгилга түфён солувчидир.

Ушбу наср ва назм лашкари олам юзини бутунлай тутиб кетган, ҳали «Хамса»га қўл урмай турибоқ, қаламинг сўзга кири-шиб кетди.

Киши чуқур ўйлаб қараса, қаламингни йўниб, қатор номалар нақш этдингкі, у хазиналарнинг ҳам саноги бештадир.

«Силсила»ни яратиб, юзлаб ақдни унга шайдо қилдинг, «Тұхфа»ни ғавро учун элга манзур этганингда, кишилар ўз жонларини унга фидо қилдилар.

Қаламинг «Субҳа», яъни «Нуриддин» сўзига ишопра қилиб, нур устига нур иборасини қўлламоқда.

¹ Шоир Нуриддин сўзига ургу бериб, нур устига нур иборасини қўлламоқда.



«Ха» талқинини тугаллаганида, фаришталар даврасида тасбек зикри бошланди.

«Аҳсан ул-қисса»ни ёзганинг заҳоти, қисса халқнинг суюкли асарига айланди. «Девон»ни муҳайё қилганингда, Сурайё юлдузлари унинг бошига гавҳар сочди¹.

Шундай қилиб ғаму азоб тортмай, уларнинг «Беш хазина»ларига жавобан беш хазина намоён этдинг, назминг сифати мақтовдан юқори.

Насринг эса, ундан ҳам ортиқдир, халқ фикрий қашфиётлар ошиғи экан, улардан ҳамиша файз топади. Одам сенинг файзинг билан баҳраманддир, мен эса олам элининг поймолидирман.

VII

Ул шоҳ васфидаким, Хитой ва Ҳинд шоҳлари унинг базми майдонида шоҳмот шоҳларидек ҳаракатдан маҳрум ва фарзинтабиат фалак фили ўша филлардек бўсагасига юз қўйиб қайсарликдан холи ва Кўкбўз оти чопқир осмон ва Баҳром қамар ханжари билан унинг исми олдида бир пиёда навкар

Қутлуғ таҳт мададкорим бўлгани учун күшойиш ва зафар ёр бўлди. Иккинчи Жунайднинг² ҳиммати ва инояти билан мазкур маънолар хазинасини очдим. Унга дадил кириб, олам-олам асиł дуру жавоҳирларни кўрдим. Бу қимматбаҳо жавоҳирлардан, тоза гавҳар ва оловдай лаълу ёқутлардан истаганимча олдим. Қўйним ва қўнжимни тўлдирдим. Ҳатто кўтаришга ҳолим қолмади. Қўйним,

¹ Бу ерда гап Жомий томонидан «Силсилат ул-заҳаб», «Субҳат ул-аброр», «Тухфатул-ахрор», «Юсуф ва Зулайҳо», ва «Девон» асарларининг яратилиши устида бормоқда.

² Иккинчи Жунайд, Навоий бу ўринда устози Жомийни назарда туттган. Айрим навоийшунослар эса бу ўринда Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган, деган тахминни илгари суради.



чўнтакларим ва этакларимни беармон тўлдириб, хазинадан шоду хуррам чиқдим.

Ён-атрофдаги одамлар бойлик илинжида менга талпиндилар. Мен эса мазкур жавоҳирларни тортиқ қилишга арзийдиган одамни ахтардим. Унинг базмига мушарраф бўлиш, бор-будимни тортиқ қилишни мўлжалладим. Мангу баҳт ёр бўлгани учун мени айни бир маскан оҳанрабо каби ўзига тортар эди: бу шундай бир табаррук манзил эди-ки, орзу-умидлар у ерда рўёбга чиқарди. Бу манзилда жаннат каби базм давом этар, тахтда эса баҳтиёр шоҳ ўтиради.

Баҳту иқбол менга айтдики: этагинг билан қўй-нингни катта очгин, барча дуру жавоҳирларни шоҳнинг бошидан сочгин.

Мен дуру жавоҳирларни айтилгандек сочиб, бор давлатимнинг ҳаммасини шоҳга туҳфа қилдим. Бу қандай улуғ даргоҳу, қандай мўътабар шоҳ эканини билишга ошиқдим. У шоҳ осмон каби улуғ тамкини, яъни давлат ва динни эъзозловчи – ислом дини зафарининг яловбардори, яъни Султон Ҳусайн Фози эди.

Уни ҳам шарафлаб шариат ояти инган. Шароит қонун-қоидалари унинг адолатли ҳукмронлиги ҳимоясидадир. Натижада, дин илми ҳам тартиб-интизом топмоқда. Ислом динига унинг асилизода зоти ҳомий ҳисобланади. Ислом «алиф»и унинг байроби, «син» кунгурасини эса қасри Арши аълога етадиган деб билгин¹. Ислом сўзи таркибидаги «лом» ҳарфи байробига зулфи нафис попук, сўнгги «алиф» эса гўё қасрининг устунидир. «Мим» ҳарфи эса ҳассага ўхшаб, Мусо алайҳиссаломдек унга кўмакчиdir.

У Ҳазрати Мусо сингари ҳалқни турли ишларга буюрувчи, ислом динининг тахти эса унга Тур тоги

¹ Ислом сўзининг арабча ҳарфлар билан ёзилиши назарда тутилган.



кабидир. Бу Тур тоғида тасалли топмоғи учун ҳар лаҳзада Парвардигори олам унинг қошида жилваланиб туради. Аксинча, унда тахтта нисбатан нафрат, Аллоҳнинг улуғ даргоҳигагина умидворлик ва ҳасратлари бор. Унинг асилзода зоти олам узра шоҳ, дардли күнгли эса дарвешонадир.

Унинг шижиоатидан фалак фили қўрқиб қочадио, бироқ пашшанинг қаноти синса, кўз ёши тўқади. Шер устида қиличи ярқирайди-ю, чумоли ўлиб қолса, ғамга ботиб, кўз ёшини тиёлмайди. Забардаст қиличи бутун бошли жаҳонни барбод қила олса ҳам феълу атвори бошқа бир жаҳонни бунёд этади. Шоҳлар орасида унинг ўрни фалак каби юксакдир. Дарвешлар олдида эса ўзини хоку туробдай камтарин тутади.

Такаббур кимсалар қошида ўзини Арши аъло каби тутса, фақир одамларнинг олдида ўзини зарра каби камсуқум тутади. Дарвеш дейин десам, у бутун бир ҳалқнинг подишлоҳидир. Бу дарвешлар шоҳини Аллоҳ ёрлақасин!

Саховат унинг одатидир, дейин десам, бу қуёшни мунаvvар деб таърифлашдай оддий гап бўлади. Шоҳона даргоҳини улуғ десам, фалакни юксак деб бехуда ургу берган бўламан, холос. Илм эгаллашга умр сарфламасдан вараққа битилган сўзларга ҳарафма-ҳарф тикилмасдан, зеҳни ҳамма илмларни ўзлаштиради. Бу Аллоҳ томонидан юборилган набийга ўхшайди. Ҳар бир илмда аллома бўлган одам унинг ҳузурида сўзлаш учун оғиз очолмай қолади. Оламдаги ҳақиқий илм – дин илми. Дин илми фиқҳ экани ҳам аниқдир.

Унинг мажлисларида бирон бир фақиҳ муайян масалани ўргага қўйса, шоҳ бу борада юзлаб асосли шубҳаларни тизиб ташлайдики, масалани ўргага қўйган одам буларнинг биттасидан ҳам воқиф эмаслиги ойдинлашади. Фақиҳ шу тариқа бир чет-



га чиқиб қолгач, шоҳ ўзининг шубҳаларини бирма-бир ҳал қилиб беради.

Аллома китоблардан ўқиганларини сўраса, шоҳаншоҳ Аллоҳ кўнглига солган ҳақиқатларни айтади. Муайян масала хусусида шоҳ дур сочса, юз ақдли фақиҳ ҳайратга тушади. Шоҳ қаерда масалаларни айтиб, ҳал қилиб берса, фақиҳлар уларни шарҳлаб рисолалар ёзадилар. Унинг ақду идрокига шунчалик қўп масалалар маълумки, уларни юз китобга ҳам сифдириб бўлмайди.

Шоҳ бу билимларни заҳмат билан ўрганиб олган эмас, балки бир марта эшитганини унутмай эсда сақлаган. Ҳар бир фикрни изоҳлагандай, Абу Ҳанифа руҳини шод қиласиди. Фақат фиқҳда эмас, ҳадис ва тафсир илмида ҳам, қайси бир масалага тўхталса, ҳаммасини теран мушоҳада қилган эди. Ҳар нарсага мурожаат этган бўлса – етди, шу керагича сўзлади.

Кўнгли ёмонликдан покиза, хайру саховати билан ҳалқроҳат-фароғатда. Ҳар гўшада масжидлар барпо қилинган бўлиб, бу масжидларда тақвадорлар сонига teng малаклар ҳам саждададирлар. Наинки масжидлар, балки фақиру дарвешлар учун хонақоҳлар ҳам бунёд этган. У тутган шарбат косалари Жамшид жомидай, ҳар бир садақа қилган патир noni Қўёш қулчаси билан тенгдир.

Унинг қўлидан очлар тотли таомлар ейди, яланғочлар янги кийимлар киядилар. Савдо қилиш мақсадида савдогар ўз мамлакатидан сафарга отланса, бирон тоғда тўхтаса ҳам, унинг учун бое мұхайё, шунингдек тамға солигидан озод, хавфу хатардан хавотири ҳам йўқ. Кўнглига маъқул нарх берадиган харидор топмаса, матоларини очиб кўрсатмайди. Матоларини ўраб, йиғиштирса, ҳеч ким унга, матоларингни қайта очгин, деб буйруқ беришга ҳаққи йўқ. Ўзи учун бегона шаҳар ичида хожалар каби бемалол юраверади. Унга хавфу хатару қўрқув ҳам бегона.



Савдогарлар учун шундай шароит яратилган.

Аҳоли ҳам фарогатда: барча ўз иши билан банд. Ҳалол меҳнати маҳсули билан яшайди. Юлдуз тўла осмон сингари жаҳон юзини дону дун, фалла қоплаган. Буғдой билан арпа берилса, дуру гавҳар талаб гадо олмаслиги мумкин. Гадолар ҳам дону дунга мойил эмас. Аслида, шаҳарда тиланчининг ўзи йўқ.

Мазкур тинчлик-омонлик ва бениҳоят аддуadolat шаҳар аҳолиси учун кифоя. Бирон бир зиён кўрмай топган даромадларидан одамлар иморатлар ва боғу роғлар барпо этадилар. Даشتда яшайдиган турку арабу булуж ва бошқа элатлар лола каби ўз кўркласини намойиш этиб, чармдан тикилган бўркларини олифталардай бошлирига эгри кўндириб юрадилар. Бўрилар қўйларга зиён етказмайди, зотан бўри қўйчивоннинг ити билан қоровуллик қиласиди. Бу гапларни ўну юз баравар қўпайтирсам ҳам, барча гапларнинг мингдан бирини ҳам айтмаган бўламан. Буларнинг барчасини чин, деб билгин.

Қизифи шундаки, бу жаҳонпаноҳ сultonning юз мунча ободлигу фаровонликдан ҳам кўнгли тўлмайди.

Ё Аллоҳ, уни барча мақсадларига етказгин. Бутун дунёга ҳукмронликни унга насиб этгин. Зотан, адолати ва ҳукмфармолиги жаҳонни тутса ҳам қаноатланмайди, чунки унинг осмон каби катта орзу-умидлари бор. Барча орзу-умидларини унга муяссар қиласин. Сенинг лутфу марҳаматинг билан олам ҳукмдори бўлиш унга насиб этсин.

VIII

Ўринбосарлик таҳтининг зебу зийнами ва салтантат шахсининг кўз қорачиги, яъни Султон Бадиуззамон Баҳодир ибн Абулгози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳузурида арзи илтижо. Аллоҳ таоло у иккаласининг мулки ва салтанатини доимий қилсин ва уларнинг яхшилиги ва эҳсонини бутун оламга ёйсин



Ким унинг денгиз миқёсли фазилатларини англашга уринса, уни асиł дур деб васф этса, ажаб эмас. Фалак жисмларини санашга киришган одам Қуёшни албатта тилга олади. Гулшанни батафсил таърифлашга чоғланган одам эса гулни васф қилиши табиий ҳол.

Юқорида шоҳнинг шаънига мақтовлар айтилди. Ниҳоят шаҳзодани ҳам дуо қилиш керак. Дарвоҷе, у наинки шаҳзода, балки шоҳу шаҳаншоҳдир. Шоҳлар унинг ҳузурида хоки пойи ҳисобланади. Унинг шахсияти эса адолат ўлкасининг янги боғидир, ҳам султонлик осмонининг ҷароғидир. У шоҳдик бўstonининг гулюзли сарвидир. Адолат ва эҳсон осмонининг қуёшидир. У одамлар орасидаги қаҳрамон, яъни Бадиузвамон у. Унинг исми замон нодири бўлганидек, зоти ҳам жамики инсу жонларнинг ягонасидир. Ҳай, ҳай, бу қанчалар ажойиб исм! Бу қанчалар покизава саодатли зотдир! Унинг зоти фариштасифат бўлгани каби барча сифатлари ҳам малакларга хосдир. Унинг саховати олдида тўққиз қават осмон – фалак қошидаги бир у uom тупроқдан фарқ қилмайди. Раъийи нури олдида мунаvvар қуёшни тасаввур қилсак, бу қуёш олдидағи учқундай ёруғлик сингаридир.

Унинг адолати жаҳонни мунаvvар қилади. Ўзи адолат сўзи бошидаги айн – қуёшдир¹. Қаҳрининг учқунлари самога ўрласа, Насри Воқиъ² юлдузи сингаридир. Самани жаҳон бўйлаб қушдай учадиган бўлса, янги ой отига тақа бўлади. Уруш ва қасос пайтида унинг жанг сиртмоғи каманди очилиб, сиртмоқ бўғови унга күшойиш фатху нусрат олиб келади. Камони ўқларининг парлари малаклар қанотидан бўлгани учун отилган пайтда, тўққиз фалакдан ҳам юқорига етади. Чавгон ўйнашга мойил бўлса, отла-

¹ Айн – қуёшдир – изоҳ: адолат сўзининг арабча «айн» ҳарфи билан бошланишига ишора қилинмоқда.

² Насри Воқиъ – самодаги юлдузларнинг энг порлоги.



ниб майдонга тушса, чавгоннинг учи янги ой бўлиб, учар юлдуз унга даста бўлади. Унинг югуриб-елиши учун майдон – фалак саҳни бўлиб, юлдузлар чавгонига тўп бўлиш учун талашадилар. Қайси юлдузга унинг чавгонининг таёғи тегса, ўша юлдузниң қадри фалакдан ҳам юксалади. Жанг майдонида унинг қатл этиши жонга офат бўлиб, базм ичидаги жамоли оламни безайди. Унинг базмида осмон жангор дастурхон, у дастурхонда эса лимонлар юлдузлар каби жойлашади. Созандою хонандалар Ноҳид¹ сайёраси бўлиб, унинг қўлидаги доира қуёшдир. Осмон эса тахтининг сояси бўлиб, унга чиқиш учун қуёш пиллапоя бўлади. Ҳар бир зина – у қуёшми ёки тўлин ой бўлсин, унинг хоки пойини тавоғ қилиб қадр топади. Бу пиллапоялар билан у тахт ясалгач, тахт устида баҳти навқирон шоҳ ўрин олгандир. У тожни бошига чиройли қилиб қиялатиб кийиб олган, юзлаб тож эгалари унинг итларига муҳтождирлар. Улар қўлларини қовуштириб, амру фармонига бир чеккада интизор бўлиб турадилар. Уларнинг ҳар бири «Ўтир!» деган фармон армонида яшайдилар. Улар таъзим қилганча ерга бош қўйиб, уни мақташ билан бошлигини фалакдан юксалтирадилар. Соқийлари ҳур ёки фариштадек, ҳар бири Шарқ қуёшидек.

Бундай соқий кимга май узатса, унда асло ақду хуш қолмайди. Уни май дема, оби ҳаёт, яъни ҳаётнинг зилол обидир. Соқийси эса – мангуллик ҳаётидир. Бу руҳбахш майни ичган шоҳнинг базмда айтган сўзлари жон баҳш этади. У гоҳ бир сўз билан жон баҳш этади, гоҳ бир сўз билан жаҳон тортиқ қиласди.

Бу жаҳон шоҳи токи бўлар экан, ҳамиша жаҳон оғатларидан элни ҳимоясида асрайди. Бу шоҳ ҳам жаҳон паноҳи бўлсин, ҳам аҳли жаҳоннинг шоҳи бўлсин.

¹ Ноҳид юлдузи – қадимий талқинга кўра, созанда, хонандалар, яъни санъаткорлар ҳомийси ҳисобланади.



IX

У тун дағдагаси таърифидаки, савдоиши ишқ аждаҳосининг дами ўтигининг тутуни ва юлдузлари оламни ўртайдиган ўша оловнинг ёлқинлари эди; шундай тунда хаёл сайёҳи кўргиликларнинг қора отига миниб, ҳар томон йўл олмоги ва ишқнинг кўз оғатлик даштига етмоги; оғат ёғинларидан бало довулига қолмоги ва бало яшинлари унинг жонига шавқ ва мухаббат ҳароратини солмоги; ишқ дури шамчирогини ўша кеча топмоқ ва у йўлчи юзлдуз билан сўз майдони жавлонига чопмоқ; Лайли хаёли билан кўришимоқ ва Мажнун дардига тушмоқ

Хийлакор фалак ўтган кечада нур устига зулмат ёйганда, олам устидан эсаётган тун шамоли кўк бағрига қоронгилик сочар эди.

Мен зим-зиёлик гумбазига қамалгач, зулмат эшикни беркитган эди.

Замонни мумдай булат қоплаб, туннинг зулмата тига яна қоронгилик қўшилганди.

Вужудим шу зулматга асири бўлиб, кўнглимга фалак зулмати қўнган эди, кўнгил ўйноқи хаёл отига миниб, дуч келган томонга қараб чопар эди.

Тунранг хаёл оти жаҳонда кўп югурди-да, ниҳоят араб тупроғига етиб, тўхтади, ишқнинг ҳидини сезган ҳамоно у от чопишдан ҳам қолди.

Ишқ водийсига етгач, ундан нари ўтиб кетмоқ жуда мушкулдан мушқул эди, хаёл суворийси тай-салланиб, бу ерда от ҳам оқсоқланиб қолди.

Ҳаво оҳ сарсарини қўзғатар, булат эса тинмай ёш тўкарди, яъни, шамол янада қаттиқроқ эсар, ёмғир эса ундан ҳам даҳшатлироқ эди.

Кечада кўзни юмиб, ёруғлик истагандай қоронги эди.

Офтобдан Шарқ ёришгани каби, баъзан Тур тоги устида яшин ярқиради.



Ёхуд Мусонинг орзуси билан Тур тоги устида Худо жамоли жилвалангандек бўларди.

У Тур тоги ва тог эгаси Мусо, нур қаърида фарқ бўлгандек кўринар эди.

Баъзан эса бу яшин суръат билан Мадина сари бопар, шуълалари билан зулмат устига нур тўкар эди.

У яшин нури айрилиқда Парвардигорнинг дийдорини умид қилган Ҳошимий авлодидан бўлган пайғамбарга ўхшар эди.

Меъроҷ кечаси Пайғамбар осмонга чиқиб, юзининг шуъласи билан жаҳонни ёритди, яшиндай кўкка юксалиб, Мадинага ёлқин ташлади.

Баъзан бу яшин Қуддусни ёритиб, тун зулматига оқ нур тўкар, бу қора тутун орасида ловуллаб кўринган Халил ўтига ўхшарди.

Халилнинг гулханга тушиши яшинга ўхшар, Намруд¹ юзига нурлар сепарди.

Шу яшин ҳар лаҳзада Яман томондан кўриниб, ўзининг ўтлик сиртмоғини ташлар, у – Суҳайл юлдузи балқиб, Яман тунини ярқиратганидек эди.

Йўқ, йўқ, балки Увайс қалби ёлқини қора тунни ойдинлаштирумокда, гоҳ Абуқубайс тоги узра товланиб, ундан Каъба равшан бўлиб турар ёки нур ҳарамга тушиб, ундан тог бағридаги бинолар ҳам ярқираб кўринарди.

Айман² анори ўз шохини ёритганидек, гоҳо Изам водийсига шуъла сочарди.

Салам³ ёғочларига ўрнатилган дурлардек нур билан зийнат берар, баъзан Нажд тоги устида у яшин чақнаб, осмонга нур сочар эди.

Бу – қоронги ҳижрон кечасида ғамгин Мажнуннинг ўтлик оҳ чекканига ўхшарди, гоҳ муросасиз фалак, шом устида субҳ кўрсатар эди.

¹ Намруд – Иброҳим (Халил) пайғамбарни ўтга ташлаган подшоҳ.

² Айман – Арабистондаги водий номи.

³ Салам – дараҳт номи.



Бу эса Лайли карашмага майл қилиб, қора кокилари орасидан жамолини күрсатишига ўхшарди.

У яшин тинимсиз ҳар томонга учар, шу равшанликда қабилаю уруғлар кўринарди.

Кетма-кет чақилаётган чақмоқ бир қабилани эмас, балки юзларча қабилаларни кул қилиб юборгудек, унинг нури ҳар ёқقا учиб юрганда, йиртқич ҳайвонлар ҳам кўринишиб қоларди.

Йўлбарс, қоплон ва қонхўр шерлар қон тўкиш учун чангларини ўткирлаштирап эдилар.

Шу водийда танлари тупроққа айланган ошиқларнинг суяклари унда-бунда оқариб туарарди.

Бу суяклар чўллардаги чирик саксовудек уюм-уюм бўлиб ётарди.

Қуёш хазинасини аждаҳолар йўқотиб, ўрнини тун аҳли қора балолари босди, ёмғир дема.

Булат ёвдек эл устига ўз ўқларини ёғдирмоқда, тунда булатларнинг ҳар томон қўзғалишлари қора девларнинг наъра тортишига ўхшаб кетарди.

Булатларнинг бир-бирига келиб тўқнашишлири, уларнинг гулдураш садоларидан фалак гумбази дарз кетгандек бўларди.

Буни оқшом дея кўрма, балки жонга юзларча оғат келтирувчи қўрқинчли зулматdir.

Югурик сайёҳ бу ҳол ҳайратидан бир қадам ҳам босолмай қолди, унда қадам босгани мажол тугул, бунга умид ҳам йўқ эди.

Юзларча оғат ичида жонни ҳовучлаган мусофир, мингларча таҳликалар туйрди, унинг қўрқувдан мажоли қолмаган.

Унга на ақл йўлдош, на ҳуш, ўзи бежон, агар жони бўлса, ҳуши йўқ, у қўрқоқ жонидан юз марта воз кечган, жаҳондан ҳам кетмоққа шай.

Оғат, балолар дастидан хаёл мусофири икки кўзини очолмай тонг оттирди.



Тонг тун кулинин супуриб, азоб булатларини ҳам ҳайдади, хаста ва чүчиган мусофири бир лаҳза ором топиб, ўзига дерди:

«Бу тунми ё бало даштининг қора куними? Жаҳонда бунча ҳам баҳтсизликлар бўладими, қаерга қадам қўймайин офат, бу қоронги водий қандай водийки, унинг зулмати нафас йўлимни бўғаёттири?»

У буни ҳали англаб етмай, ғойибдан нидо келди:

«Бу ишқ даштидир; саргузашти – жон офатидир. Сен қўрган ҳар яшин ишқнинг ўтидир, ўша яшиннинг ҳар шуъласи ишқнинг ханжаридан чиққан учқунлардир.

Зулматга чулғанган ҳар қора булат, ишқ ўтининг кўкка ўрлашган тутунидир.

Баҳор томчиларини ёмғир дема, у ишқнинг ўқ ёғдиришидир.

Бу ишқ даштида йиртқичлар гавро солади, шу даштнинг ҳар тарафи қурт-қумурсқага тўла.

Бу даштга келган аждарлар қамиш ичидағи қилтириқ тола каби, ҳайбатли шерлар эса кучсиз чумолилар каби ожизланиб қолади.

Бу ишқ водийсининг фамлари қишида гаранг қилиб қўйса, ёздаги гармселлари элни илвиратиб кетади.

Бу дашт тиканлари офат алифи каби, лолаларида ишқ доғлари бор.

Бунда ҳеч ким яшай олмайди, яшаш қаерда, балки ўтишга ҳам имкон тополмайди.

Мозий дунё бир кишидан бошқа ҳеч кимнинг бу водийга қадам қўйганини билмайди.

Унинг вужуди фам тупроғи ва сувидан ясалган, ишқ ўти ва ели унинг манглайига ёзилгандир.

Бундай кишининг қисмати доимо саргардонликда ва фам чўлларида қуюндай кезишдан иборатдир.

Унинг жисми тупроғи дард кўчасининг чанг ва губорларидан, суви бўлса – дард булогидан.



Жисмнинг ел қисми сарсаридек оҳидан ва ўт қисми жон ўртайдиган ишқ гармселидан эрур.

Унинг вайрон бўлган тани ғам қушининг макони ва аламли боши ҳам қушлар уяси эди, сочи кўргиликлар тутунига ўхшар.

Унинг ҳар толаси телбалик оёғига кишан эди, муҳаббатдаги сифати девоналик бўлгандан, унинг номини жаҳонда Мажнун деб аташарди.

Ушбу дашт унинг турар жойи, ўти, гулшан тикандари – унинг гулшани, у бир нодиранинг, нодира бўлганда ҳам жаҳон балосининг ишқига мубтало эди.

Арабистонда ва Ажамда мислсиз бўлган бу гўзлдан Арабистон ҳам, Ажам ҳам аламда эди.

Мажнун муҳаббатда ягона бўлгани сингари, ҳуснда у қиз ҳам замон офати эди.

Буларнинг дунёга машҳур бўлган афсоналарини Хусрав билан Низомийлар достон қилган, ишқдан сўз очиб, бу иккиси тўгрисида ҳикоя қилган эдилар.

Шеърият осмонининг юлдузи Суҳайлий ҳам Лайли, Мажнун ҳақида сўзлашга майл қилган, ҳозир ҳам у шеъриятда ягона бўлиб, сўзлари сочилган дурлардекдир.

Суҳайлий Хусрав руҳини безовта қилса-да, лекин Низомийнинг кўз нури ҳисобланади, бирининг руҳини ранжитса-да, иккинчисини қувонтиради.

У дур сочувчи қаламини қўлга олиб, Лайли ва Мажнун достонини битгандир, унинг бундан муроди – олам саҳифасида бўлмаган ажойиб бир достон яратиш эди.

Низомий, Хусрав ва Суҳайлийлар бу қиссани назмга соглан эсалар-да, улар бу даштдан ўтмаган, бу балолардан хабар топмаган эканлар.

Халқ ва ривоятчилардан бу қиссани чала-чулпа эшитиб, бунга шунчалик зеб бердиларки, васфида ҳеч сўз айтиб бўлмайди.

Сенга ҳам фалак ёр бўлиб, йўлинг шу ишқ саҳро-сига тушди.



Унинг ҳоли ва фам-кулфати қандай эканлигини билдинг.

Бу ишқ даштига кимки келиб, яна қайтиб кетар экан, бу воқеаларни айтольмайди.

Айтса ҳам ҳеч ким ишонмайди, менинг ишқ йўлбошчиси деган номим бор.

Турар жойим ҳам ишқ саҳроси, сенга Мажнуннинг Лайли гамида қандай куйганини бекаму кўст рост сўзлаб берай.

Фойибдан овоз берган руҳ шундай деб бу қиссани бошлаб, маънавий нафосат билан баён этди, унинг фам-ҳасрати, оғир кунлари шундай-шундай эди, деди.

«Энди бу қиссани англадингми, дадил бўлиб, қоғоз, қаламга қўл чўз, сендан бу ҳикояларни ёзмоқ, биздан сенга сўз билан тўғри йўл кўрсатмоқдир.

Уларча ранг-баранг сўзлай олмасанг-да, ширин тил, нозиклик билан бўлмаса-да, лекин сеникида дард ва ўртанишлар ортиқроқ.

Кўнгил ёқувчи ҳангомалари кўпроқ бўлади, у томонда гул ва сунбул бўлса, сен кишилар қалбига ўт ёқиб, дудини кўкка етказасан.

Улар қимматбаҳо дурлар сочса, сен кўз ёшини дона-дона қилиб оқизасан, уларда жозибали сарв унса, сеникида фифон ва оҳ дарахти ўсади».

Хаёл мусофири ишқ кўргиликларини англаб, уларни чин кўнгил билан қабул қилди, жонига завқ асар этиб, бутун фам ва малолликлар барта-раф бўлди.

Ижод учун белни маҳкам боғлади, хаёл отига чаққонлик билан сакраб минди, ҳужрага етиб келганда, тонг отиб, муazzzin аzon айтди.

Бутун фарзларни адо қилганимдан сўнг қўл давот ва қаламга борди, фойибдан келган овоз тўғри йўл кўрсатганидек, мен ҳам афсонани бошладим.



X

Қайснинг йўқлик мажлисидан қутулиб, вужуд бешигига тутилгани; қон ютмоқдан емиши ва ишқ доясидан парвариши топгани; ишқ зоти баҳрасидан эл кўзига ширин ва азалий дард ҳароратидан халойиқ назарига иссиқ кўрингани

Бу бўғовлар ҳалқасидаги ғамгин кишининг занжирлари шундай садо беради, араб ерида бадавлат бўлиб, Арабистонга ҳукмронлик қиласарди.

Неча-неча қабилалар унинг ҳукмидаги эди, барча қабилалар унинг иқболини ўйлаб иш кўришарди.

У бечора ҳалқнинг мушкулини осон қилувчи, ҳамиша дастурхони ёзиглик, меҳмондўст киши эди, осифалиқ қозони ўчоқдан тушмас, тун-кун гулханида ўти пасаймас, саҳрода йўлинни йўқотганларга бу ўт қоронги кечадаги ёруғ юлдуз бўлиб кўринарди.

Билимни қасб қилиб, саховатни ҳунар қилиб олганди, билим билан саховат кўрсатар, от, тuya, қўй-қўзилари сон-саноқсиз эди.

У тез ўтувчи умридан куйган, боласи йўқлигидан жуда қайгуарди.

Моли кўп, ўзи кексайган, фарзанд орзусида эди, инсоннинг ҳаёт либоси эскиб, умр дараҳти ҳам қулагай деб қолганда, ёнида гўзаллиги санобарга ўхшаган ёш мевали ниҳол бўлса эди, шу азамат дараҳти тубидан кўчиб кетса, бу ниҳол ўсиб соя соларди.

Яъни йўқолган садафдан бир дур қолса, унинг қабиласи шу дурдан нур оларди, агар бир меросхўри бўлса, унинг моли дунёда совирилишдан сақланарди.

Умр қуёши ботар экан, унинг ўрнига яна ёруғ қуёш – фарзанд керак, у қуёш юксалиб, бутун қабилаларни ёритар эди.

Билгилики, гулистон қуриганда булбул сайрамайди, достон айтмайди, ҳа, ғам тунида нур таратувчи шам ўчиб қолса, парвона билан уй ёришмайди.



Бирор мақсадни кўзлаганда шуни ўйла, агар унга эриша олмаётган бўлсанг – сабр қил!

Қабила бошлиғи Аллоҳга кўп ёлвориб, истаган умидига етди, яъни унинг мақсади фарзанд эди, Худо унга ворис берди.

У ворисгина эмас, балки ишқ аҳлиниң мурод қабиласидир, ишқнинг туғилиши бир башарий қатрадан экан, ўша модда маъно садафининг ишқ гавҳаридир.

Шу қатра тан хазинасининг яширин қимматбаҳо кумуши, жон гулшанинг ёруф шабадасидир.

Муҳаббат ояти унинг ёноғида товланиб, вафо фармонлари эса юзида кўринарди.

Ишқ мулкининг шоҳи кўқдан ергача ҳукм қилдиким, шодмонлик билан осмон гумбазигача зийнат бериб, байрам қилсиналар.

Кўқдаги абадий дард бу хурсандчиликда нағмасини шодиёна чалсин, дунёдаги ғам лашкарлари талвасага тушиб, севги қўшини қўзғалиб, тошди.

Бало сел оғатига йўл очаман деб, қўли билан унинг кўзини очди, бебош фироҳ унинг бошини силаб, «бу бош устига тош ёғдираман», деди.

Дард ҳам унинг оғзини ювиб, «бу ердан оҳ ўтларини фалакка ўрлатаман» деди, ишқ эса «бундан бошқа пок манзил йўқ» дея унинг кўнглига мойил бўлди.

Алқисса, отаси бу дурни топганидан фахрланиб, кўп гавҳарлар сочиб, тортиқлар берди, ўғлининг номини Қайс қўйди.

Бу – ўз отасининг номи эди. Бир неча доялар уни боқиб асрадилар, улғайтиришга киришдилар.

Қимматбаҳо матолар билан йўргаклаб, фунча каби юзлаб либос билан ўрадилар.

Гул япроги асалга тушгандек, уни бешикка боғладилар, уни баҳт билан саодат доя сингари одат бўйича тарбияладилар;



Бир лаҳза ҳам ундан бехабар қолмай, күз қора-
чиғидек сақладилар, уни күз ёшини сақлагандек,
күздан асадилар.

Бодомнинг ичидаги магиз сақланганидек, бу бола
ҳам күз бешигида фарогатда яшарди.

Атрофини ўраб олган эл у томонга совуқ шамол-
ни эсгани қўймасди, бўғзидан сут ўтиши биланоқ
қонга айланар, шу важдан бағри ҳам қонга тўлиб
борар, бешикка танғилиш билан тани қийналиб,
азобланা бошлади.

Ерда юришга ўрганмаган жуда кичик чоғидан
бошлаб эмаклашга ҳаракат қиласди, ўтни кўргандан уни
ишқ ўти гумон қилиб, унга яширинча майл қиласди.

Дард ва ғам бир лаҳза ҳам ундан ғофил бўлмай,
ҳамиша уни улғайтириб борар, гўдак бешикда
фифонлар тортар, аффонида эса дарднинг нишо-
налари сезилар эди.

Унинг тили чиқиб гапирав экан, ҳар бир гапи
таъсирли бўлиб, гаплашганда унинг сўзлари эл-
нинг ҳушини йўқотар, юзида малоҳат шуъалари,
нутқида фасоҳат нашъалари бор.

Ҳар битта маъноли сўзи эл кўнглига таъсир қиласди,
фикрлари ақдга маъқул, бошдан-оёқ манзур эди.

Қабилалар ҳар томондан хабар топиб, Қайсни
кўрмоққа ошиқар, атрофдан келган кишилар бу
ажойиб болани талашиб томоша қилишар, баъзилар
чехрасидан ҳайратда қолсалар, баъзилари сў-
зидан ўйга чўмиб қоларди.

Бенаволар уни жондан севар, ҳар ким кўрса дуо
қиласди, юзларча қарияларни ўз васфида лол қилган
шундай ажойиб бола эди.

Ота-онаси уни бирдай севарди, гўё маъшуқ бит-
та-ю, ошиқ иккита эди. Ундан беҳад ажойиб сўз-
лар эшитганлар «ёмон кўз тегмасин», дердилар.

Жон йўргагига ўраб, кўз қорачиқларини исириқ
қиласди. Тўрт ярим яшар бўлганида отаси уни
ўқитиши ниятига тушди.



Қабилалар ичида тенги йўқ таълим берувчи устозни қидира бошлади – токи ўғли мактабда ўқиб, баҳтли бўлсин, илм-маърифатдан баҳра олсин, илмлар билан азиз бўлиб, жаҳонда ном чиқарсин.

Эй одоб ўргатувчи устоз, ақл сенинг қошингда талаба бўлди, бу бола қўлига бир варак тутқиз, менга бўлса, ишқдаи сабоқ бергин!

XI

Қайснинг донолик мактабида илмлар варажлари-ни ўғиргани; ишқ изгирини етиб, у варажларни совиргани, яъни Лайли ҳусни гулшапидан хасталик хазони четлашиб, са-ломатлик баҳори елидан латофат гуллари очилиб, мактабга йўл олгани ва у гуллардан Қайс кўнгли оёгига ошиқлик тиканлари санчилгани

Сўз дарсидан таълим берувчи киши афсонани шундай таҳлил қилди:

Қайсга одоб ва таълим берувчи кишини ҳар тарафдан изладилар, одамзод ичида малаксимон яратилган бир ҳунарманд устод топилди, бироқ у устод қабиладан ҳеч ерга жилмас, дарс беришда эса юксак камолот соҳиби эди.

У ажойиб киши қабилада иззат-хурматли бўлиб, ҳар ишда Ҳай аҳлига ёрдамлашувчи, зўр шаън-шавкатга эга, мартабасииинг юксаклиги кўкка teng бир шахс эди.

Қаҳри келганда нафаси гармседек, метин тошлар қўлида юмшоқ мумга айланар, карам дастурхони олдида қуёш қора кулчадек қадрсиз; чексиз бўлган тун осмони унинг қабиласида эски бир отхона эди.

Ўт унинг қаҳрига teng кела олмас, ел бўлса унинг қабиласидан битта гардни ҳам учириб кетолмас, элига олам оғатлари тушмас, чунки у ўз элининг паноҳ қўргони эди.



Хазинасида дуру гавҳарлар кўп бўлиб, лекин бир дурдан алоҳида фахрланаар; бўстонида юзларча чиройли гуллар бор бўлса-да, уларнинг биридангина димоги хушбўй эди.

Бир машъалдан кўзи ёруғланган эдикি, бир учқуни шарқ қуёши эди.

Тураг жойи бир шам билан безанганд; жаҳон уйи ҳам ўшандан равшан бўлган, уни шам дема, балки нурларнинг чашмасидир.

Унинг нури ёмон кўзлар макридан йироқдир, уни ниҳол дема, балки сарв каби хушқоматдир, сарв ҳам дема, балки шамшодга рашик солувчидир.

Уни ой дема, балки тўлган ойдир, тўлин ой ҳам эмас, балки порлоқ қуёшдир.

Икки лаби асал, лекин хурмо мазалик; икки юзи тўлган ойу, бироқ ниқобда, қора зулфлари тунида юзи қуёшдек, гажаклар эса шу қуёшнинг устидаги умид шоми эди.

Йўқ, шом эмас, балки кўнгилдан тонгнинг ёдини чиқарувчи қоронгиликнинг ёйилиши.

Туташган икки қоши ўзаро ҳусн талашиб, мозжаро бошлаган чоқда, қора холи воқиср бўлиб орага кирган, ўсма уларга зийнат берганда, янги ойга ўхшаган қора қоши кўкимтири бўлиб товланар ёхуд янги ўсиб чиққан икки сарв ниҳоли шабададан икки тарафга эгилиб тургандек туюларди.

Шўх, раҳмсиз икки кўзи эса маст кофиirlардек уйқусираб, ҳалиги сарвлар остида уйқу умиди билан чўзилиб ётгандек.

Киприк сафлари қора балодек, қора кўзлар устидаги қора соядек, соя ҳам эмас, балки тўрт қатор саф тортган сурма ранг кийиган занги қўшинларидир

Кўз очиб юмгунча киприклар икки қўшиндек қон тўқмоқ учун бир-бирига ташланади.

Буларни Ҳинд лашкари дема, балки Чин даштинг кийикларига қўйилган қатор қопқонлардир.



Чин кийиклари шу қадар мушк сочдики, у қоп-қонларни ҳам муаттар қилиб юборди, юзи жаннат боғларидан нишона бўлиб, ундаги хол фириб учун донадир.

Жаннат донасига биргина Одам Ато илинган бўлса, бу юзадаги хол донасига бутун жаҳон аҳди овлангандир.

Лабининг болидан оғзи ширин бўлгани учун сўзлари ҳам ширин эди, лабига жон заҳиралари ийфилган, оғзининг суви жон шираларидир.

Ўпган киши ундан жон топади, шунинг учун уни оби ҳаёт дейилган, икки қизил лаби жон бўлса, ияқ остидаги бақбақалари «жон» сўзининг «нун» ҳарфидир.

У шундай сарвқомат, нозик ниҳолки, жилваси қиёмат қўпоради. Уни кўрган киши ўзга бир оламга ўтиб қолар экан, у ҳар дам бир қиёмат қўпорса нима айб?

Белининг нозиклиги жон пардасидаги ингичка торларсимон, либосидаги ўриш-арқоқлар жон пардасидаги яширин нозик иплардандир.

Унинг пок гавҳари ҳали ипга тизилмаган, лаъли эса заргар қўлидан зарар кўрмаган; тўғри даъво каби тоза, очилмаган маънодек оҳорли эди.

Икки қора сочининг узунлиги интиҳосиз икки қоронги кеча.

Шунинг учун исми барот¹ ва қадр² кечасидаги тўлин ойдек жилваланаар, кимки исмини айтишни истаса, Лайлидан бошқа сўзни тилга олмас эди, бу тоза гулшан – Лайли гулдек юзи билан отасининг кўзини равшан қилган эди.

Отаси Лайлига мактаб бўлсин деб, бир уйни жиҳозлаган эди, у хона нафосатда ой доирасига

¹ Б а р о т – ҳижрий йил ҳисобида саккизинчи ой бўлган шаъбоннинг ўртаси, байрам куни.

² Қ а д р – рамазон ойининг «Лайлат ул-қадр» (Қадр кечаси) деб аталадиган 27-қутлуғ туни.



ўхшар, Лайли шу уйда ойдек ўтирап, боя айтилган устоз шу мактабнинг муаллими бўлиб, фариштадан ҳур таълим оларди.

Кўк юзини юлдузлар қоплаганидек, у хона болалар билан лиқ тўлган эди. Йигин гули Лайли эса талабалар орасида юлдузлар ичида ойдек ўтирарди.

Қайсга келсак, отаси уни бир устозга топширса-ю, устоз унга илм ўргатса, деган фикрга келган эди.

Қабилаларида Лайлиниг мактабидан бошқа муносиб мактаб бўлмаганидан, арабларда бўлган расм-русларга мувофиқ, гавҳарни чексиз денгизга ташлагандек, Қайсни ҳам билимдонга топширди.

Бундай пок гавҳарни топган денгиз жуда завқланди. Шу соатда унинг таълим тахтасига сабоғини ёзиб берди, яъни олдига кумуш лавҳ қўйиб, дарҳол унга таълим берди.

Ўқитувчи таълимга қаттиқ бел боғлади, Қайс унинг айтганларини яхшилаб бажарди, унга қанча кўп сабоқ берилса, гўё илгари билгандек ўқир, ҳамдарс болалар ўз ҳолатларига хижолат тортар эдилар.

Қайс бир кун шериклари билан сабоқдош бўлса, иккинчи куни албатта ўзиб кетарди.

Шундай кунлар ҳам бўлардики, беш-үн сабоқни ўқиб, англаб, янги варақлар очар, шу йўсинда замона уни тез вақтда ҳамма илмлар бўйича ягона қилиб қўйди.

Замона ягонаси – Қайс мактабга кела бошлаган вақтда, Лайли демайин, ул санамдек паризод бир касалга чалинган эди.

Табиатига тушган қуёш каби ҳарорат унинг осойишини барбод қилганди, ҳар кўнгилки, аслан куйган бўлса, озгина ҳарорат ҳам унинг танини азоблайди, чироғи ўчаётган бечора чироғига ёф қўйилса, яна ёнаверади.

Куёш қумни қаичалик қизитмасин, унга ўт ёқилса, яна ҳам алангаланади.



У қүёш – Лайлининг мизожи иссиқ бўлиб, қумларнинг ҳам иссиқ нафаси уриб турар, хурмо ва асални яхши кўрар, май ичишга ҳам ошиқарди.

Асал, май ва ўз иссиқ табиати ҳамда ҳавонинг ҳарорати – тўртталаси шуълаланиб унга ўт содилар.

Оқ гулга ўхшаган жисмини иситма қизил гулга ўхшатиб юборган эдилар.

Гул юзидан оқдан терлар уйни гулобхона қилиб юборар, у бўлса, фунча каби ҳарир пардаларга ўралган, иситма унга гул зарралариdek ўт солган, мизожидан ҳарорат кам бўлса, уни иситма қалтиратарди.

Тонг елидан тераклар титраганидек, унинг шамшод қадди безгакдан титрар, зилзила бўлган чоқда қоя тошлар бир нафасда пора-пора бўлиб кетса, нозикликда гулдай мулоийим бадани шамол титратишига қандай дош беради?

Унинг бошида дўстлари йиғилишиб, табиблар ҳозирлашар эдилар, қон тўқувчи кўзларига чидаш қандай қийин бўлса, унинг учун парҳез қилиш ҳам шундай мушкул эди.

Шу аҳводда у гул юзли сарвнинг касали узоққа чўзилди. Фалак қанча ҳасад қилмасин, унинг табиати ҳам шунча ёрдам берар эди.

Касалликда табиат меҳрибонлиги юзта тажрибали табибдан яхшироқ, мизожи тузалишга кўмаклашмай, жон берса, Исодан элга нима фойда? Кишининг ўз табиати касалликларни қувиб чиқаради.

Лайлига табиат мурувват қилгач, хасталик йўқолиб, қувватга кирди. Ҳакимнинг кўрган чоралари кор қилиб, унинг мизожи тузалишга юз тутди, мизожига саломатлик киргач, табиатида ҳам тинчлик туғилди.

Лаъли лаби жилмайиб, қоматининг ниҳоли юксалди, ман таъбига хурсандлик бағишлади, баданига қон югуртиromoқ учун парҳезни ушатди, яна ўша гул юзли гўзалликда бурунгидан ҳам зиёда бўлди.



У одобли ой бир кун зерикиб, мактабга бориш ҳавасига тушди.

Оlamга зеб бергучи гўзаллик пардозчиси уни безантирди.

Оlamning зеб-зийнати бўлган ҳусн яна зеб устига зеб берди, сочи «хад» ёнидаги долга¹; «фам», калимасидаги нуқта оғзи устидаги холга ўхшайдир².

Юзининг ўтини ёқмоқ учун гугурд – қора қошлар нилдек ҳар томонга тортилган, чехраси гулистонида очилган олов ранг гуллар билан жаҳонга ўт солади.

Унинг бошидаги анбар ҳидли қора зулфлари – гул ранг «юзида қора тутун, манглайидаги тилла қоши гўё ўтдан чиқсан алангалардир».

Унинг лаблари пешонаси, юзига ёқсан ўтнинг чўғлари эди, ундаги ҳинду хол жодугарлик билан ўт ичига сувни беркитгандек ёки оби ҳаёт лаби сув ичига ўт яширгандек эди.

У лаълнинг ўтидан жаҳон, йўқ, йўқ, балки жон куяди, ўтли икки кўзи сурма юқи, у сурма эса – ўтнинг тутунидир.

Бу ўтлар орасида фарқ бўлган юзи жаҳонни куйдирмоқ учун чақин эди.

Қандай чақин, офат чақини ёки у юз, гўзаллик равшанлигиdir.

Юзи атрофидаги гавҳарлар қандай бўлса, юлдузлар ой билан шундай бўлади, соchlари устидаги дурраси васл шомидаги ойдинликка ўжшар, гўзаликда бошдан оёғигача чиройли, севимлидир.

Бу абадий балони кўрган вақтда, замона қўзғалмай не қилсин!

Жаҳон офати шу суратда саккиз осмонга шўришлар солиб, гул юзли, аргувон чехрали бир неча бўйдош канизларни орқасига эргаштириди.

¹ Навоий бу ерда «хад», яъни яноқ сўзининг арабча ёзилишига асосланиб сўз ўйини ишлатган.

² Бу ерда «фам» сўзидаги нуқта лаб устидаги холга ўхшатидади.



Ҳамдарсларига ҳамдам бўлиб сайру саёҳат билан кўнглини хурсанд қилсин учун бошдан оёғигача ҳусн ва нозга тўлиб, мактаб томон жилва солиб жўнади.

Муборак устоз уни қувноқ, кўриб, барча ўқувчиларни озод қилиб юборди – токи у қизлар билан боқقا бориб, гулшани ўз жамоли билан равшан қилсин.

Кўк гумбазини қуёш ёритгандек, мактабни ҳам у паричеҳра ёритди, барчалари уни ҳурмат қилиб, юқорига ўтказдилар.

Баҳордан гулистонлар хурсанд бўлганидек, мактаб ҳам унинг жамолидан шод бўлди, лекин ҳаёт баҳор – Лайли бир ниҳолни хазон қилди, йўқ, йўқ, буткул ўт туташиб, у дараҳт бошдан оёғигача куйди, кулга айланди.

Бир-бирига ўралиб кетган шуълаларни эл хазон барги деб тасаввур қилди, ҳазин Қайс уни кўриб, юзи каҳрабодек бўлди, чеҳраси ҳам каҳрабо ранг, кўнглида ҳам сабодек туғён.

Ҳар дам йиқилишга мойил бўлиб, ҳар нафас ҳушидан кетай дер, вужуди заифланиб, кўнглида ҳам борган сари хасталик ортар, Қайснинг аҳволи кўзга ўзгариб тургандек кўринар, кўринаргина эмас, ҳоли ҳам нафаси ўзгача эди.

Раҳмсиз ишқ зўрлик қилгани учун биринчи加拿大 даҳдаёқ ҳушидан айрилди, балки у май иси билан маст бўлиб, фам тўдасидан енгилди: фам лашкарларига бўйсунди.

Кўп уринишлар туфайли соядек ерга йиқилмай ўзини зўрга ушлаб қолди.

Уни кўргач, зебо нигори ҳам ўз кўнглини сабрсиз топди.

Мулойимлик билан унинг ким эканини яхшилаб фаҳмлаб олди, унинг ишқида қарори қолмай, бечора жони шавқ ўтида ёнар, Қайснинг ҳам ўз ишқида ўтга тушиб, изтиробга қолганини;



Шу ишга чора қилмаса, бу ҳолнинг элга ошкор бўлишини билди, эл бу аҳволни пайқаб, ўртага изтироб солар, орага бир парда тушиб қолар, у пайтда Қайс бу ерда туролмайди, ундан кейин дийдор кўришиш ҳам мумкин бўлмайди, шўх қўғирчоқ – Лайли тезлик билан туриб, «Боққа борамиз» деган ҳавасга тушди.

Болалар ҳам бу вақтни ғанимат билиб, у билан бирга боққа жўнадилар.

У шакарлаб санам таклиф қилдики, кимки мактаб ўқувчиси бўлса, бир қунгина даштни қўйиб, боғда гуллар билан гашт қиласинлар.

Шундай таклиф бўлгач, Қайснинг ҳам улар билан бориши зарур бўлиб қолди, уларга йўлдош бўлгач, барчалари бақамти гулшанга бориб етдилар.

Эй, ишқ гулшанининг боғбони, бир нафас гулранг қадаҳингни келтир!

Бу гулшанга қандай гуллар сочишингни, қандан гуллар очилишини маълум қилайин.

XII

Баҳор фарроши нафас-нафас эсган шабадаларни туфламоги билан лола чирогини ёритганда ва бу-лут найрангбози лаҳза-лаҳза тушган чақин чучкурмогидан тог димогини қуритганда, ўша кўзини ҳусн чироги ёритган ва димогини ишқ савдоси қуритган одамнинг гулозлилар билан боз сайрига боргани ва Лайли ҳусни гулининг шабадаси димогига етиб, бир йўла ўзидан кетгани

Қуёш ҳамалдан қутулганда, даштда қўзиқулоқлар унади, гул шамъи гулшанга талпинади ва унинг нури гулшанини тобора равshan қилади. Фалак эса тўти бўлиш ҳавасига тушиб, бўйнига найкамалакдан ҳалқа солади.



Агар фалак тұти бўлишни орзу қилмас экан, нега ерни кўк рангга бўяди? Ё яшил фалак тұти бўлиб, ер куррасини жўжа қилиб очганда, ер юзини тутган майсалар унинг аъзосидаги янги патларга ўхшар эди.

Оlam наққоши кунни оқ ва тунни қора ранг ила бўяб, кофур билан мушқдан, оқ билан қорадан гўё зағизон ясади.

Сариқ гул устига тушган тонг ёмғири олтин табақ ичига тўлдирилган инжууларга ўхшар ёхуд ярақон¹ касали унинг ҳароратини ошириб, сариқ юзига тер доналари тепчитар эди.

Ер юзи себаргалардан совут кияркан, савсан бошига гурзи кўтарди, фунча бошида жез қалпоқ кўрган чоғ муз тифи чамани тарк этади.

Мевали дарахт кумуш гул билан безангандан, тангалар ичига кўмилгандек кўринар, чинорнинг ичдан куйиши ҳам кўлида гул тангаларининг йўқлигидандир.

Тоғ бағрида сел эмас, балки тошлар ҳам Фарҳод фироғидан ёш тўқадилар, саҳрода учган лола япроқлари Хусрав Парвез кулоҳини эслатарди.

Лола фунчаси лаъл қутиласига менгзар, очилганлари эса алвон лаълдир, лола барглари тўкила бошлиғандан, даштга бағри қора қушлар ёйлади.

Дашт устида шамол сайр қилганда, бағри қоралар кўкка учеб кетади, сув ичидағи бинафша ҳар замон турна бошидек кўринади.

Ёш фунчаларга иш ортириб ёғилган дўл уларнинг оғзига тиши бўлиб қадалади ёхуд фунчалар куллар экан, даврон тоши уларнинг оғзини қонатади.

Май шишаларига тушган гул барглари турна кўзига ёхуд туствовуқ қонига ўхшайди.

Наргис майдан баҳра олмоқчи бўлса, пўртахол² терисидан пиёла ясайди, насрин барги тўкилгач, май

¹ Ярақон – сариқ касаллиги.

² Пўртахол – апельсин.



кува ёгини эслатар, занбақ гулининг баргига тўкилган мушкнинг ҳиди унинг димофини қуритарди.

Гўё ўша мушкнинг бўйи билан боғ ичидағи бинафшаларнинг димоги тутилиб қолгандек бўлар, бинафша димофинн даволаш учун унга шабнам томизиб туриларди.

Чаманга ёғилган шудринг кўкнор гули япроғига кўкнор доналариdek доғлар сепар, қушчалар ҳам жуфти билан жўшиб, бирлашиб учишар ва дараҳтларга ёнма-ён қўнар, япроқлар ёғочларга либос, қушларга хилват жой бўлар эди.

Одамлар кўнгил очиш учун саҳро сари қадам қўйсалар, тоза шароблар ичиб, кайф-сафо қилмоқчи бўлғанларида, жайрон боласини кабоб қиласидилар, шу фаслда Лайли ва унинг ўртоқлари кувнашнб гулшангэ ёйилган эдилар.

Ул гулшан жаннатга ўхшагап бўлиб, Шом аҳли уни шодлик макони қилиб олган эдилар, бу боғда ўсган ҳар бир дараҳт шундай юксалган эдики, Ҳулкар юлдузи унинг мевасидек кўринарди.

Нажд тоғининг этагидан чиққан булоқ бу боғни яшнатар, энди эса даврон тоши у чашмани кўмиб, кўзини ёпиб қўйибди.

Суҳбатдошлар боғ ва лола томошасига тушган бўлсалар, уларнинг ҳар иккаласишиг ичи лоладек доғ эди, бошқалар фунчага интилсалар, булар фунча каби қисилган эдилар.

Лайлиниг севги изтироби қанчалик ошган бўлса-да, лекин ўзини тутишга уринар, мафтун йигитга ишқ изтиробидан сақданиш қийин бўдганидан, ақду ҳуши бегона бўлиб турарди.

У шериклари бирор нарсани сўрасалар фаҳм этмас, агар англаса ҳам жавобида нима дейишни билмас, қайс ишқини билдиримасликка ҳаракат қилса-да, ажойиб ишлар рўй берарди.

Гоҳ тўсатдан кўзидан ёш оқар, гоҳо ихтиёrsиз оҳ чекар, аҳволидаги бундай ўзгаришлар кўнгли-



даги ғамни элга айтиб турар, ўзидағи бу ҳолатта даво деб, ёрига бир назар солишиңи орзу қиласынан;

Лекин ёрга боқайин деганда, күнгил ўти ловулаб кетар, боқай деса қуввати йүк, боқмай деса тоқати ҳам қолмаган, гоҳо күз қирида қаралынанда шундай ўтлик ох тортиб юборар эди.

Богнинг юзини хазон рангига чулғаб, яшнаб турган япроқдарни сарғайтириб юборар эди.

У ой юзли гўзал ҳам Қайсни куйдирган ўтидан хабардор бўлиш учун ногоҳ бир назар ташламоқчи бўлди.

Шунда жисмидаги ўртанишларни ва кўнгилнинг изтиробларини англаб, ўз кўнглида унинг муҳаббатидан асарлар ва унинг ишқи ўтидан аланталар топиб, бошқалар хабардор бўлмасалар экан, деб бир фурсат топмоқ истарди.

Курбони – Қайсга ҳаёт бағишламоқ учун бир илтифот қилиб, ҳолин сўрамоқчи, ўзининг бетоқатлиги ва ишқининг аланталарини ҳам билдиromoқчи бўларди.

Боғ жуда кенг бўлиб, бошқалар сайд қилиб юришар, дараҳтлар уларнинг кўзини тўсарди.

Бу чаман гулларининг бир-бирига чирмасиб кетганлиги ишқ аҳлига васл пардаси бўлар, болалар ўйинга маҳлиё бўлишиб, сарв ва гул билан улфатчилик қилишарди.

Сайд чоғи Лайли бир туп гул ичига кириб қолди, бу ернинг тўрт тарафи гул шоҳлари билан ўралган бўлиб, кирган кишини кимса тополмас, Лайли очилган гулдек гулзор ичига киргач, тиканзор ичидага булбули зорини кўрди.

У ерга ғамли Қайс кирган ва гул каби ёқаларини чок қилиб, ўз ҳолига зор ва бесабру қарор йиглар, фироқ қўшигини куйлаб турган пайтда бирдан ёри етишди.

Лайли ўз булбули – Қайсни ёлғиз топди.



Сўзлашга тоби келмай, кўнглида изтироби кўп бўлса-да, бир неча сўз айтмасликнинг иложи йўқ, эди, бироқ сўзлай дегунча, ўзидан кетиб қолгудай бўларди.

Кўп хижолатлар тортиб, охири пардали қилиб шундай сўз бошлади:

– Эй йигит, ҳолинг қалай, қандай фаму қайгуаринг бор?

Нега ўзгалар каби на шодлигинг ва на ободлигинг бор?!

Дўстлар боғу гулзор томошасида экан, сенинг танинг яраланиб, кўнглинг қайфу билан тўлибдир.

Хозир Наврўз еллари эсиб, йифинларга гул ҳидларини уфурган, боғ баҳордан гулларга тўлган, сунбул эса гул устига кокилларини ёйган, бу фаслда гулзорга кириб, бўстон саҳнини маскан қилган киши шод бўлиб, ҳар мушкули осон бўлиши керак.

Нега сен бундай нолалар чекиб, фамли кўз ёшлирини тўқасан? Ишрат чоғида азоб тортишинг ва ҳасратли кўз ёши тўкишинг нимаси?!

Ажабо, бундай фам сенга қаердан йўлиқди? Бу оғир ўртанишларинг сабабчиси ким?

Дилдор сабабчисини сўраганида Қайс жон ўртовчи бир оҳ чекди, унинг ширин сўзларидан лол бўлиб, юзига қонли кўз ёшлари билан ўз ҳолини ёзди.

Йўқ, йўқ, ҳол тили билан эмас, қуйидаги сўзлар билан ўз ҳолига шарҳ қилди: эй жонимга ҳайрат ўтини солган, кўнглимни биринчи қараашда олган!

Аввал, жамолидан чақин ташлаб, вужудимни ўт ичига солган!

Зулф ёймоқ билан қароримни олиб, жаҳонни ҳаётим кўзига қорайтирган! Аввал афсона бошлаб сўнг кўнглимни хароб қилган!

Қиаликни қилиб, яширишинг, яна мендан сўрашинг не? Эл фаҳмламасин, деб нағални тескари қоқишинг нимаси?



Бу изтиробларнинг ҳаммасига сабабчи ўзинг-ку, бу ишни кимдан кўрайин ахир?

Яширинча кўнглимни олгансан, энди уни сендан ўзим ололмайман, сен эса ўзингни билмасликка солиб, яна шундай сўзларни сўзлайсан – жонимни ўрташинг кифоя, бундан тонмоқлик нега?

Ўт устига ёғ қуишинг, куюқ устига доф қуишинг нимаси?

Шу зайдада тутақиб сўзлагандан сўнг, Қайс заифлашиб ҳушидан кетди ва тупроққа шундай тушдики, ердаги нарсаларга тенг бўлди.

Нигори унинг бошини тиззасига олиб, юзига кўз ёши тўка бошлади, бехушнинг ҳолидан изтиробга тушиб, ҳар дам юзига гулоблар сепар эди.

Ўз қурбонига ғам еб, йиглаб мотам тутарди. Лайлини излаб юрган бир-икки дилором шу воқеа устидан чиқиб қолдилар, улар ҳам соchlаридан мушк сочувчи бўлсалар-да, Лайлининг канизи эдилар.

Уларнинг кўзларига дунё қоронги бўлди, қўрқиб: «Бу қандай ҳол?» дедилар.

Ой юзлининг қилмиши ошкор бўлгач, у икки канизи олдида ер ўпди.

Беҳосдан воқе бўлган бу ишнинг ростини ҳар иккаласига бир-бир айтиб берди. Олам сирларини ошкор этгани учун, Лайли йиглаб улардан ғамига чора тилади.

Улардаи бириси шундай дардли эдики, дарҳол Лайлига ҳамдард бўлди: ғам ема, ҳечқиси йўқ, ишқ ўтидан кимлар ҳалок бўлмаган?

Сен тургин, буни бизга топшириб, тездан қабилага жўна, эл яна бу ишдан хабардор бўлиб қолмасин, биз бўлсак, сен истаганча чора топайлик.

Ушбу гўзал санам уларнинг айтганини қилиб кўнглини қолдириб, ўзи уйига кетди.

Қизлар эса Қайсга қарашли кишини топиб, ёрдамлашдилар.



Қайснинг дўсти уни қабул қилгач, у икки каниз ҳам уйга жўнадилар.

– Эй, соф кўнгилли дўст, мен ожизман, ишқ қўлида зору мубтало бўлиб қолганман.

Мен бехудман, бу офатлар мени ўлдирмоқда, бир лаҳза ҳам бошимдан кетма!

XIII

Қайснинг айрилиқ тунида шабнам гулоби юзига сочилганидан кўзи очилгани; уйқусиз булбул билан ишқ достонлари ифодасида нола қилгани ва булбул соясидек тупроққа йиқилгани; отаси унинг булбулдек фигонларини эшишиб, қошига етиб келгани ва кажавага солганча олиб кетгани

Оlam гулшанининг гул юзли қуёши фарбга ботгандан сўнг тун юлдуз чечаклари билан олам юзини гулистон қилди.

Илк баҳор таннози ўз дардлари билан ичини фунчадек қон қилиб, мафтуни – Қайс фамидан кўнгли ўртаниб, қабила сари жўнади, фам устига ғам ютиб, қабиласига беҳол етди.

Хушсиз Қайс гулшанда ердаги чангта ўхшаб ётарди: на бошида ҳуши, на жисмида жондан асар бор, ярим кечада эсаётган гул ҳидли шабада чаманга гуллар тўкар экан, гуллар ҳидидан ҳушсиз ётган бояқиши ўзига келиб, кўзини очди-да, ўзини чамандаги гул, сарв ва ёсуманлар ичидагу кўрди.

Булбул боши узра сайраб, аҳволига йиглар, қизил гул Қайс ҳолига назар ташлаб, ўз ёқасини пора-пора қилар эди.

Наргис унинг аҳволини кўриб, ўзидаги шабнам томчиларини кўз ёшидек тинмай тўкар, бу алам-заданинг кўксидаги айрилиқ доғини кўрган лола ҳам ўз кўксини куйдириб доғлаган эди.

Бинафша бу фамзаданинг захми кўксини кўриб, азаси учун мотам либосига ўралибdir, бу таъзия-



дан хабардор бўлган дараҳтлар ҳавога байроқ қўтаришган, сумбул юзини қора қилиб, қопқора хушбўй зулфларини ёзган эди.

Оқар сувлар ҳам мотам тутгандардек товуш чиқарип зор-зор йиглар, сарв Қайснинг бошига тушган кулфатдан холи эмасди.

Шамшод ҳам унинг дардидан ношод эди, уни ишқ ўлдириб қўйди, деб печак гул ҳам ўз-ўзига чирмашган, сабза бутун борлиқни тил қилиб; ҳар бир тили унинг ғамидан ҳикоя сўзлар эди.

Бу мотам манзараларни кўриб Қайс ўлимдан бошқа чора тополмасди.

Ҳар томонга боқиб ёрини тополмас, аламлари ўти пасаймас, на атрофида дўстлари бор, на олдида гул юзли ёр, қуёш кетиб, қоронги келган ёки айрилиқ куни-ю, қора тусда эди – балки айрилиқ ўти тутун бурқситиб, дунё хонумонини қора қилгандир.

Унинг кўнглига фам тоғи йиқилган, ғамлари эса, тоғ-тоғ йигилган, ёрини соғиниб унга назар ташлаган вақтда, осмон бошига қулагандек бўлди, дардининг чекини тополмай, дардли кўз ёшларин равона қилди.

Ёқасини тортқилаб йиртиб, танидаги саломатлик либосини ечди, йўқ, балки бу либосни ўз жисмидан олиб ўтга ташлади, кийими оловга айланиб, унинг тутунлари ўз оҳидек фалакка етди.

Йўқ, йўқ, бу тутунлар унинг оҳи эди, сомон каби заиф жисми ёнарди. Бу сомондан гоҳ тутун, гоҳ шуъла чиқиб, сомоннинг аччиқ тутуни жаҳонни тутиб кетган, сомон тутатқиси фалакка етиб, фалакнинг қўзига ёш келтиради.

У сарғайган юзини шунчалик шапатиладики, бундан юзлари кўкариб кетди.

Гарчи унинг юзи заъфарон бўлса-да, қўлининг зарбидан кўкарған ерлар пайдо бўлганди, бу заҳилликдан кўнгли озор топар, қулмоқ ўрнига зор-зор йигларди.



Фироқдан кўксига тош уар, иштиёқ зўридан ерга бош уар, кўксига фироқ шуъласи, иштиёқи бўлса, яна шу ўт билан аланга оларди.

Аламлар қўшини кўнглига саф тортиб, оҳининг ўти байроқ кўтарар, шу алам лашкари унинг ичига favfo солиб, кўнгил мулкини оёқости қиласар, булар ўтиб кетмасдан туриб, унинг бошига яна янги бало аскари ёғиларди.

Ҳар жафо тўдаси қўлни чўзиб, унинг кўнгил мулкини ер билан тенг қиласар, унинг кўнглида тўпланган турли-туман ғамлар сон-саноқсиз, қанча десам ундан ҳам ортиқ.

Айрилиқ азоблари шу зайдада кечеётганида, тонг ўз байроғини кўтариб чиқди, тун ўзининг кўмирларини йиққанди, тонг ҳам қуёш ўтини дамлаб пулфади.

Осмон гулзорининг гуллари тўклиб, гунчалар жилмайди, кўк чаманининг гуллари йўқолиб, ер боғида гуллар пайдо бўлди.

Кўк боғида сочилиб кетган бор нарса гўё бу боғда очилгандек бўлди.

Маҳлиё йигит бу ёруғ жаҳонни кўриб, яна оҳ ва фифонлар торта бошлади.

Гулларнинг бошидан у тонг елидек айланар, зеро, гуллар севгилисидек кўринарди ва йигит айтар эдики:

«У ширин табассумли гул қаердаки, бу гул унинг юзига ўхшайди? Буларнинг ёнида тиканлари бўлмаганди, ўша юз ёдгори ҳисобланарди...»

Гунчага тўймасдан қараб, бу гунчани Лайлиниг оғзига ҳеч ўхшатолмас, гоҳо сарв тупининг остига юзини қўйиб, оҳини шу сарвдек юксалтиради:

«Бу сарвда, гарчи унинг хушрафтор қомати бўлмаса ҳам, Лайлининг қаддидан нишондир», дерди.

Гоҳ бир лаҳза ҳам бошини кўтармасдан бинафшага меҳрини билдиради ва бу бинафшанинг атри-



дан Лайлиниңг хүшбүй зулфини ҳидлагандек муроди ҳосил бўлар, тоҳ юзини сабзага суртиб, оҳу фифониш қўкка чиқарар:

– Бу гулшанда сайри боғ қилиб юрганда ёримнинг оёғи сенга теккан, – дерди.

Наргиснинг кўзи айнан ёрининг кўзига ўхшаб, Қайсни мафтун этган, кўп қийноқлар тортиб ийфаган Қайс касал кишидек заифлашган, тупрокда оёқ изини кўрар экан, юзтубан тушиб:

«Бу ерга ёр оёғи текканга ўхшайди, тупроғини сурма қилиб кетипти», дерди.

Гоҳ сувдан нишона сўраб, кўз ёшларини сувдек оқизар эди:

«У суман ҳидли жилва қилганда, зора, акси бу сувга тушган бўлса», дерди.

Қайс булбул билан жўровоз наво қиласар, фифони булбулникидан ҳам ошиб тушарди. У булбулга қараб: сенинг бундай нола қилишинг ўринсиздир, чунки ёринг билан биргасан.

Жойинг тоза гулшан, қўнадиган еринг эса гуллар шохида, сен гулшанда ҳарам маҳрамисан, гуллар орасидаги суҳбатнинг азизисан, гўё сен ўз мавқеингни писанд қилмайсан ёки ёр васлидан тўйдингми?

Минг тил билан сайраб, ҳар шом ва саҳар ғавфо қилиб, овозинг билан элга озор бериб, ўзингни ошиқи зор қилиб кўрсатасан.

Киши сен каби ишқдан сўзласа, ошиқлар бунга ишонарми?

Сен висолга эришганлардансан, шунинг учун ҳажр аҳли қошида гапирма, мен –танида руҳдан асар қолмаган бир дардманд, мажруҳ, мискинман, яъни жисмим ғам ўтида куйган, жонимдай ширин гул юзлигим ҳам йўқ, нола қилишга мен ҳақлиман.

Сен мубталолик ноласини чекмасанг ҳам бўлади, сенинг олдингда висол боғи бўлса, менинг бағримда фироқ доғи бор.



Сенинг ёнингда баҳор гули бўлса, менинг кўнглимда фироқ тикани бор, – дерди.

Фаму ноласи шу ерга етганда, Қайс яна ақду ҳушидан жудо бўлди ва шундай оҳ тортиб йиқилдики, худди ногоҳ жони чиқиб кетди, десанг бўлади.

Унга қараб туришга келган киши бир гул тагига энгашиб, унинг аҳволини кузатиб турар, Қайснинг бу ҳолини кўргач, ўрнидан туриб, қабилага жўнади.

Қабилага жадал етиб борганда, Қайснинг уйида ҳамма саросимада эди.

Ўша кеча Қайснинг қабилада тунамаганини билишгандан сўнг, уни топиш учун ҳар томонга кишилар жўнатилган.

Қайснинг бу иши одатга хилоф бўлганидан, қабила аҳдининг фами борган сари ортарди.

Хушхабар даракчининг хабаридан сўнг, ҳаммаларининг ҳам кўнгли жойига тушди.

Бундан воқиф бўлган гуруҳ ўз Юсуфларини топиш учун шошилдилар.

Даракчи кўрган-билганларининг ҳаммасини бирма-бир айти бошлади.

Ҳар на кўрган, эшитган бўлса, яширмасдан ҳикоя килиб берди, бу можаролар аён бўлгач, Қайснинг ота-онаси беҳол бўлиб, уни келтириш учун жўнадилар.

Бутун қабила аҳли ҳам уларга эргашди, хабарчи қабила аҳдини бошлаб, ўша алам чекаётган Қайс ётган ерга олиб борди.

У ерга боргач, уни кўйлаклари эмас, балки кўкси пора-пора бўлган бир ҳолда кўрдилар.

Унинг ҳушини ишқ фами ўғирлаб кетганидан тупроқча кўксини бериб ётар, ҳаммалари уни олиб кетиш учун фифон-зор билан безатилган маҳмил¹ тайёrlадилар ва Қайсни шу маҳмилга жойлаштириб, манзилга қараб йўл олдилар.

¹ М а ҳ м и л – кажава.



Эй, ишқ сафарчилари карвонбоиси, дард карвони йўлга чиқди, қабила томонга бир қадам ҳам босма, шу дард карвонидан ҳаргиз ажралма!

XIV

Қайснинг ҳажр шомида андуҳи, уйидан чиқиб висол қабиласи томон юргани; у қабила ўти билан тилдошлиқ қилиб ва ити билан достон айтишиб, қабила яқинига етгани; Лайли унинг товушидан уйидан чиқиб, бир-бирларини кўргач, у ҳам, бу ҳам ҳушидан кетгани.

Бу дард достони устида қалам тебратган киши ўз қаламини бундай юритди:

Хушдан кетиб, беҳол бўлиб қолган Қайс, бошига қандай ҳол тушганидан бехабар эди.

Хушига келгандан сўнг, заиф шайдо кўзини очиб атрофга қараса, шўрлик ота-онаси ғам устига ғам чекибгина қолмай, балки мотам тутар эдилар.

Отаси меҳр билан Қайснинг манглайнини ўпар, онаси бўлса бошидан ўргилар, Қайс бу ҳолни сезгач, хижолатдан аъзойи бадани сув олмас бўлди.

Отасидан хижолат тортар ва онасининг оёғидан бошини олмас эди, яъни Қайс уялганидан ўзидан кетиб, бошини кўтаролмасди.

Ота-онаси, бу ҳаёдан унинг ҳалок бўлиши эҳтимоли бор, деб ўйладилар

Қайснинг аҳволига ачиниб, насиҳат йўсинида ҳеч нарса демадилар.

Қайснинг бошига тушган бу воқеаларни фавқулодда ҳолат билдилар.

«Агар аҳволини суриштира берсак, хижолат уни ҳалок қилиб қўяди, энди бу воқеани қайта такрорламас, бундай васвасани эсдан чиқаргандир. Унинг табиати софлашиб, бундан сўнг бундай ишларга бормас. Ўзининг номусини сақлаб, тақво ва зуҳд йўлини тутар», дедилар.



Шундай андишани маъқул топиб, туриб кетдилар.

Бири: «Қайс қизиқ ҳолга тушибди» деса, бошқаси: «Ажаб хаёлга ботибди», дерди.

Уни пари йўлдан уриб кетганини билмасдан, кишилар, «Дев уриб кетибди», дердилар.

Ҳар ким уй-уйига кетгандан сўнг, Қайс ўз ғам ҳужрасида қолди.

Уни хаёл енгиб қўйганидан, ўз ҳолатидан ҳайратда қолар, ўз ишига қараб туриб, бу машаққатига чора тополмас, ишқни деб тофу тошларга чиқиб кетишга ота-онасининг ёди тўсқинлик қилиб турар, севги кўнгли мулкига favgo солиб, тўғри йўл тутишга қўймас эди.

Ўзбошимча фалак, дунё юзига шом пардасини ёйганга қадар, аҳволи шундай эди, оқдик юзини туйилган қора мушк ёпиб, кўк шамъи – ой жаҳонни ўзининг қоракуялари билан бўяди.

Фамга ботган Қайс қоронғи уй ичида тутундек тўлғанар, ишқ ўти яна оловланиб, вужудидан нишона ҳам қолдирмади, ғам тўдаси кўнгил қўрғонини забт этиб, ишқ ихтиёрини қўлидан олди.

Лайлининг ғаму ҳасрати шунча зулм ўтказдики, ота-онасини ҳам эсидан чиқарди.

Ошиқдари ҳолини унутди, маъшуқа уйининг йўлини тутди, бало қабиласига, яъни у ой юзли гўзал қабиласига юз тутди.

Қайснинг на қадам ташлашда ҳуши, на юришда ихтиёри бор. Дам инқиллаб, дам туриб қадам босарди.

На сайр этар ва на ором оларди, йиқила-тура юриши мастрлардек, ҳушсизлиги май-парастлардек, қабила ўти кўрингач, бу зору шайдо ўша ўт ичра куиди.

Кўнглини алангалар қоплаб, шу алангалардек қарори қолмади. Оловли оҳи кўкка ўрлаб, тутун каби ўша ўтга юз урди.



У ўт аланга чиқарғандек, Қайс ҳам куйлаш учун тилини ростлади.

Үтли иафас билан ўтга қараб шундай сўз дурларини соча бошлади:

«Эй, айрилиқ тунидаги ишқ ахтари, чақмоқдай ярқираган ишқ гавҳари!

Эркинлик машъали ёки шамчироқ гавҳари.

Тутунлар аро алангаларнинг ҳужуми, ғам шомидаги юлдузларнинг ғужуми, ҳар томонни қоплаб олган тун зулматида шуъла баҳт йўлини кўрсатади.

Тутунинг билан анбарга бурканди, у тутун эмас, балки мақсад манзилининг белгисидир.

Кулинг ичига кўмилган ҳар бир патир кўк дастурхонидаги нурли ойга ўхшайди.

Тутунинг кўзларни ёшлишиб, учган кулларинг унга сурма тортади. Агар кулларинг кўзларни ёриштирмаса, кўзлар нега сурмаранг бўлди?!

Ёки ўшандай кўзни очмоқ учун сурма ўзини кулга ўхшатдимикан? Чўғларнинг ҳар бири, ўтли ёқутдай, кўзларни куйдиради, бу лаъл анорга ўхшаб, ранги ҳам, табиати ҳам ўтдай.

Тож устидаги лаълдан-ку шод бўлишади, бу лаълнинг устига тилла тож қўйиш нимаси энди?!

Қайгу оқшомлари қўлимдан тутиб, айрилиқ тунларимда кўзимни ёритдинг.

Эй олов!

Сенинг яхшилигинг ва мақтовингни қайси тил билан изҳор этайин? Ой билан кун иккиси сен учун ёниб турадиган, ўчоқ – манқал; уд, сандал ёғочлари сенга тутантириқ бўлсин.

Доим шу ҳунарингни тут, ёрга ҳам, жаҳонга ҳам ёруғлик соч».

Қайс шундай оху зор чекиб, ўт билан сўзлашиб улгурмасдан қабила томондан ит фифони эшитилди.

Йигитнинг кўнглига изтироб тушиб, баданлари ҳам жимилааб, қалтираб кетди.



Дарҳол ўша итга жўр бўлиб фарёд қилди, юз хил фифону зор чекди, фалак баҳтсизлигига йўлиқиб, кечаси карвондан адашиб қолган кишилар мадад излаб, бир-бирларини қандай чақирган бўлсалар, булар ҳам шу аҳволда эди.

Чунки адашган кишилар бир-бирларининг овози келган томонга интилиб, мақсад манзилига етиб оладилар.

Қайс ўзини билмай, итга бундай муножот қиласарди:

«Эй, мунгли ноланг жонимга хушхабарчи, эй, фамгин овозинг руҳимга озиқ берувчи!

Фам тунининг вафодори, адашганларнинг раҳнаноси!

Сен у манзилдан ўргилиб, бошингни қўйибсан, кошки мен ҳам сенинг бошингдан ўргилсан.

Кимки у манзилга ёмон ният билан кирса, панжанг ва тишларинг билан баданларини юмдалаб ташлайсан.

Эл қони оёқларингга хино, ўша оёқларга жоним бўлсин фидо, сен у ернинг посбонисан, мен эса бу баҳтга эришмадим, иккимиз ҳамдам бўлсак-да, мен – хор, сен –азизсан.

Сен ёр эшигига шодсан, мен айрилиқда маҳрум ва гарібман.

Сен ёр маконида урарсан жавлон, мен биёбонларда зор-нолон.

Сен ёр манзилида ётарсан тошга қўйиб бош, менинг бошимга фироқ ёғдирар тош.

Сен вафода ҳам, тўғрилик ва покликда ҳам мендан баландсан.

Йўқса, фалакнинг гардиши нима учун мени хор этиб, сенинг мартабангни оширди?

Қонхўр дунё сени яхшилик билан ҳурматлагани, мени эса хор қилгани учун, менинг фифонимни эсда тутиб, гоҳо ўша даргоҳни менинг учун ўпид, тавоғ қил!»



Ит билан шундай можаролар тузгандан сўнг қабила жойлашган ер кўринди.

Паришон Қайснинг кўнглига беадад фавро тушиб, юришга ҳам мажоли қолмади, юрай-юрай деб шунча тиришса ҳам, оёфи чалишиб йиқилди, неча марта йиқилса ҳам яна турар, ер ўпмоқ унинг баҳонаси эди.

Йиқила-тура қабилага етган чоқда, жони оғзига келиб, ҳушидан кетди.

У гоҳ ҳуш, гоҳ беҳуш ҳай қабиласи қўргони атрофида айланар, бу қўргон, гам лашкарларининг жуда баланд пояси ва фитна қўшинининг ниҳоясидир.

Қайснинг ҳар лаҳза чеккан фигони жонни куйдирса, ўтли нафаси жаҳонни куйдиради.

Лайли арабнинг офати бўлса-да, Қайснинг мубталоси эди, ўз дардини кўнглига яшириб, уйқу ва овқатни унугланган, кеча-кундуз Қайсни ўйлаб, унинг васлига етиш орзуси билан банд эди.

Ўша кеча шу вақтга қадар қайгу Лайлининг кўзига уйқу йўлатмаган, ҳамиша зулфидек буралар, оғзи каби сабру қарори ҳам йўқ эди.

Ёргу кун қора тунга айланган чоқда, бирдан бир мунгли овоз эштилди. У товушдан Лайлининг ичига ўт тушди, кўнглини изтироб босди.

Кўнглидан қарор ва ороми йўқолиб, туриб у овоз томон юриб кетди. Бу пайтда ишқ асири Лайлидан ўзга бутун қабила маст уйқуда эди.

Бегам халқнинг мақсади – уйқу; ишқ аҳлига уйқу ҳаром, унинг ишқ офати билан тортган азобларидан воқиф дояси Қайсга ҳам меҳрибон; унинг орзусида жонни фидо қилгудек эди.

Мактабда ҳам бу меҳрибон кампир унинг аҳволидан хабардор бўлиб турар, кампир ўзини Қайсга нисбатан ҳам доядек тутарди.



Қайс ҳам унинг фарзандидек бўлиб қолган, у ой ташқарига чиққанда, кампир ҳам соядек унинг орқасидан борди.

Раҳмсиз ишқ Лайлини ғамили Қайс турган ергача тортар эди.

Кўнгил беришганлар бир-бирларини қўргач, шундай ўтли оҳ чекдиларки, уларнинг ўтидан жаҳон ёришиб, хирмонларига шуъла тушгандек бўлди.

Уларнинг хирмони ёниб кул бўлгандан сўнг, иккиси беҳуш бўлиб йиқилди. Доя бу пок ишқни ва куйдирувчи шуълани кўрди.

Бу икки ишқ ўтида куйгандарнинг оғизлари ноладан садаф сингари очиқ эди. Шундай висол мұяссар бўлган чоқда, сўзламоқ учун мадорлари қолмаган эди.

На буниси дард-ҳасратини айта олар, на униси жонни ачитган аламини сўзлай оларди.

Бу ҳол кечаси бўлмасдан қуёш ботгандек ёки сел келмасдан девор йиқилгандек эди, доя ҳасрат-надомат билан ҳар иккисининг ахволига мотамзадалардек зор-зор йифлади.

То ўзларига келгунча, бирор билиб қолмасми кан, деган ваҳимага тушди – акс ҳолда, бу шўрликларнинг жони хавф-хатарда қолган бўларди.

Балки ҳар иккиси нобуд бўларди.

Кекса осмон қуёшни орқалагандек, бу ҳам бирини орқасига астагина кўтарди.

Кампирнинг юк кўтаришдаги букчайиши, қари фалакнинг эгилишига ўхшар, уни келтирибоқ тўшакка ётқизди-ю, яна дарҳол қайтиб, мафтун Қайснинг ҳушсиз тупроққа ботиб ётган еригача борди.

Унинг ғамида оналарча куйиб, уни дам кўтариб, дам судраб, элнинг ваҳм ва гумонидан чеккароққа, қабиладан узоқроққа элтиб қўйди.



Бу ёқимсиз ҳолни бирор кўриб, тағин унинг жонига зарар бермасин деб, у девонани йироқроққа қўйиб, ўзи пари ёнига қайтиб кетди.

Икки ошиқни ётқизди-ю, доя бечора ўзи ётди – ким билади, замона эртага қандай ўйинлар чиқарар экан?

Эй, замона, золим дастингдан дод!

Болаларингга токайгача зулм қиласан?! Буларни ҳалок этиш билан ўз бағрингни чок этасан-ку!

XV

Қайснинг гойиб бўлганидан қабила аҳли хабардор бўйлиб, елдек тоз ва водийга етиб, унинг бир қум ичидан беҳуш ётганини кўриб, ел хашибни учирганидек уйга келтирганлар; Қайснинг у пари ишқида ақлу ҳушини йўқотиб, Мажнунилик билан шуҳрат топгани

Аlam тунидан афсоналар келтирувчи бу қиссага шундай зебу зийнатлар тақди:

Ўша кеча кўнгли яраланган Қайс Лайли қабиласи томон жўнади, Лайли даргоҳига яқинлашганда, бошига турли кулфатлар тушган эди.

Кундузи Қайснинг йўқлигини кўрган эл, яна мусибатга тушдилар. Отаси фоят қайғу-ҳасратдан йифлаб, онаси дод-фарёд бошлади, ундан хабар топиш учун ҳар томонга кишилар жўнатилди.

Изловчилар Қайснинг Лайли уйи томон кетган изини топишгач, ўша ёққа равона бўлдилар;

Ўша из ҳай қабиласи чегарасига етгач, қабиладан яна икки из чиқиб қўшилганини кўрдилар, ҳар учала из бирлашгач, қум устида иккитасининг узалиб ётганлигидан қумда белги қолган эди.

Бундан воқиф бўлган қидирувчилар:

«Бу икки беҳуш ким экан?» деган ўйга толдилар.

Бу қолган изларнинг қайтиши эса, мастрларнинг қадами сингари чалама-чатти эди.



Бири девона каби тез биёбон томон судралиб, қайтиб кетган бўлса, бири наридек ёки тунда қуёш ботгандек фойиб бўлган эди.

Қабиладан чиққан яна бир из қабила томонга қайтган.

Қидирув-чилар учун бу аҳвол, уларнинг нима қилишлари кераклигига далолат берарди.

Улар қумда судралиб кетган излар орқасидан йўл олдилар.

Қайсни қумлар орасида кўмилган ҳолда топдилар; шамол учирган қумлар унинг жисмини кўмиб юборган экан.

У бошдан оёғигача тупроқقا кўмилганидан, у билан ўликнинг фарқи қолмаган эди, қум ичига кўмилган ва азобланган жисми тупроқ каби жонсиз эди.

Қидирувчилар унинг қошида ёқаларини чок қилиб зор-зор йифлардилар.

Улар гўё Қайсни бирорлар яширинча ўлдириб кўмганмикинлар, деб ўйладилар.

Уни тортиб олаётуб, тупроқларни очиб бошлирига сочар эканлар, бир дард асири унинг гоҳ-гоҳ нафас олишини сезиб қолди.

Шукр қилиб яна шод бўлдилар, девона кўнгилларии обод қилдилар.

Қайсни бир кишининг устига танфиб, қабила сари жадал жўнадилар.

Унинг бундай аҳволини кўрган ота йифлади ва маъюслиги кучайди, онаси ҳам фифонлар тортиб, кўзидан юzlарига қонлар оқизди.

Қайс ҳушига келгач, турди-да, бошини қуий солиб, жим ўтирди, ўз ҳолида яхшилик йўқдигини билар, эл эса ҳар ёқдан уни маломат қилар эди.

Бири: «Бу сенга не ҳавас?» деса, яна бири: «Ҳавас бўлса, шунчаси ҳам басдир-да», деярди.



Ҳар томонда айтилган насиҳатлар унга қон түкувчи найзадек ботар, насиҳат тариқасида айтилган қаттиқ сўзлар девонанинг бошига тошдек ёғиларди.

Кўзга кўринмасдан отилган бу тошлар, таниги на эмас, ҳатто суюкларини ҳам майдаларди.

Баъзилар: «Қулогига панду насиҳат қилиш керак» десалар, баъзилар: «Оёғига кишан солиш керак», дерди.

Ўша куни шундай сўзлар билан кеч бўлди, лекин паришон йигитнинг бу сўзлардан хабари ҳам йўқ эди.

На унинг руҳига қийналиш малол келар, на табиатига хурсандчиллик ёқарди.

Оlam қуёши чироғини яширгач, тун ҳам чуқур фамгинликка тушди.

Эл уйқуга берилганида унинг бошига тушган савдо, уйда кўнглини сиқа бошлади, қабиладан тез югуриб чиқиб, дилбарининг уйига қараб чопди.

Тонг отгач, яна у изловчи бечоралар фифонлар билан ҳар тарафга югурдилар.

Уни яна дард ичида, аввалгидан ортиқ зор ва фамгин ҳолда топдилар.

Ҳар кеча унинг шиори шу зайлда қочиши, отоналарининг иши уни қидириш бўлиб қолди.

Бошига тушган балолар ҳаддан ошиб, бу можарони тузатиш қийинлашиб қолди.

Ҳушёр одамларнинг девонага қилган насиҳатлари, девонанинг оқил кишиларга сўзлаганидек кўринар, ҳар кун унинг давосини ахтарардилар, лекин унинг балоси ҳар лаҳза ошар эди.

Тузатиш учун қанча сеҳр ва «куф-суф»лар ишлатсалар-да, у дам билан ўти бадтар туташар, бу ахволдан ота-онаси ва барча қариндош-уруглари ожиз эдилар.



Насиҳатчилари ҳамиша ундан енгилар, кулфати эса борган сари ортарди.

Эл унинг дардига даво топишда кучсиз бўлса, унинг жунуни шу қадар зўраярди.

Бу савдолар уни турли ҳолларга солганидан, болалар ҳам унинг кетидан тинмай югуришиб, уни Мажнун деб аташар, у ҳам ким нима деса жавоб қайтарарди.

Одамлар жигари қон у бечорани кўрганда: «Мажнун келди. Мажнун келди», дердилар.

Мажнун ўз отини ҳам унугтган, балки от ўзи нима эканини ҳам билмасди.

Лайлиниң отидан бошқа ўз ва қавми қариндошларининг номи ҳам ёдига келмасди.

Қайс «Лайли», деб фарёд чекса, эл уни «Мажнундир, ушбу Мажнун», дердилар.

Шу зайдада ҳар тонг ва шомда у Лайли уйи томон йўлга тушар, қабиласи атрофидан айланиб, кўксига тош уриб, ўзини жабрлар эди.

Ҳар қадамда кўксига тош уриб, қадам ўрнига бошини қўярди.

Ҳар айланишда: «Агар қоним тўкилса, қабиласига жоним фидо бўлсин», дерди.

Шундан сўнг кўз ёшларини седек оқизиб, саҳроға майл этар, ўзига манзур бўлган дилором қабиласидан аста-аста орқасига тисарилиб кетарди.

Агар ўртада бирор тўсиқ пайдо бўлса, дашт сари ўгирилиб кетарди.

Эй, ишқ даштини ватан қилган!

Йўлимдан адашдим, бир лаҳза воқиф бўл.

Чарчадим, мадад қилиб қўлимдан тутгин ва менга йўл кўрсатиб карам қилгин.



XVI

Мажнуннинг хабарсиз ошиқлигидан Лайлининг отаси хабар топиб, Мажнуннинг отасига тил найзаси, балки найза тили билан захми забонлар¹ юборгани; бу ҳалокатли заҳарни ичиб, сингдириб, Мажнуннинг отаси ўғлини кишишганга согани

Бу саҳифани безатувчи ўз афсонасини шундай баён этади:

Замона гардиши Мажнун ҳақидаги сўзни эл ичидага афсонага айлантирди, унинг қилмишлари тилдан тилга кўчиб, бутун Арабистонга ёйилиб кетди.

Бу сирларни меҳрибон бир-икки дўстлари Лайлининг отасига етказдилар:

«Омир қабиласидаги баҳти қаро Қайс бу қабила-га келиб, илм ўрганиб, илм-хунарга эга бўлиб, ҳам олим, мутафаккир бўлган эди.

У ҳозир ақддан озиб, гўё ҳамма нарсадан воз кечибди.

Дашту саҳроларда ҳамиша фифон тортиб кезиш унга одат бўлибди.

Паришонлиги чексиз, девоналиги ҳам беҳад зўрайибди, бироқ эл орасида шундай гап тарқалганки, унинг ақди ва ҳушига талон соган, бир ҳурсифат гўзал ишқининг фами балосидан эмиш».

Лайлининг отаси бу сўзларни эшитгач, ҳайрат бармоқларини тишлаб, деди:

«Ҳей бечора! Уни кўп мақташар эдилар, гўё унга кўз тегиздилар, у қобил, ювош, назокатли, кўнгли очиқ бечорапарвар эди, унинг ақди расолиги, ширин сўзлиги менга ҳам жуда маъқул тушган.

Энди отасининг ҳоли нима кечиб, бечора онаси қандай азоблар тортаётган экан?

Унинг бунчалик тобланиши қайси ўтдан ва кўнглидаги изтироби нимадан бўлсайкин?

¹ Захми забон – тилдан (гапдан) етган озор.



Қайси гулнинг иштиёқи уни бу «ҳолга солиб, қайси сарвқомат унинг кўз ёшларини сувдек оқизган экан?

Унинг бу ҳолига сабабчи ким ва унинг сифина-
дигани қайси қабила экан?».

Сўзловчи деди: «Эй, азиз муҳтарам! Модомики
сен сўрар экансан, жавоб бериш ҳам бурчимиздир,
унинг ишқи ёмонми, яхшими, ҳар ҳолда, халқ биз-
нинг қабилага нисбат бермоқдалар, элнинг гумони
тўғри бўлса ажаб эмас, бунинг учун далил ҳамдир.

Бу даштда қабила жуда кўп, унинг қўнгли би-
рортасига чопмайди.

Лекин унинг ҳар тун ва саҳар бу қабилага кел-
масдан тинчи йўқ.

Ҳам жоннинг қабиласи, ҳам жаҳони жони шу
қабилага бўлиб қолган.

Бу қабила иффат ҳарами эди, бунга нафрат на-
симидан бўлак нарса аралашмасди.

Унинг атрофига пардалар тортилган бўлиб,
унинг ўриш ва арқофи поклик ва зуҳддан эди.

Бироқ унинг қўрқмас оҳи етса кўк пардаларини
ҳам парчалаб юборар, ҳамма фифонлари бехабар-
ларча, сўзлари буткул сир очганликдан иборат.

Таъбининг яхшилиги, назмининг равонлиги
сенга ҳам маълумдир.

Унинг шеърларида бир исм такрорланади, уни
сенга айтиш учун бизнинг кучимиз етмайди.

Биз билганимизни айтдик, бу ёғи сенинг ихти-
ёрингдадир».

Бу сўзларни эшитувчи бу аҳволдан беҳузур бў-
либ, қамиш ичидаги нозик қилтириқдек тўлғанди.

Бошини қуий солиб турди, бирор яхши-ёмон сўз
айтмади. Бир оз сабр этгач, шўр пешоналардек
сўзлай бошлади. Уларга шундай деди:

Омир қабиласининг бошлиғига шуни тездан бо-
риб айт:



бундай сўзлар сенга ҳам, бизга ҳам номуносиб.
Эл оғзида тарқалган бу ғалати ҳолларнинг сендан
бўлиши қизиқ туюлди.

Шундай ишнинг ошкора ҳолда эканини билсанг
ҳам шу чоққача муроса қилиб келяпсан.

Кимки жиннилик билан иш қилар экан, ундан
одамни кишланаш даркор!

Билмасмисан молу давлатим, араблар орасида
шаъну шавкатим?

Ўғлингни ҳам, сени ҳам нима қиласман десам –
қиласман. Лекин сен буни билмасдан, нодонларча
фафлатда қолибсан.

Бу сўзларимни эшитгач, ўғлингни албатта қўлга
олгин! Бундан кейингисини худо кўрсатмасин!

Агар шундай ҳолат яна такрорланса, аввал унинг
ишини тугатаман. Ўзингни ҳам қаҳримга учратиб,
бутун авлодинг билан бу даштдан йўқотаман!

У шундай қаҳрли сўз ўқларини сочиб, элчилар-
ни жўнатди.

Элчилар унинг сўзларини Мажнуннинг отасига
битталаб айтиб бердилар. Тингловчи унинг сўзла-
рини англаб, жавоб қайтариш учун сўз тополмади.

Бу ишдан унинг кўнгли ранжиди, бироқ чора
йўқ эди, қабул қилди. Элчилар туриб йўлга туш-
ганларида, бу қабила саросимага тушди.

Бутун қабила аҳли, Мажнунни излаб, тоғ-тош-
га югурдилар: уни қароқчи талаган кишидек бир
қумлоқ ичида нола қилиб ётган ҳолда топдилар.

Унинг даштда қолишига йўл бермай, ўз ихтиёри-
га қўймасдан уйига келтирдилар. Мажнунни беҳуд
ҳолича занжирга солиб, бир уйга қамаб қўйдилар.

Унинг бутун вужуди занжирбанд этилган, зан-
жир ҳалқалари ҳам ўралган ва эгилган эдилар.

Эй, жунон занжирига боғланган зот, бу занжир-
да шод бўлгин. Кимки бу занжирда хурсанд бўлса,
озодликка юз маротаба сазовор бўлади.



XVII

Мажнуннинг фироқ чогида тандир ичидағи ўт-дек ўртаниши; айрилиқ кишинида тузоққа тушган қүшдек изтироби: табиб афсунидан телбалигининг түгёни ва табиб пархезидан иситмасининг галаёни; ўз бахтсизлигига тўйкан ачик кўз ёшлари ва бу ёшлардан оғзида ачик-ачик хунобаси; кўнгил ўтидан темир банди сув бўлгани ва сувдек саҳро томон юриб, кўз ёшларидан водийлар тўлгани

Бу ҳалқага илиниб асир бўлган киши, сўз иплярининг чигалларини шундай ечади:

Занжирбанд этилган телба юз хил офат ва бахтсизликларнинг асири бўлган эди. Бир неча кун уйда оёқлари боғлиқ ётди; у гоҳ баланд, гоҳ секин фарёд чекарди.

Кеча-кундуз на овқат ер, на ухларди, гўё тузоққа тушган қүшдек изтиробда эди. Кўзидан уйқу қочиб, ҳар киприги уйқуга қарши бир ханжар бўлган эди.

Кўз ёши бир лаҳза тўхтамаган кўзда қандай қилиб уйқу тура олсин! Кўнглида ҳушдан хабар ийқ, фақат ҳуш эмас, унда кўнглидан ҳам асар ийқ эди.

Бало ўтини шиддатидан танида кўнгли ва кўнглида ҳуши қолмаганди. Лайли савдосининг ўтидан чироги ёниб, унинг тутунлари эса Мажнуннинг ҳушини ўраб олган эди.

Бу тутунларнинг тобора зўрайиши ундаги тақво ва ақл юзини ҳам қорайтиради. Ақл билан тақво юкини ташиб кетгандан сўнг, унинг ўрнида телбалик шоҳи тахт қуриб олди.

Савдо ўтининг тутунлари қўшин тортиб, ҳар дам favfo соларди. Шу тарзда унинг фикри favfolарга тўлиб, кўнгли топталганди.

Кўнгли фам ханжари билан яралгангина эмас, балки парча-парча бўлган эди. Унинг фам ва балола-



ри ана шу зайдада ҳаддан ошганда отаси умидворлик билан ўглиниң бошига ҳаким-табиб келтирди.

Бироқ у ҳаким на ишқ оғатидан хабардор ва на күнглида ишқ алансининг учқунлари бор эди.

Мажнуннинг изтиробини англамаган табиб, тобора унга азоб берарди: гоҳ насиҳатомуз сўзлар билан унинг ўтини шу нафасдан яна овдирар, гоҳ Мажнунни шарбат ичшига даъват қилиб, унинг қон ютишини оширап эди.

Мажнунга баҳра олсин учун берилган овқатлар унга заарли дуқмалардай бўларди.

Қонли кўз ёш оқизишини ман этиб, унинг оҳ ва фифонларини яна ҳам орттирап эди. «Кўп фифон тортма!» деса, унинг қонли ёшлари борган сари ортарди.

Табиб унинг жинини қувмоқчи бўлиб калтаклар, лекин ҳуркак вужуд қулги билан ҳолдан кетарди. Унинг қулгисидан хижолатда қолган табиб, йигисидан ҳам ташвишга тушарди.

Унга тинимсиз жафолар берганидан табиб Мажнунга балодек кўринар эди.

Бедард ҳаким Мажнуннинг қандай ўтда ёнаётгани ва қандай дарддан жафо чекаётганини англамасди.

Мажнун танини ишқ найзаларидан халос этаман, деб табиб унинг жисмини яна чок-чок этарди.

Бу чокларни тикадиган меҳрибонлар, игна билан эмас, балки найза билан тикардилар. Ўқ учларини топаман, деб табиб бемор баданини ёрган бўлса, бу кишилар уни тикмоқ учун ўқ келтирдилар.

Булар ўқ ахтариб, овора бўладилар, ҳолбуки фам ўтида ўқ эриб сув бўлган эди. У сувларнинг бариси унинг кўзидан оқар, у бечора ҳам шу кўз ёшлари-дек ўзидан кетиб бораради.

У гоҳ ўзига келар, гоҳ хушидан кетар; кўзларидан эса гоҳ сув, гоҳ қон оқарди. Неча вақтгача



унинг аҳволи шу тарзда бўлиб, лаҳза сайин азоби ортарди.

Зулмат сочувчи фалак бир кеча кун варагини қорайтиарди. Бу тун эмас, балки қора бало кундуз хазинасини босиб ётган аждаҳодир.

Фам дўзахининг қоп-қора тутуни айрилиқ оловхонасининг қуруми эди. Бу тутундан малак қанотлари қорайиб, кечада узунлигидан осмон ҳам қартайган эди.

Шу узун кечада тонг булбулининг тумшуғини боғлар, кўршапалакларнинг ҳам қанотларини сустлантиарди. Бу кечада аввалини унутгандек, охирини ҳам соғинмасди.

Бу кечада эмас, балки ошиқ ва дардманларни азоблаб ўлдирувчи жаллоддир. Севги билан телбаланган ҳар бир шўрликка бу кечада бир кўргилик жаҳони эди.

Бу кечада бедардларни маст уйқуга солиб, дард аҳдининг ишини хароб қилганди. Бу кечада, дардли маҳзун, яъни ҳижрон тунига асир тушган Мажнун, ўз аҳволини ўйлади, фам чақини тегиб унинг вужудини кул қилди.

Ўз ҳолига йифлаб, ҳар бир дардини шундай нола билан тасвиirlади:

«Борлигим бўлмаса нима бўларди ёки вужудим йўқ бўлуб кетса бўлмасми? Мен хастани яратиб, балоларга дучор этишдан қисмат мақсади нима экан?

Жиссимга руҳ бериб қўйибди, шуни бермаса нима қиласарди? Жиссимга жон кирган чоқ, туғилгали вақтдаёқ кошки ўлсам эди.

Ўлганимни кўришгач, танимни ит олдига ташлаб, жонимни бу мاشақатлардан халос этиб, бу балолардан қутқарсалар нима бўларди?

Танимни итлар талашиб, қонимни ялашсалар эди. Қон ва томирларимдан баҳра олиб, суюклиримни чайнаб, ютсалар эди.



Бу таомнинг устида улишиб ва уриш-талаш билан есалар эди. Балки бу овқатга ит ҳам хайр, уни ҳам балога дучор этишнинг нима кераги бор?

Ит танимни тишлаганды, шу ондаёқ қутуриб, телба бўлар, жаҳонга ва юзларча хаста нотавонларга ўт солар. У вақт ҳалқ, ит нафсининг чироғини қорайтириб, уни ҳам тутиб ўлдиради.

Энг яхшиси мени тўполон бошлаб, ўтга ташлаб куйдириш эди. У ўт ичида таним буралиб, қийналиб куйса яхши бўларди.

Ўтдан нишона бўлиб қолган кулни ҳам кўкка со-вирсалар эди. У куллар кўкка ҳам касофат етказиб, балки у ерда ҳам бирор баҳтсизлик рўй берарди.

Энди эса, у ҳам бўлмади, бу ҳам. Аттанг, вужудим тириклик сари йўл солди. Ишқ азобини тортмасдан бурун, икки қўзим кошки кўр бўлса эди.

Ўз бечоралигимни изҳор қилиб, бир парча нон учун тиланчилик қилсайдим. Кишиларнинг қўлларига муҳтоҷ бўлиб, эшикма-эшик юрсам эди.

Бир луқмани деб мен бало чексам, яна бир луқмажур ҳассамни тутиб, мени етаклаб юрса эди. Бу ҳалокат ҳодисалари ичида, етакчисиз бир қоп-қоронги чуқурга йиқилганимда, шундай мاشаққат ва балоларни тортардиму бу хилда ишқ аламларига мубтало бўлмасдим.

Кўзим туфайли шунча қайfu ва юзларча дарду балоларга учрадим.

Мотам кийимидағи шу икки қўз бошимга битган икки қон тўкувчи бало бўлмаганды, бировга қарапидим ва кишини манзур қиларидим?!

Назар ишига мағлуб бўлиб бировга кўнгил берган бўларидим? Хуллас, у жон офати, йўқ, жоннинг ҳам эмас, бутун жаҳоннинг балоси бўлди.

Агар ел унинг юзидағи ниқобини очиб, офтобдек жамолини кўрсатса эди, бир ярқирашидан бутун жаҳон, балки тўққиз осмонга ўт тушарди.



У ўт ичида қуёш бир патирдек, ойни айтиб ҳам ўтирумайман, чунки у куйган кулчадек бўлиб қоларди.

Мен дунёда бир заиф хасман, жисман шу хасчалик ҳам эмасман. Кўз кўриб ҳавас йифди ва ўшага ўтга бу хасни ўлжа қилди.

Бунчалик шафқатсиз ишқ, яъни минг яшин – унинг қаршисида хас-хаشاқдир. Мен мубталони ишқ, зўрлаб, катта-катта балоларга йўлиқтиради.

У ўтга тушгач, унга хос бўломмагандек ўртаниш билан ҳам халос бўломмайди. Унга ҳижрон ўти насиб бўлиб куйиб-ёниши минг чандон ортиқ бўлади.

Шу айрилиқ ўтида ҳам телбаликка солиб, хилма-хил азоб-уқубатларга гирифтор этади. Бу балолар билан қониқмай, яна кишини занжирбанд қилиб зинданга ҳам солади.

Хуш ва ақлини йўқотгач, қизиқки, бошига табиб ҳам келтиради. Юз хил азоб-уқубат бир ёқда, бедард табибнинг дарди бир ёқда.

Ҳаким жонни яралашга киришади, насиҳат қиувчилар эса, бу ярага туз сепади. Юз шунча умрни кемирувчи фам бўлса ҳам майли, тоғ-даштларда кезувчи бўлсайдим.

Гоҳ тоғларда нола қилиб, гоҳ чўлу биёбонларга югурсам эди. Шу вақтдагина кўнглини бир лаҳза фамлардан бўшатиш эҳтимоли бўлар эди.

Агар бир уй ўтга жой бўлиб, эшик-туйнуклари беркитилса, у уй албатта ёрилади, балки ҳар тарафдан тешилади.

Ўт ҳар тарафини тешиб кетгач, у уй албатта қулашга юз тутар. Қайғу кўнглим уйини зиндан этди, вужуд уйи ундан бадтар қоронги зиндандир.

Эшик-туйнуклари маҳкам парчинланган ўшага зинданда таним маҳбусдир. Ичкари унда гуссадан ўртанишлар, балки айрилиқ ўтининг ёлқинлари бўларкан, уйларнинг ёрилишидан, бир-бири устига йиқилишидан ажабланмаса ҳам бўлади.



У ўтнинг тобига икки-уч уй нима деган, унга етти-саккиз юксак кўк ҳам бардош беролмайди.

У ўтнинг ҳарорати билан ларзага тушган уйларнинг ҳар бири юзларча дарз кетади.

Э воҳ, бу ўтдан тобу тоқатим қолмади, йўқ-йўқ, унинг ичида изтиробларим ҳам ошиб кетди.

Кулбамда ва жойимда шу ўт, ҳатто жону танимда ҳам шу ўтнинг ўзи. Одатда бирорни ўт ичига ташлаганда оёғидан кишсанни оладилар.

Турар жойим кишан билан ўтда бўлди, менинг гуноҳим шундай катта эканми? Ўти-ку унча эмас, унинг қора туруни, балки мудҳиш қорага бўялган шоми, жонимга қора бало бўлиб, кўнглимни шу балоларга дучор этди.

Мени тун эмас, қора босган ёки фам тоғининг балолари босган.

Агар у оғир юк танимни босмаган бўлса, нега бундай беҳаракат бўлиб қолдим?

Ё жон қуши хасдек жисмимдан учдими? Қафасини ташлаб ватан йўлини олдими?»

Мажнуннинг қимиirlашга ҳам ихтиёри йўқ эди: ўлган тан ҳаракатсиз бўлади. Унинг жисмини ҳар хил гумонлар тинчитган бўлса-да, лекин унинг иши ҳадеб талпинмоқ эди.

Жисми фоятда заиф, оёқ-қўли фоятда кучсизланган эди.

Оёқ-қўлларини ёзиб жон ипига ҳаракат келтириб чиранганда, боғланган ёғоч синиб, оёқларидан темир кишанлар чиқиб кетди.

Бу қийиноқлардан ором олиб, ул фарид бечора оёгини қимиirlатар экан, оёғи, ҳам қўлини ва бўйининг ҳам бўшалгинини кўргач, юз шукрлар билан, кўзларидан ёшлар тўкиб юзини ерга суртди.

Шундан сўнг у оҳисталик билан туриб эшикни очди-да, кучсиз оёғи етганича узоқларга қочиб кетди.



Ниҳоят бир даштга етдики, у ерга бориш гумондан ҳам йироқ эди.

Эй, замона занжирига боғланиб шод бўлган, ўзлигинг оғир кишан туюлган киши! Ўзлигингдан ўзингни қутқаргин, токи фано даштига шодлик билан киргайсан.

XVIII

Лайлининг хиромон сарви гулишандан уйи сарига юрганда Ибн Салом кўнгли қуши у сарв томон парвоз қилгани, у парвозда баҳор шабадаси гул япрогини туккандек танга сочиб умид ниҳолидан мақсад гули очилгани ва ўша шабада титрашидан гул юзли сарв соядек шикаст тупрогига йиқилгани

Бу сўз инжуларини сочувчи ўз ноёб фикрини шундай баён қиласди:

Гул танли суманбар шом пайтида боғдан уйи сари қайтар экан, ўз чеҳрасидан оламга гул очиб, юздаги тер билан ерга гулоб сочиб, шу гул ва гулобни намойиш этар, ишқ ўтидан юзлари жуда бошқача бўлиб кетган эди.

Ҳар қадам босишида юзларча латофат, йўқ-йўқ, балки жаҳонга офат сочар эди. У сарв тепасида очилган гул ёки гул кўтариб келаётган сарвнинг ўзгинаси эди.

Жамоли таъриф қилингандан юз мартаба ортиқ бўлса, сифатлашга сазовор бўлган юз мингча назоқати бор эди. Лекин ишқ ғамидан паришон париваш уйга қайтар чоғда, араб элидаги бир бадавлат ёш йигит уни йўлда кўриб қолди.

Зотида ҳеч қандай нуқсони йўқ, соғлом бу кишини баҳт Ибн Салом деб атаган эди. Унинг отлари беҳисоб, қўй сурувлари ҳам чексиз эди.

Саҳрони тоғдек туялари тутиб кетган, беҳисоб мол-давлат эгаси бўлиб, ҳар қандай мушкул ишни осонлик билан ҳал этар эди.



Меҳнат тунида йўл йўқотган киши фам емас, чунки у тангада юлдузлар кўрар. Ибн Салом Лайлини кўргач, хаста жони шавқ ўтига тушди.

У Лайлига етишмоқ хаёлига ва бу ишнинг чорасига тездан киришди. Дарҳол қабиласига қайтиб бориб, бутун мол-давлатни йифишири бошлади.

Юз хил қимматбаҳо ҳадя ва нодир тухфаларни тайёрлаб, бир неча сўзамол, шайхсимон оқил кишиларни атрофига тўплаб, бу ҳақдаги барча орзу-ларини бирин-бирин сўзлаб берди.

Ибн Салом ҳам мақсадни айтгач, йигилган кишилар унинг ҳамма сўзини маъқулладилар. Совчилар бутун хазина ва тортиқларни юклаб, Лайли уйи томон равона бўлдилар.

Лайлининг отаси эса бу хушхабарни эшитгач, жуда курсаид бўлди. У Ибн Саломни илгари ҳам барчадан яхшироқ танир эди: оқил ва фаросатли йигит эканини, ҳисобсиз мол ва ашёга згалиги.

Бани асад қабиласига бошлиқ бўлиб, моли Бани асад қабиласига нисбатан юз баравар кўшилганини биларди.

Бундай бахтга эришгани учун у Ибн Салом меҳмонларини меҳр билан қарши олди. Меҳмонлар уни бу қадар иссиқ ва очиқ юз билан кўргач, тортина масдан сўзлай бошладилар.

Бутун қимматли тортиқларни беришгач, бирин-кетин сўзга тутдилар.

Обрў билан оёққа туриб, балофат ва фасоҳат билан маъноли сўзлар сўзладилар. Лойик таърифларини изҳор этишгач, ўз муддаоларини билдиридилар!

Мақсадларини билдиришгач, бошларини қуий солиб жавоб кутдилар. Тингловчи уларнинг муддаоларини англаб шундай деди:

Аллоҳ мадад берсин. Агар у менга ўғил бўлиш тилагида экан, мен ҳам унинг отаси бўлайин.



Менинг дурим унинг бошидаги тожнинг зебу зийнати бўлсин. Иншаалоҳ мартабаси ҳам баланд бўлғусидир.

Лекин унинг бир оз сабр қилиши ҳам керак. Чунки гулимнинг шохи синиқроқ. Ҳали бу умид ниҳоли ёш, яъни бу қуёшим ҳали ҳилодир.

Кўнглидан дардлари кетиб, соғайсин ва ҳам бўйга етсин. Ана ўшандан кейин бу азиз фарзанд қандай орзу-ҳавасда бўлса, келсин-да, висол жомидан ичиб, сарв бўлиб гул билан қовушсин.

Барчалари умидворлик билан хурсанд бўлиб, уйларига қараб жўнадилар.

Лайли гулшандаги гуллар ичида товланиб, боғнинг ҳар тарафини тез-тез кезар, қон тўкувчи ишқ эса гуллар очар эди.

Шу вақт гулларнинг ҳар бири роз бошлади, уларнинг ҳар биридан қон ҳиди анқирди.

Яъни, улар раҳмсиз тифин қиндан суфуриб, унинг кўнглини чок-чок этдилар.

Лайли кўнгли фунчадек пора-пора бўлгач, ишқ ичида унга гуллар очилди.

Йўқ, йўқ, балки чамандаги дард фунчаси чок бўларкан, олов ранг гуллар очилди. Ишқ бу қизил гулини очгач, гул барглари каби учқунлар сочди.

Бу ўт билан Лайлининг жони, балки ожиз тани ҳам куйишга тушди. Ишқ ўтида куйиш етмасмидики, бунинг устига ҳажр ғамининг босқинчиси ҳам келиб етди.

Жаннатга ўхшаган бўстонда фариштасиймо ошиқ кўнгли паришон Лайли, кўзига уйқу келмай, иштаҳаси бўғилиб, шу томон йўл олган эди.

Борган сари мадорсизланиб, ҳар нафасда но-чорланиб бораар эди. Бу можаро уни ҳам ҳамиша машғул қилас, сайд ва томошада экан, ҳар қадамда малоли ошиб кетар эди.



Унинг танига иситма қасд қилиб келар, хасталик унга ҳамроҳ бўларди. Ўзларини дўст, кўмакдош ҳисоблаб келганлар, унга ҳамдард эдилар.

Лекин уларнинг баъзилари унда яширин бир сир борлигини билар эдилар.

Дояси билан бир неча сирдошлари унинг қўнглини овутар эдилар:

Лайли ранжидан ғамгин бўлиб, дардига кўнгила берардилар.

У жигари куйган доя, ҳам бир неча ғамхўр маҳрамларига агар Ибн Саломнинг совчи юборганини бу ҳур фаҳмлаб қолса, кўнгли ранжир, ҳам аҳволи бадтар оғирлашуви, ҳам дарди зўрайиши маълум эди.

Бу аҳволни гул юзли Лайли билмасин дейишиб, ундан беҳад яширар эдилар.

Қиз ишқ ўтидан ташвишли, ишқ ўти унинг ичida алангаланар эди.

Кунлардан бир кун бир неча ошна ва қариндош уруғлари Лайлини кўришга, янада тўғрироғи, унинг ғам-кулфатларини ошириш учун келган эдилар.

Жирканч, ақли паст, эсини еган, бемаъни, лақма бир кампир кўнгилсиз Лайлининг кўнглини хуш қиласман, деб сўзга тушди.

Унинг сўzlари сўз эмас, жаллод тифига ўхшар эди. У кампир, яширин тутилган ғамни ошкор этиб, орага бу можарони солди:

– Эй соchlари юзига анбар сочган суманбар қиз, ғам емагин!

Эрта-индин баданларинг соғайиб, саломатликка юз тутгач, бахтинг очилади ва бутун муродинг ҳосил бўлади.

Ўзинг дунёда тенгсиз бўлганингдек, ёрликка ҳам жуда кўнгилга ёқадиган киши тўғри келади.

Ой юзлилар орасида сенинг бахтинг ҳақида сўз юрибди; улар иқболингни орзу қиласдилар. Лекин



уларнинг орзуси рўёбга чиқмайди, чунки баҳт ҳаракат билангина қўлга кирмайди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, баҳтинг очилиб, шундай гаройиб ишлар бўлди.

У кампир юқоридаги достонни айтганидек, Ибн Саломнинг отини ва сифатларини таърифлаб берди.

Бу сўзларни эшитган Лайли нима ишлар бўлаётганини англаб олди. Бундай мусибатлар Лайли кўнглини бузиб, уни беҳуш қилиб, ўзидан кетказиб қўйди.

Эй, ўзи кўринмай зоҳир бўлган, кўзга кўринмасдан кўнглида ҳозир бўлган!

Кўнгил чироғини ёқар экансан, менинг кўзларим олдида ҳам жилва қилгин.

XIX

Мушкбўй оҳу овига Бани асад аҳлининг қасди маълум бўлиб, қуёшининг олтин жайрони магрибнинг овлоқ гўјшасида саргайиб-титраਬ, шафақ хунобин тўйкканидек у оҳунинг хилват уйида тупроқ ва қон аро изтироб чеккани; фалак Золидек онаси ишидан воқиғ бўлиб, унинг ҳолига дод-фарёд согани

Сўз булогини ўйган киши бу чашмадан чиққан сувни шундай таради:

Сидра¹ шохидек мустаҳкам бу сарв дард зўридан соядек ётар эди. У ҳушига келгач, ўзини хафа қилган ўша сўзларни яна эслади.

Хафалиги дам-бадам ортар, кўнглини ундан бўшатолмас эди.

Бу кулфатлар ичида ўзининг ҳалок бўлишини ва умр тўнининг чок бўлиши аниқдигини кўриб, доясига қараб шикоят қилди, ожиз-лик билан сўз бошлади:

¹ С и д р а – диний эътиқодга кўра, еттинчи осмондаги дарахт.



— Эй ҳолимга айлагучи чора, сирларим сенга ошкора. Сендан ҳеч сирни яширганим йўқ, бутун дардимдан хабардорсан.

Шундай бир сўз эшигдимки, унинг шуъласидан димогим кўймоқда. Афтидан сен ҳам буни биласану, лекин мендан яширасан.

Агар сен уни даф эта олганингда, ҳаракат қилган бўлур эдинг. Агар даф этишга қодир бўлмасанг, у чоқ сени кечиришим аниқ.

Бироқ сендан илтимосим шуки, бир нафас эшик олдида пойлаб турсанг. Чунки кўнглим фамдан бениҳоя ўксиган, фавғолардан ҳам жуда безган.

Бир лаҳзагина эл менинг олдимга кирмаса-ю, мен ўз дардларимни тортсам.

Доя қўлинни кўз устига қўйиб, таъзия қилиб чиқди-да, эшикни занжирлади.

У одамларга: «Уй яқинига келманг, ой кўзига уйқу келди», деди. Лайли уйни кишилардан холи кўриб, ёқасини чок-чок этиб, фарёд кўтарди.

Гоҳ бахти кўзига, гоҳ бошига тупроқ сочди. Кўксини уриб яралади, тирноғи билан тирнаб моматалоқ қилди. Кўз ёш қатраларини сочавериб, танининг тупроғига фам уруғларини экди.

Қонли ўшлар тўкиб, юзининг саҳифаларидан боблар очди. Бало китобининг ҳар бобида фам дарсининг ҳисоби ёзилди.

Ҳасрат чапакларини уриб, жон ўртовчи фифонлар чекарди. Унинг чеккан фифонидан тобора иқ бол ва шодлик қушлари ҳурка бошлар эдилар.

Гўё қуёш чашмасига нилуфар гули эккандек, юзига шапалоқ уриб кўкартирап эди: у юзга ёт кишининг маҳрам бўлиши сезилганидан унга мотам либосини кийдирарди.

«Эй, золим фалак! Менинг ҳолимга шикаст етказишдан муродинг нима?



Сенинг қўл остингдаги ёш жонимга шикаст ет-казиб нима қилмоқчисан? Мендан ёш новдани осонгина синдиридинг, қаддимни тупроқ билан тенг қилдинг. Яна жафо тешасини тортиб, уни юзпарча қилганинг нимаси?!

Оғир жафонираво қўриб, зулминг билан қаддимни банд-бандидан айирдинг-ку. Уни майдамайда қилиб, бало ўтхонасига солмоғинг яна нимаси?!

Мен ёш, янги ниҳол эдим, шохимда эса тиканлар, атрофимда хаслар ҳам йўқ эди. Яйраган шохларимда ва бошларим устида топ-тоза янги гуллар очила бошлаган, ҳали ниҳолим мева кўрмаган, баргларимга оғат ели тегмаган эди.

Мен кимнинг кўксига тикан урибман, кўкка қандай бош кўтардим экан? Ишқ ели билан уни букиб, даҳшатли қуюнинг билан яралаб, вужудини пора-пора қилиб ташладинг.

Уни титиб ташладингу, лекин бундан хурсанд ҳам бўлмадинг.

Куйдириш учун ҳар бир парчасини олдинг-да, уларни фам дўзахига ташладинг. У хабар менга дўзах бўлди, жонимга эса ўтидан учқунлар сочилиди.

Йўқ, йўқ, у учқун эмас, оғат яшинидир. Унга бутун олам гарқ бўлади. Агар бу оғат олови оламга туташса, унинг тутунлари фалакдан ҳам ошса, ундан менга бир учқун тегса, кул бўлишдан бошқа чора йўқ...

Айниқса, бу нотавонга туташиб, ундан жаҳонга учқунлар тушиб, ҳам дунёни оловга қориштиради, ҳам тутунлари кўкка чўзилади.

Ўша ўт орасида мен кучсизу, фамгин, фамгин нимаси, балки бир хашак; хашакка ўхшаган; хашак ҳам эмас, балки жонини ҳам кўтаришга мажоли қолмаган бир ожиз чумолиман.



Шу чумолининг бошига бундай дўзах азоби тушса, эвоҳ, қандай тоқат қила олар экан?

Ўша дўзахга тушган чўлоқ чумоли – мен мубтaloman.

Эй фалак, бир чумоли нима ҳам қила оларди? Нима қилишини билармиди? Унинг қасдига жадаллаб, мингларча яшинларинг билан қасос олмоқчимисан.

Мен бу зайл бало тутқини, юз хил жафога мубталоман. У зор, ожиз, чорасиз Қайс менинг асимримдир. Ажабо, менинг ғамимдан нозик қилириқ тани қандоқ экан? Ишқим ўтида ёнармикан, ҳажрим ғамиға қандай чидар экан?

Шавқим унинг оҳини чикарармикан, тортган оҳи жисмини сомондек учирармикан? Сочимнинг ғамида ишқ кўргилигини тортиб, ҳар замон телбалиги қандай авж оларкин?

Қоматимни деб наво тузганида, фигони қайҳолда юксаларкин? Жамолимни тилаб йифлаганида, кўзларидан гул япроқлариdek ёш тўкармикан?

Гажакларимни эслаб, буралиб қайрилса, жисмига қандай тоблар тушаркин... Нозу карашмалиримни ўйлаганда, кўксига ниш санчилармикан?

Лабларимни деб кўз ёшлар тўкканда, ўзи ҳам сувдек эриб кетармикан?

Менинг оғзим ҳақида сўзлаганда, йўқлик¹ дунёсида йўқолармикан? Хаёли белимга тушганида, вужудининг омон қолиш эҳтимоли бормикан?

Эгма қошим ғамида оҳ-воҳ тортганида қомати ёйдек эгилармикан? Фикри ёди киприкларимда

¹ Мумтоз адабиётда маъшуқа оғзини кичрайтиб тасвирлаш ҳодисаси кучлидир. Оғзини пистага, мим ҳарфига, нуқтага ўхшатиш билан чекланмай гоҳо оғзи йўқ эди, деб юборар эдилар. Бу ерда йўқликка ишорадан мақсад оғиз кичикиллигига ишорадир.



бўлганида, кўнгли юзлаб тиканлар орасида қолиб,
ҳоли не кечар экан?

Оғзини пистага, мим ҳарфига, нуқтага ўхшатиш билан чекланмай гоҳо оғзи йўқ эди деб юборар әдилар.

Дудоқларим унинг кўз ёшларини Жайхун қиласа,
кўзидан қизил майдек ёшлар оқармикан?

Холим ғамини еб тўярмикан, аламидан ўз кўз қорачифини ўярмикан? Қирғовул юришларимни ўйлаб, тузогимга тушармикан?

Ҳар кун юзларимни истаб, ҳар тун соchlаримни йўқлармикан?

Менинг дарду аламимни ўзига одат қилдимикан
ё ҳажримдан харобмикан? Бунчалик ғаму фуссалар
устига бу воқеани ҳам эшитса нима қиласа экан?

Бу иш – хўжаста фоли эмас, бўлиши эҳтимолдан
йироқмас.

Бутун дунё аҳди бир томон бўлсалар ҳам, бу
ишга эриша олмайдилар! Лекин у машаққатлар
дўсти: «Бу ишга у рози бўлган, деб ўйлади.

Ҳамма ғамга чидасам ҳам, бу ғамга ҳеч тоқат
қилолмайман. Фарёдки, ўладиган ҳолатда ғамим
бор, шунинг учун ўзимга мотам тутсам ажабла-
нарли эмас».

Хилватда унинг иши шундай фарёдлардан иборат
эди, онаси эса эшикда пайт пойлаб турарди.
Қизини бу баҳтсизликка учраганини билган она,
ғамдан изтиробга тушди.

Она кеча-кундуз шу ой парчасининг ўй-хаёли
билан бўлиб, дард ва ғамига чора излар эди.

Эй чорагар! Бу ишдан қўлингни торт, менинг
дардимга чора излаш мушкул. Чора топиш умидидан
чекин, билгинки, бечоралик бизга чорадир!



XX

Мажнунинг отаси уни шиқ биёбонидан келтириб, Каъба зиёратига олиб боргани ва у муножот баҳонаси билаи кўнглидаги яраларни ёргани ва дуо қўлмоқ оҳанги билан кўнглидаги маҳфий мақсадидин тилидан чиқаргани ва Арафот¹ аҳлидан арасот² кўтаргани

Маънолар нақллари бу нафис сўзларни шундай баён қилади:

Ўша кеча Мажнун ўз ўйидан ҳурккандек қочиб кетган эди. Тонг отганда, бутун қариндошлар унинг уйда йўқлигини билиб, яна дод-фарёд кўтардилар.

Улар яёву отлиқ ҳар томонни қидириб, уни тополмай, хижолат чекиб қайтдилар. Фам отасииинг қаддини яна букиб, онасини мунгли ва беҳол қилиб қўйди.

Ҳар иккала шўрлик турли ўйларга бордилар, лекин ўз гумонларини ўзлари рад қилдилар.

Кўп гап-сўздан кейин, охири шундай қарорга кёлдилар:

Кўрган чоралари натижа бермагач, умидни узиб, охир Аллоҳагина ёлвориб, ҳар иккалалари ҳам йўқолган ўғилнинг топилишини ҳақдан тилаб, муҳтож кишиларни хушнуд қилиб, дард аҳдининг эса қўпини тинчитиб, таркидунё қилган сўфилардан, бечоралардан Мажнун учун дуолар олсалар, бу икки бечорага Худонинг раҳми келиб, уни топиб ота-онасига бергай...

Иттифоқо, ҳаж мавсуми эди, Каъбага бориш тараддудини кўрдилар.

Бир неча кун ўзлари ва бегоналар хўб қидириб, ниҳоят Мажнунни топиб келтирдилар. Унга ҳажга

¹ А р а ф о т – Макка шаҳри атрофидаги тоғ.

² А р а с о т – ғавғо, тўйполон, қиёмат.



бориш ниятини билдиришди, унинг кўнглига ҳам бу маъқул эди.

Худди ўтни манқалга солгандек, уни кажава ичига ўтиргиздилар. Ҳамма фурсатни фанимат билб, Каъбага қараб равона бўлдилар.

Каъбага, йўқ, йўқ, Каъбага эмас, арши аъзамга яқинлашдилар. Каъба ер устида фалакдан нишона берар ёки тупроқ устидаги осмондай эди.

Каъбанинг шарофатидан ер осмонга, у ер осмонининг устидаги аршга ўхшарди. Ер юзининг барча улуф ва кичик одамлари бу манзилга келиб, зиёрат қилдилар.

Ёки кўнглида Аллоҳдан бошқа ҳеч кими бўлмаган сўфиға ўхшарди.

Ёки ўша сўфининг чопон кийиб, ерда чўккараб ўтиргапига ўхшарди. Ўрнида қимирламай туриши кутб юлдузи атрофидаги майдо тошлар, майда юлдузлардир.

Бу кутб юлдузи эмас, балки зўр авлиёдирки, кўп авлиёлар киприклари билан унинг эшигини супурганлар.

Ҳеч ким у ердан қийинчилик хашагини топмайди, чунки уларни фаришталар қанотининг шамомли учирив кетган.

Фаришталар, унинг тепасида худди кечалари чарх урган кўршапалаклардек учиб юрадилар.

Унинг пойдевори сўздан маҳкам, кўзга ўхшаб қора мотам либоси кийган. Унинг зиёрати элга подшоҳлик сояси каби, атрофи эса, фалакнинг саждагоҳидир.

Каъбанинг бундай салобатини кўриб, Мажнунинг кўнглига ваҳималар тушди.

Ишқ уни ташвишларга солиб, ҳавас-шавқ кўнглига ўт ёқди. Кўз ёшларини ёғдириб, оҳ уриб чақиндек сакради.

У Каъбанинг теварагида, ер атрофида фалак айлангандек айлана бошлади. Юзи билан тошлар-



га зарҳал бериб, ҳалқа-ҳалқа кўз ёшларини оқизди; юзи билан у эшикни супурса, қўллари билан эшик ҳалқасини маҳкам ушлади.

Мажнун бу тутун билан фалак либосини ҳам Каъба тунидек қорайтириб юборди. У мотам тутган кишидек фарёд кўтариб, Каъбани азахонага айлантириди. Ундан сўнг, шундай деди:

– Эй, ҳукмига ҳоким бўлган доно ва қудратли ҳаким!

– Эй ишқ ўти билан жаҳонни ёндирган ва бу ишқ ўти билан мендек бечоранинг ҳам жонини куйдирган!

– Эй, у ўтни хирмонимга, хирмон ҳам эмас, балки жоним ва танимга урган!

– Эй, ишқни кимсага ҳамроҳ қилиб, айрилиқ ўтини лойиқ қўрган!

– Эй, бирорни ишққа кишанлаб, панд-насиҳатларни унга аччиқ қилган!

– Эй, ишқ билан унинг донфини чиқариб, болалар тошбўронига қолдирган!

– Эй, бирорни паричеҳра этиб, уни девонасига бемехр қилган! Эй, жонга ишқ оловини солиб, кўнгил садафига ишқ гавҳарини тўлдирган!

Мен ишқ дардидан шикаст еб, бугун қўл-оёғи боғланган бир асир бўлиб келдим.

Танимнинг ҳар бир томири ишққа банд, жонимнинг иплари эса ишқнинг каманди бўлибди. Баданимдаги асаб ва томирларнинг бўғинлари ишқ чилвирларининг тугунларидир.

Вужудимдаги чексиз доғлар ишқ ўтлари белгилариdir. Унинг ўти билан жоним тўла, жон нимаси – илик суякларим тўла.

Бу ишқ ўтини баён қилиш билан ҳалокат келтирувчи фамни ҳам аён этаман. Ишқ фамидан қутқариб, мени шодлантириб, демайман!



Аксинча, бу ўтни ҳар дам кўпайтирсангу сира кам қилмасанг, дейман! Кўзимга ишқ тўтиёсини сур, юрагимга ишқ кимиёсинисини¹ ур!

Кўнглим жилвагоҳи ишқ саҳнаси бўлсин, ишқ насимидан жонимни яйрат! Ишқ бўйидан нафасимни хушбўй эт, ишқ ўтидан юзимга ранг бер!

«Ишқ» сўзининг «айн» ҳарфини² бўйнимга ҳалқа ва «шин»ини кўнглимга шавқ шуъласи деб кирит.

«Коғини менга ғам тоғи эт-да, ғамини эса кўнглимта тоғ-тоғ қилиб орт.

Уч нуқтасини учқун айлаб, икки нуқтасини қаттиқ тошга айлантир.

У шуълага ҳар учқун керак бўлгани каби, бу ғам тоғига ҳам тош парчалари лозим.

Ўша учқунларни ҳам жонимга сол, тош парчаларини эса, бошимга ёғдир!

Эл менга юз шунча азоб берса ҳам қайтарма, минг шунча азобларга мени қондирма!

Кўнглимни ғам билан тўқ этгил, раббим: ишқ ичида мени йўқ этгил, Раббим!

Менга «Ишқни унутиб, Лайли ғамидан узоқдаш», деб ҳам айтадилар.

Ажабо, бу Нима деган сўз, Аллоҳ у кишиларни афв қиласин.

Ё раббим, бу лаззатли бодани талабим жомига кўпроқ қуй!

Вафо майдан менга қўша-қўша тут, токи ҳушимга ҳаргиз келмайин!

Лайлиниң ишқини танимда жон этиб, Лайлига бўлган ўтли эҳтиросимни юрагимда қон қил!

¹ К и м и ё – алкимёгарлар тасаввурига кўра, мўъжизали тош.

² Араб ҳарфлари билан ёзилган «ишқ» сўзидағи ҳарф номлари ҳалқа, шуъла ва тоққа ўхшатилган.



Эй, Аллоҳ, Лайли дардини нажотим айла, ёдидини эса ҳаётим айла! Бир лаҳза ҳам унинг хаёлини кўнглим уйидан чиқарма!

Ишқ ўти бўлмаган оловни менга насиб этма!
«Ёху»ларим унинг фамидан бўлмаса, ундаи оҳни мен девонанинг дамидан чиқарма!

Унинг хаёлини дардимга табиб эт! Васлини жонимга насиб эт!

Кўзимни Лайлидан ўзгасига туширма, унинг меҳрини менга абадий эт! Мен ҳаёт эканман, унинг ишқ савдосини танимда жондай сақла!

Бу нотавон танимдан жон чиқса, унинг ёди билангина жаҳондан чиқар! Марҳумлар тирила бошласа, менинг танимни Лайли маконининг ели билан тирилтири.

Абадий дўзахга тушиш менинг қисматим бўлса, уни Лайли ишқи ўтидан қизит! Манглайимда жаннатга тушиш битилган бўлса, унинг васл ҳарамини беҳиштим эт!

Усиз мени бир нафас ҳам яшатма, унингсиз тирик бўлсану нобуд қили!

Бу муножот уни шундай қизитиб юбордики, атрофдаги ҳожат аҳллари ҳайрон бўлиб қолдилар.

У сўйлар экан, теварагидаги гам асиrlари: «Омин!» дердилар.

Бечора отаси ҳушидан кетиб, қариндош-уруглари ҳайрон бўлиб қолдилар. Мажнуннинг бу фарёди, кўз ёши ва нолишини қўрган кишилар, ундан умид уздилар.

У ҳам дардли йиғисини тугатгач, яна ақл ва ҳушидан жудо бўлди. Охири бир неча бағри эзилганлар Мажнунни қўтариб, манзиллари талабида бўлдилар.

Эй, саодатли Каъбанинг зиёратчиси, марҳаматингдан бебаҳра қолмайин! Дуода бизни ҳам ёд этиб, бу ишқ ўтининг шуъласини яна ҳам ошир!



XXI

Мажнуннинг ваҳшатли элдан улфатлик ипини узгани биёбон ваҳший ҳайвонлари билан дўстлик йўлини тутган кийиклар билан Навфал ови оралигида қолгани; Навфалнинг висол ваъдаси сиртмогини унинг бўйнига соглани ва кийикларни озод қилиб, уни тутгани ва кўнглини овлагани

Бу ривоятни суриштирган баёнчи қиссани бундай давом эттиради:

Ҳаж зиёратидан ҳар ким ўз ватанига қараб қайта бошлади.

Мажнуннинг отасини абадий фам босиб, ўғлидан буткул умидини узди. Мажнунни сақлаш мумкин эмаслигини ва бу йўлдаги уринишларнинг натижа бермаслигини билгач, ҳамма уруғ-аймоқлари ва отаси ҳам маъюс ҳолда жаҳонни кўз ёшлари билан тўлдириб қайтдилар.

Девона Мажнун ҳам жадал қайтиб, тоғу биёбонларни кезиб юрди.

У ҳар кун бир тарафга кетиб, ҳар тун бир тоғ этагини макон тутар эди.

На туришга қарори ва на юришга ихтиёри бор эди. «Лайли» деган сўздан бошқа сўз айтишга майлазиз.

Тилдаги зикри ҳам Лайли, кўнглидаги фикри ҳам Лайли эди.

Қаёққа боқмасин, унинг кўзига Лайли жилваланарди.

Юзини хаёлида тасаввур этар, кўз олдида эса қомати гавдаланарди.

Бу иккисини у гўё сарв устидаги гул деб тасаввур қиласарди.

Мажнуи ҳам сарв олдига бошини қўяр, ҳам гул учун кўз ёши тўкарди.



У Лайли хаёлида ўйга чўмиб, юзларча дурдона байт ва ғазаллар айтар, уларнинг қофияси Лайли-нинг сифати бўлса, барча радифлари унинг исмидан иборат эди.

Фамгин ва шод кишилар унинг ғазалларини юз завқ ва севинчга тўлиб ёд олардилар.

Байтларнинг мазмуни оловли, назми димоғдан тутун чиқарар эди.

Унинг ҳар бир сўзи ичига шавқ ҳарфлари яши-ринган, ҳар ҳарффида ишқ сирлари сингдирилганди.

Мажнун назмлардан наво тузиб, эл орасига ҳай-ху ҳайқириқларини соларди.

Сўлғинларга жон киргизиб, маъюсларни ошиқу зор этарди.

У ҳушига келганда тоза дур сингари байтлар айтар, аммо ҳушидан кетганида телбалардек беҳуда сўзлар айтиш унинг одати эди.

Элнинг сўзига тушунмас ва ўзи ҳам нима деганини билмас эди. Кўнгли жунун фамида қолиб куйганидан, ўзи турли ҳолатларга тушарди.

Бир нафас ҳам ҳуши ўзига келмас, саҳро ваҳшийлари каби хуруш қила бошларди. Юзлари шапалоқ зарбидан кўкарган, аъзосида руҳдан асар қолмаганди. Гоҳо бу ҳолатидан ўзи ҳам ваҳимага тушиб, «Лаҳавла» дуосини ўқир эди.

Бу қўрқув изларини қўрқмас ишқ кўнглидан дарҳол ювиб, топ-тоза қиласарди. Овози тоғларда сабодек таралар, тани эса қумдаги қуруқ гиёҳдек бўлиб қолган эди.

Ёш болалардек фарёд қўтариб йифлар, лекин ота-онасини эсламасди. Балони ёру ошно қилиб, ёру ошнони соғинмас эди. Ичмоқ ва емоқни ҳам унугиб, фамдан озиқланар, жафо майини ичарди.

У кўз ёшларидек тинмас, жайрон каби одамлардан хуркиб қочарди. У нафс итлигидан кечиб, даштдаги кийиклар билан улфатлашди.



У қайси қумга қадам босмасин, бир дашт кийиги унга эргашар эди. Чор атрофини кийиклар ўраб олишар, бу бўлса ўртада чўпондек юарди. Баъзиларининг пешонасини ўпар, баъзиларининг сағрисини силарди.

Ҳар томонда қўриқчи итдек, йўқ-йўқ, янгишдим, чўпон итидек бўрилар кезар: уларнинг йўли бу даштга тушганида фифону зорлари кўкка етгудек унишарди.

Араб мамлакатида нодир, тиф ва ўқ отмоқقا моҳир бўлган Навфал исмли бир баҳодир бор эди. Араблар орасида яхшилик билан довруқ таратган бўлиб, бу ерлар ҳам унга қаарди.

Навфал ўша куни катта ҳавас билан овга чиқиш тараддудини қўрган; барча қабилалардан кишилар тўплаб, саҳрого от сурган эди. Мажнун бир пайт овчилар қуршовида қолди, унинг атрофига кийиклар гуж бўлди.

Кийиклар Навфал йигитларини қўриб, туш-тушдан Мажнун томонга югурдилар. Улар Мажнунга ялиниб, иложи борича унинг паноҳига сифиндилар.

Навфал файритабиий бу ҳолни қўргач, ҳайратда қолиб, мадори кетди. У йигитларидан сўради: «Бу гаройиб, қўнглимга ваҳм солаётган манзарани сиз ҳам кўряпсизми ё йўқми ёки менинг кўзимга шундай бўлиб кўриняптими?»

У кишиларнинг баъзилари Мажнун ишидан тўла воқиф эдилар. Улар Навфалга Мажнун ҳикоясини бошдан-оёқ сўзлаб бердилар.

Навфал ҳам бир вақтлар ишқ можаросини бошидан кечирган ва ғам даштида юргурган эди. У эса бу воқеадан хабардор бўлгач, зор йифлади ва ов қилишдан воз кечди.

У деди: «Ишқ – гавҳар, у кўз қамаштирувчи порлоқ нур. Ишқ кимни ғамга солса, унинг қалбини кирдан пок этади.



Шунинг учун ҳам одам билан дўстлашмайдиган ёввойи ҳайвонлар унингсиз саҳрода ором ололмайдилар. Ишқ унинг вужудини шундай эритибдики, унинг инсонлиги шунчалик йўқолибдики, ваҳшийлар ундан қўрқмайдилар.

Чунки ундан инсонлик кетганида, ваҳшат ҳам кетади».

Навфал кийикларга озор беришдан воз кечиб, йигитларга:

– Ўқ-ёйни ташланг! Итлигингижни дарҳол йўқотинг, итларингизни эса маҳкам боғланг! – деди.

Одамларига шундай деб буюриб, отдан тушди ва Мажнун тарафга қараб юрди. Мажнун Навфални қадрдонсимон кўриб, келганига хурсанд бўлди.

Навфални кўриб, ҳалиги ёввойи ва хонаки ҳайвонлар қочсалар-да, ҳуркак Мажнун қочмади. Навфал бориб салом берди. Мажнун унга эҳтиром кўрсатди. Мажнун деди:

– Эй муборак сиймо, чеҳрангда поклик нурини кўраман. Юзингда меҳр балқийди, эгнингда вафо нури жилваланади.

Сен бутун мақсадларингга эришгансан. Лекин бир нарса қизиқ кўриндики, ғофил кишилар каби ўқ отиб, ов гўшти билан қорин тўйғазиш истагига тушибсан.

Нафс севинчи учун шунча элни бошлаб, қон тўкишга кўнглинг майл этади. Бу озуққа эҳтиёжманд эмассан-ку? Нечун уларга озор берасан?

Шундай зулм билан уларни овқат қилишни сен ўзингга раво кўрасанми? Агар оёғингга тикан санчилса, оёғинг учун кўнглинг эзилади-ку.

Зулм ёйини тўғрилаб, ўқ отиб, жониворларни уришдан нима фойда?! Ҳақ буларга ҳам жон берабиб, ҳаётнинг гўзал нишоналарини бағишилади.

Энди бу ҳуркак ожизларнинг жонидан кеч, бу begunox галанинг қонини тўқма!



Навфал Мажнуннинг бундай дур сочувчи сўзлари-ни эшитиб, унинг олдида бош эгиб, ер ўпди ва деди:

– Эй фариштага ўхшаб, сифатинг одамга ўхшамаган! Бу сўзларингдан муродинг нималиги ни билдим; ҳар нима деган бўлсанг, барини қабул қилдим. Бу ҳуркак кийик сурувига урадиган қилич ва ўқларни ўз жонимга раво кўрайин. Энди сен ҳикояларингни айтиб бердинг, мендан ҳам бир ҳикоя эшиш.

Мажнун унга қулоқ солиб: «Эй соҳибжамол, айтгин», деди.

Навфал деди:

– Бу қўрқоқ ҳайвонларни азоблама, деб менга тўғри йўл кўрсатдинг. Бу сўзларинг ҳаловатини билдим; уларга бўлган адоваратни тарк қилдим.

Сен элдан айрилиб, булар билан ошна бўлибсан. Эл билан ортиқ улфатчилигинг йўқ: бу ахир одатга хилоф иш-ку?

Инсон ақл чироги, қолаверса бутун коинот кўзининг нуридан. Одамлардан қочиб, ҳайвонлар билан улфатдош бўлишинг ақл олдида сабабсиз кўринди; бу ҳолат менга жуда қизиқ туюлди.

Менга, бир гул юзли бунинг юрагига иштиёқ соглан, деб айтдилар. Агар шундай ҳодиса юз берган бўлса ва бу ишнинг сабаби шу бўлса, бу ҳуркак ҳайвонлардан қутулиб, мен билан кезиб, кунларингни шод кечир.

Бу ерда зору мубтало бўлиб, гам тузогига илинган экансан, мен қўлимдан келганча уриниб, уни сенга ёстиқдош қилайин. Агар пулу молга кўнмаса, аскар кучи билан ҳал этайин.

Ё тухфа, молу дунё билан, ёхуд роса зарб-зўрлик билан ишни тўғрилай.

Агар фалак менга мадад берса, бу иш қайси йўл билан бўлса ҳам, бу чигал тугунлардан сени қутқариб, мурод-мақсадингга етказай. Агар унга муяссар бўлинмаса, унинг ўрнига бошқаси ҳам бор:



сени ўзимга фарзанд этайин, миннатингни қўзим устига қўяйин.

Лекин сен бу ҳайвонлардан узоқлашиб, мен билан бирга бўл. Одам билан ҳайвонларнинг жинсдошлиги оз, фақат одам билан одам ҳамжинсдир.

Агар мақсадинг ёрга етишмоқ бўлса, гайрат керак.

Мажнун висол сўзини эшитгач, шавки бурунгидан ҳам зиёд бўлди. Шодлигидан беҳол бўлди, беҳолликдан эса тили сўзга келмай қолди.

Юз ҳаракат билан кўзида ёш, оғзида табассум билан деди:

– Сенинг айтган ҳамма сўзларингга жавобим бор эди. Висол сўзини айтишинг билан ўзимни унудим, уларнинг барчасидан йироқлашдим.

Бу берган ваъдаларингга вафо қилмасанг ҳам, юзим қўк отингнинг туёфи, бошим эса оёғи бўлсин.

Икки томон шундай меҳрибончилик билан қизғин қадрдонлашдилар. Буларнинг қадрдонлиги кўп курсандчиликка сабаб бўлди.

Навфал висолдан хушхабар бериб, Мажнунни ўз уйига олиб кетди.

Эй, айрилиқда жисми нотавон бўлган одам, жонинг васлнинг хушхабарларини топди! Ёрга етиш гарчи мушкул иш бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу хушхабар яхшидир.

XXII

Навфалнинг Лайли гавҳарни Мажнун шодаси тизимига тизиши учун гавҳардек сўзларни назм итига тизиб Лайли отасига юборгани; унинг сўз гавҳарини синдириб, алоқа итини узгани; Навфал лашкар тортиб, у ҳам адоват қўшинини тузгани ва ўч майдонига от суриб дов тилашганлари; фалак тадбири билан бир-бирига баравар келмоқлари ва хилват жойларни истеҳком қилиб тушганлари



Бу даштни босиб ўтган сайёх шундай афсона сўзлади: Навфал билан Мажнун бир-бирларига ёр бўлиб уйга равона бўлдилар.

Навфал ҳар қандай мушкул иш тушса, тўғри кенгаш берувчи бир неча доно кишиларни уйига чорлади. Бўлган ҳодисани бирма-бир айтиб, уларни Лайллининг отасиникига жўнатди.

Лайли отасига юборилган дарак шундай эди:

«Эй, баҳт ва толенинг ўйноқи отини ром қилган! Араблар ичида мислсиз ва илму ҳунарлари эл оғзига кўчиб, шуҳрат топган Қайс Лайлига пок ишқ боғлаб, унинг орзусида юрган эмиш.

Унинг ҳаддан зиёд ҳаёв ва хижолати ўз дардини айтишга қўймаганидан, у қавм-қариндошларини унугиб, ишқ кўйида даштни ўзига макон қилган эмиш. Ишқда шундай шайдо эканки, эл уни «Мажнун» дер эмиш.

У сенинг қабилангда ўқиб, оламдаги бутун илму ҳунарни ўрганган эмиш. Ўзинг ҳам унинг ишларидан хабардор бўлиб, доим уни мақтар экансан.

Унинг ишқقا мубтало бўлганини кўрган отаси нима фикр қилди экан? У сенинг фарзандинг бўлмаса ҳам фарзандингга монанд эди-ку?

Сен яна кишилардан унинг аҳволини сўрамасдан, бепарволик қилиб, уни ғамга асир этибсан; у бўлса гоҳ дашт, гоҳ тоғларга чиқиб кетибди. Ахир мурувват, одамгарчиллик ва саховат ҳам шунақа бўладими?

Ўтган ишга пушаймон қилмаслик керак, чунки у энди қайтиб келмайди. Мен даштда кезиб, уни топдим-да, ўзим билан уйимга олиб келдим.

Уни ўзимга дўст ва фарзанд этдим. Унинг аввалги комил ақл-ҳуши ўзига келди.

Энди илтимос ва талабим шуки, икковининг никоҳини қилиб, тўйини ўтказсак. Расм-одатларни кўз устига қўйиб, маҳрига жонни тиксак.



Тож устида дур – ҳар қандай нуқсондан холи.
Унинг ёнида лаъл бўлса, яна ҳам яхши.

Агар бу ишдан бўйин товласанг, кўнгил қолишдан қўрқишинг керак».

Навфал шу сўзларни тушунтириб, кўп тортиқлар билан элчиларни жўнатди. Лайлиниг отаси бундан огоҳ бўлгач, яқин кишиларини тўплаб, кўнгилдагидек маслаҳат қилди.

Хабар элтувчиларни ҳурмат билан қарши олди.
Улар Навфалнинг юборган дарагини айтишди.

Бу хабар Лайли отасининг қулоғига фоят қаттиқ текканидан газабидан бениҳоя тўлғанди. Ранжиб, шундай сўз бошлади:

– Тақдири азал шундай экан. Бу Чин санами ва Фархор¹ ойи ботимнинг гулимни, тиканими, ҳар ҳолда ўзга бир киши унинг маҳбуби ва дўсти бўлиб, унга насиб этади.

Алқисса, тақдир уни бошқа бирорга раво кўрди. Борди-ю, бундай бўлмагандан ҳам, менинг Навфал сўзига итоат этиб, амр қилган ишини бажаришга унча зарурат йўқ.

Айниқса, сўзининг бир қисмини умидворлик билан, бир қисмини ваҳима билан тўлдириб, умид билан кўнглимни хурсанд қилмоқчи-ю, ваҳимаси билан хотиримни паришон қилмоқчи бўлгани-я! Ҳисобсиз кишиларни ўзига асир этган у ой, ҳозир бирорга номзод этилган.

Агар у айтган сўзидан пушаймонлик тортса, у нари-ю, биз бери – тинч қолаверамиз. Агар борди-ю, у бу сўзларимдан қаноатланмаса, лутф-кўргазадими ёки қасд оладими, ихтиёри: лутф кўрсатса хотиржам ўтирамиз, ўч олмоқчи бўлса ҳам тайёрмиз.

У мабодо бизни «ўчимдан қўрқади» деб ўйла-масин. У уруш очса, биз юриш бошлаймиз, юриш бошласа – уруш очамиз!

¹ Ф а р х о р – қадимда гўзал қизлари билан машҳур Ўрта Осиёдаги шаҳар.



Гапни шу жойда тугатгач: «Боринг, сўзим шу эди», деди. Келган кишилар хижолат тортиб, Навфалга Лайли отасидан малоллик хабарини етказдилар.

Навфалга бу қисса маълум бўлгач, бу хабардаи жуда ғамга ботди. Мажнунга ваъда берган чофида шундай бўлишини билган эди. Бутун қабилалардан одамлар тўплаб, дарҳол урушга майл этди.

Мажнунни ҳам ўз ёнига олиб, у ўтни шамолдек чопқир отга миндирди. Унга яхши тўнлар кийгишиб, бошига салла ўратди.

Лекин Мажнун бу ишларнинг тагига етолмай,гоҳ нола қиласар, гоҳ оҳ тортар эди. От қаёққа борса ҳам индамас, тўхтаса юришга қистамайди.

Тайёр қилинган каллакесар аскарларнинг ҳаммаси ҳам қонга ташна эдилар. Мажнуннинг ишини ҳал қилиш учун Навфал бутун кучни Лайли қабиласига сурди.

Улар ҳам бу воқеадан хабардор бўлишгач, дарҳол қаршилик кўрсатишга қарор қилигади. Ҳар томонга одам чоптириб, эл тўпладилар, ғазаб билан маҳкам бел боғладилар.

Ўша ондаёқ душман билан юзма-юз бўлиб, файрат билан саф тортдилар. Буларнинг бундай қаҳр ва ғазабларини фалак ҳам англаб ҳар дам оваринлар ўқиди.

Навфалнинг аскарлари ҳам саф чекиб, маст туялар каби оғзидан кўпиклар сочарди.

Бу икки қон тўкувчи қўшин, шу тарзда даҳшат билан ўлим бозорини қизитиш учун бир-бирларига яқинлашдилар. Отлар шамоли жанг майдонини супуриб, шавқат ва марҳамат гиёҳларини совирди.

Худди баҳор ёмғири қўйгандек, майдонга ўқлар ёғилди. Даштдаги барча от ва туялар ҳам қуюн каби тўс-тўполон ичиди қолди.

Айлантириб урилган найзалар боши янчилган илон каби буралиб кўринарди. Найзаларнинг дастаси офтоб доирасидек эгилиб кетди.



Учи бўлса, тол баргидек эди. Кескир қиличлар элни ҳалок этар, устараадек бош олар. Бу ўткир қиличлар покидек тез бўлиб, соч ўрнига бош қирқарди.

Ўқ қушлари ҳавога учиб, балога йўл кўрсатиб бораар эди. Ўқ қушлари қанотини ёзганда, ёвнинг танидан ҳаёти учиб кетар эди.

Кўкка қараб учган камон ўқлари бахтсизлик келтирувчи юзларча юлдузлардек барчани ўлдирап эди. Ҳар танага ажал ўтини ёққандা умр юлдизи бардош беролмай ботар эди.

Ҳар томондан кўтарилган учар юлдузга ўхшаган ёлқинли қилич ва ханжарлар зарб билан урилар. Бу қилич ва ханжарлар совут кўйлаклардан худди ҳарир шоҳидан ўтган игналардай ўтарди.

Ханжар доимо ўзини тилга ўхшатса-да, қон тўкиш уни қизил тилга айлантиради. Унинг иши доимо эл бағрини тешиб, ярадор қилмоқ ва зиён етказмоқдир.

Гурзи ҳалқнинг бошини чақади, ҳар вақт элнинг миясида ўшанинг разфоси. Ногоҳ у бошга тушса, бош косалари унинг филофи бўлар эди.

Кўшни булути наъра тортиб кирди; бу булатнинг чақмоги эса кескир тифлар эди. У бало булути бўлса, бу оғат чақмогидир; бутун олам шулардан оғатга гарқ бўлади.

Шамол булатларни ҳайдаганидек, буларни остларидаги ваҳшатли отлар суришарди. Тезликда яшиндек, қайтишда эса отлари чакиндек ялтирайди.

Отлиқлар жанг кунидаги Рустамдек ўлдиришга киришганлар. Ҳар бир мутаассиб араб душманлик ўтини қизитиб, ўч шуъласини равшан ёндирган.

Унинг алангаси кўкка туташ; дарё суви ҳам уни пасайтиrolmas эди. Мана шу зайдаги икки қотил қўшин бир-бирига дуч келишди.

Навфал аскарлари кўпроқ ва қаҳрининг ўти ёлқинроқ эди.



Душманлари бу шуъла иссиқдигини кўриб, ярашиш йўлини истардилар. Бу ишдан элга офат қўрқинчи бўлгани учун, бир-бирларига тездан мойил бўлдилар.

Ўша куни кун кеч бўлиб, бирор томонга шикаст ҳам етмади. Навфал ҳам хурсандчиллик билан қайтиб, аскарларини маҳкам бир жойга туширди.

Ҳар икки қўшин тинчланди, улар орасидаги адовар ҳам тўхтади. Қоронфилик соя соглаш, юлдузлар шу қўшиннинг кузатувчиси бўлиб чиқа бошлиди.

Чин шоҳи – қуёш ўз тахтини тарқ этди. Ер юзи ни эса қоронфилик босди. Ҳар икки томоннинг келишуви маълум бўлди ва бир қарорга келдилар.

Кузатувчилар: «Эртага нима бўлар экан?» деб айланиб юрар эдилар.

Эй, ишқ элининг қиличбозлари, менга ҳам ғам қўшинининг зўри тушди. Менга май тут, бир нафас хурсанд бўлайин-да, у қўшин томон бошяланг чопайин.

XXIII

Лайлининг отаси ўз кишиларини Навфал лашкари қошида кучсиз кўриб, душманга тортгаи тигини ўз жигарига урмоқчи бўлгани; яъни Лайли қонини оқизай дегани; у қуёшини Мажнун тушида кўриб, ботишдан сақлагани ва мотамзада тундек Навфал олдида кўз ёшлари юлдузларини оқизгани ва Навфалнинг ўти пасайиб қайтгани

Тил найзаларини узатган ёзувчи, қалам жиловини шундай бурди:

Ўша куни уруш тўхтатилгач, аскарлар бир жойга қўниб, ётишга тутиндилар.

Урушқоқ Навфалнинг голиб келишидан душманни ваҳимага тушар эди. Лайлининг отаси ўз эли-



нинг кучсизлигини кўриб, чора ахтариш учун белини маҳкам боғлади.

Тездан ўз уруғининг бошлиқларини чақириб, улар билан кенгаш ясади. Кўп гап-сўзлар билан бу можаро жуда чўзилди.

Охири гапни қисқа қилиб, бундай деди:

– Худо кўрсатмасин, бизнинг одамлар қочиб, Навфалга фатҳ кўмак бераб, у саройимга от солдирса, амирлардек ҳукмини юргизиб, Лайлини асир этиб, қўлга олади.

Бундай ачинарли ҳол қабилам бошига тушаркан, ору номусим қаро ер билан яксон бўлади. У вақтда ишим бир бало бўлиб ё ўлишга, ё ватандан кетишга тўғри келади.

У чоқ араблар ичида бош кўтаргандан кўра, қаро ерга кирмоқ афзалроқ бўлади. Бундай кўнгилсиз, аянч аҳволга тушгандан кўра, шундай фикрни қилмоқ яхшироқдир: эртага Лайлини топиб, бир дамда ишини тамомлай; ўқ игнаси билан либосини тикиб, ханжар сувидан хиносини эзайин. Унинг ниҳол қаддини тупроққа кўмайин-да, ҳилолдек қошини ерга киргизай!

Гарчи, у кўзимнинг чироги бўлиб, жоним гуркираган боғи бўлса ҳам, офат елидан чирофим ўчиб, боғим хазон ва торож этилса, душман мақсадига этиб, номусим барбод бўлгандан кўра, бу яхшироқ!

У шундай деб сўзини тамомлагач, барчалари таҳсин айтишиб, хурсанд бўлдилар. Навфалнинг қўли баланд келган эди. Аскарлари ҳам юрак ютиб турарди.

Мажнун эса ажойиб бир ҳолда қолиб, гоҳ завқча тўлар, гоҳ мусибат тортар эди. У ёрининг васлини эслаб: кўнгли умидворлик билан шодланар эди.



Лекин ёри томонининг мағлуб бўлиши унинг кўнглини тобора бузар эди. Ошиқдик иши ожизлик, кулфат чоҳига бош тубан тушишдан иборатдир.

Бу қайгулар бедил Мажнунни талвасага туширгач, баҳт келиб унинг кўзига уйқу солди.

У тушида нигори зебони бошдан оёғигача гоят ҳарир ипак кийимларга ўралган ҳолда келаётганини кўрди. Йўқ, у нигори эмас, гул юзли сарв, сарв ҳам эмас, гул ҳам эмас, балки қуёшнинг ҳам рашикини қелтирувчи париваш эди.

У кўз чашмасининг беғубор суви эди. Жон гулшанида етилган ниҳолга ўхшар эди. Латофат саҳросининг лоласи, йўқ, балки хуш исли кийигидир.

Малоҳат дарёсининг гавҳари, гавҳар ҳам эмас, балки қуёшнинг аксиdir. Кўз қорачифидек кўнгилга ёқимлидирки, доимо ёши тўкилар.

Ҳажр ўтида оламни ёндирувчи бир шамдирки, ҳамма вақт иши куйиш ва ёнишдан иборат. Кўз ёшини яширган тонгга ўхшашдирки, меҳр гулидан дам урар.

Унинг сабрини кўз ёшининг сели оқизган: яъни у ою куннинг рашикини келтирган Лайли эди. Унинг оғзида иштиёқ оҳи, товушида фироқ ноласи бор эди.

Лайли яқинлашгач, алифдек қоматини эгиб, дол қилиб, дарҳол Мажнун оёғини ўпди. Сўнгра қулоқлашга мойил бўлиб, қўлини Мажнуннинг бўйнига солди.

Деди: «Эй жондан азиз дўстим, йўқ-йўқ, балки абадий қадрдоним. Сенинг ишқингдан отам мени ажратмоқчи бўлди, барча эл ҳам у билан иттифоқ бўлиб, эртага мени ўлдирмоқчи ва қоним билан ерни бўямоқчилар.



Қүёшімга завол келтириб, қонимни эса шафақ мисол қилмоқчилар. Қоним билан қүёшім шафақранг бўлса, мени ерга кўмадилар.

Сенинг ишқингда қурбон бўлиш менинг мақсадим эди. Даврон мақсадимга етказди.

Барча истакларимни муҳайё қилди. Ишқингда ҳарна орзу қилган бўлсам: ҳаммасига ҳам эришдим.

Менинг олдимга ажаб йўл тўғри келди, энди сен яхши қол ва омон бўл!»

Шу сўзлар билан кўзидан дарёдек ёш оқизиб, девонаси билан видолашди. У ой Мажнунга бу сўзларни айтгач:

Мажнун ҳам «Вой!» деб сесканди. Бу товушдан эл кўзидан уйқу учиб: «Нима бўлди экан?» деб, ҳайратга тушдилар.

Мажнун мотамзадалар каби ҳўнграб: кўз ёшларидек Навфал томон югурди. Етгач ер ўпиб, сўзга тушди:

– Эй душманга голиб келиб, устунлик қозонган: Аллоҳ ҳаққи ортиқ тиф тортмагин.

Гинани қўй, уруш қилмагин тайёр!

Тифинг кўнгилни тешиб, унинг уруши эса, жонимга қасд этади. Эртага яна уруш бошлама, ҳаётим пайвандини узмагин ахир!

Ўч ёйини қўлингдан йўқот, токи жонимга ўқ тегмасин!

Навфал бу ишининг одатга хилоф эканини билиб, ҳайратга тушиб суриштирди. Мажнун ўз аҳволини билдиргач, Навфал эшитиб фамга тушди. «Бу воқеа балки чиндир:

Мажнуннинг туши шубҳасиз тўғридир», деб ўйлади. Навфал Мажнун кўнглининг поклигини, балки ойнаи жаҳоннамо эканлигини анлаган эди.

У ойнаи жаҳоннамода фақат тўғрилик жамолни нийг жилvasигина кўринади.



Араб туни мусофиirlарча отларини хайлхона-
ларга туширди. Кўк сабзазорига юлдузлар гўзал,
яъни қуёш бемалол чодирини тикди.

Бу хабарни эшитган барча эл, унинг сўзини маъ-
қул деб билдилар. У санамга зиён-заҳмат етмасин,
деб Навфал ўз саройига тезлиқда жўнаб кетди.

Уруш ғалаба билан тугагач, Мажнун ҳам дашт
томон жўнади.

Эй менинг яқин ҳамдамим! Юз минг офарин-
ларга сазоворсан.

Агар мени бошинг ҳаққи учун шу ғамлардан
кутқариб, севинтирсанг, банданг бўлар эдим.

XXIV

*Мажнуннинг Навфалдан айрилгани ва елоёқ оти-
ни шамолдек сурисиб, биёбонга йўл олгани; Зайдга йў-
лиқиб, аҳволини маълум қилгани ва унга етган бе-
додликдан бунинг ҳам кўнглига алам етгани; унга
таскин бермоқ учун ўзининг ҳамма нарсасини топ-
шириб, Лайли қабиласи кўчган ерга кетгани*

Бу саҳифаларга нақш берувчи наққош сўзни
бундай ёзади:

Вафодор Навфал қайтиб кетгандан сўнг, Лайли-
нинг эли ўйга тушиб қолди. Чунки Навфалнинг бу
иши уларга қизиқ туюлди.

Қайтишининг сабабини билолмадилар. «У ҳий-
ла қилаётир. Бизни фафлатда қолдириб бошимизга
етади», деган ваҳимага тугадилар.

Ҳажга кетаётган қўчли карвонлардек, улар ҳам
даштдан кўча бошладилар. Бутун мол-давлатлари-
ни ортишиб, бошқа бир манзилга жойлашдилар.

У – толеи баланд, душманига голиб келган, баҳ-
тининг шамъи ўта шўълаланган, уй ва рўзгорлари-



ни күйдирған, иқбол оти чаққонлик билан сакраган, лекин ўзини тупроққа ташлаган.

Бахтининг чаманида битган гул ҳидидан бошига дардлар йифилган, яъни кўнгли ҳурккан Мажнун оромсиз кетиб борар эди. Замонасидан баҳтисизликка учраган бир дардмандга ногоҳ йўлиқди.

Мажнун унинг юзида ғам белгиларини кўргач, қайғуга тушиб сўради:

– Фалак бошингга нималар солди? Сени ким бундай мушкул аҳволга мубтало қилди? Нима учун сен мендек ғамга ботгансан, худо ҳаққи, аҳволингга нима бўлди? Айт!

У, дард билан тўлган ғамгин киши, оҳ тортиб, бундай деди:

– Эй жўмард! Мен араблар ичида хўрланган, бедавлат бир баҳти қаро одамман.

Менинг ожиз ва бенаволигим шу даражадаки, кунларимни тиланчилик билан ўтказаман.

Лайли саройи – менинг паноҳим. Ҳай тупроғи эса – менинг суюнчигимдир. У қабила одамлари мени «Зайд» деб чақирадилар.

Ўзим эса аёлманд бир кишиман. Шу вақт На-вфал деган жафокор, Мажнунга дўст бўлиб, унинг хизматиии бажариб, яраш йўлини тўсди-да, Лайли элига қўшин тортди.

Орадан ҳеч иш бўлмай, яна манзилига қайтди. Лайли эли эса, элни ғафлатда қолдириб, ногоҳ етиб келар-да, яна истаганича ўлдирап, ёндирап, деб ваҳимага тушдилар.

Иш қўлдан кетгандан кейин юз тадбир қиласанг ҳам фойда бермайди.

Душман олдида шодлик қилиш журъатдандир. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак.

Бу сўзга маҳлиё бўлишиб, халқни бир пана жойга кўчиришга тушдилар. Қабила аҳли кечаси йўлга тушдилар, тун эса оламга зулмат сочар эди.



Мен эсам кўчувчи элдан кўзимни олдим, натижада кўз очиб-юмгунча адашиб қолдим. Улар манзилга жойланибдилар; мен эса бошқа томонга кетибман.

Куёш тонг йўлини ёритган чоғда, икки тuya минган киши йўлимни тўсди. Навфал қўшинларини тарқатиб юборганидан сўнг, булар ҳам ўз уйларига қайтиб кетишаётган экан.

Улардан бирор пана ерга қочиб қутулмоқ менга қийин эди. Халтамда бўлган озиқ-овқатларимни ва икки-уч танга пулимни ҳам, бошқа бор-йўғими ни ҳам тортиб олдилар.

Буниси ҳам унчалик эмас эди-я, улар мени қамчиладилар! «Пулингни нима қилдинг, айт, кўмган жойингни кўрсат!» деб урдилар.

Баданларимни тилка-тилка қилиб юбордилар. Охири ҳеч нарса тополмагач, мени қўйиб, улар ўз йўлларига жўнадилар.

Мен эса фурсатни ғанимат билиб, бу тарафга юришга ошиқдим; энди эса сенга йўлиқдим. Сен ҳам агар ўшалардан – сахрода одам таловчилардан бўлсанг, билки, киссамда пулдан дарак ҳам йўқ; керак бўлса фақат жоним бор.

Мажнун бу можарони эшитиб, отдан тушиб, уни қучоқлади.

Йифлаб, деди:

– Эй мажруҳ дўст! Сенга жонимни фидо қилсам бўлмайдими?

Жоним баданингга шифо бўлсин. Бошим қадамингга фидо бўлсин.

Навфал эли томонидан шундай ҳодисалар қилиниб, бунга сабабчи Мажнун бўлса, ўша сен айтган баҳти қаро Мажнун мен бўламан; қўлингга тиф олда, қўнглинг тилаганини қил.

Жисмимни истаганингча яралаб, кўнглимни ҳам пора-пора эт. Бу ишдан қўрқма; мен хижолатдаман, ҳар нарса қилсанг ҳам розиман.



Оlam элидан номусга қоламан деб мени ўлдир-
масанг, ўғирлатган пулларинг эвазига отимни ол,
олдирган нарсаларинг ўрнига, мана бу нарсалар-
нимни ол, – деб барча кийгани кийимларини ечди.

Ва ҳаммасини унинг олдига қўйди; учқур оти-
ни, қалқон, қилич ва ўқ-ёйини ҳам унинг олдига
қўйди.

Сўнг унинг кўнглини кўтариб ва кечиримлар
сўраб, оёғини ўпди. Деди:

– Агар қайтишинг-да яна Лайли саройига бор-
санг, саломимни етказгин, деб қайси тил билан айт-
тайин; ёхуд шундай-шундай хабаримни айт, деб
қандай айта оламан.

Мен шундай қаттиқ хижолатда ва шу даражада
қийин аҳволда қолдимки, буни сўз билан айтиш
эмас, ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Бу бало даштида сен йўл кўрсатувчи бўлдинг,
сенга шундай илтимосларим бор: Ёр қабиласини
излаб қайси томонга кетган бўлса ҳам етиб олгин,
у макондан ҳаргиз юзингни ўтирма; бошингни ҳам
у остоидан олма.

Жисмингни унинг эшигида гард этиб, шукро-
насига жонингни ҳам садақа қил. Жон беришга
кўнглинг кўнмаса, менда жон билан кўнгил бор.

Ҳар иккисини сенга топшириб, танимни ту-
проққа яширайин. Сен эса жонимни эшиги таги-
да оёқости қил, кўнглимни ити олдига ташла!

Бу сўзлар Мажнуннинг ўзини ҳаяжонга солиб,
эшитувчини ҳайратда қолдирди. Зайд Мажнунни
таниб, унинг сўзларини англагач, ер ўпиб, ҳурмат
қилди. Деди:

– Эй ишқ оятига сингиб кетган замонанинг яго-
наси! У ҳажр тунининг умид тонги, йўқ, балки аба-
дий қуёши, жамоли саодат осмонидан чиқадиган,
покизалик пардалари юзига ниқоб бўлган.



Лайли, сенинг фамингда шундай нотавонки, сўзи элга достондир. Оғзида сенинг сифатларинг, кўнглида эса хаёлинг жилваланади.

Сен бирор нарса десанг, мен унга етказиб, хабарингни айтсан. Бу хушхабар унга жондан ҳам ортиқ, балки деганларимдан ортиқ тушар. Менга раҳминг келиб, шунчалик нарсаларни бағишлидинг.

Унга мен сенинг хабарингни етказсан, у ҳам менга икки шунча нарсалар беради. Айтган сўзларингни унга етказаман, агар буюрса, жавобини ҳам келтираман.

Икки дилором ҳам муродига етади ва ўртада мен ҳам мақсадимга етишаман.

Мажнун деди:

– Эй, менинг айрилмас дўстим! Жон бағишивчи нафасинг яраларимга малҳамдир.

Унинг ҳижрони менинг тилимни лол этиб, сўзлашни ҳам маҳол қилиб қўйган. Ниҳоят, менинг ишимни сўрадииг, аҳволимнинг қандай эканлигини ўзинг кўрдинг. Мен бир дардманд, жудолик дардига тушганлигимни ва ким эканлигимни билдинг.

Сен шундай дўстлик қилаётисан, ҳар нарса десанг ҳам ўзинг биласан? Энди вафо расми сенинг шиоринг бўлсин! Бор энди, Худо ёринг бўлсин!

Зайд худди фалакнинг учар отига мингандек, учар юлдузга ўхшаш отини сурди. Зайд тездан қабила томон от чоптирди.

Мажнун ҳам қайтиб кетди. Мажнун жон-жаҳди билан Лайли қабиласи кўчиб кетган ергача югуриб борди.

Эй, ёр манзилининг насими, сенинг нафасинг жон атрини сочади! Ўша атирдан бехуд бўлдим, жонондан хабар бергин, йўқса ўлдим!



XXV

Қуёши чашмаси саратон буржида макон топиб, ҳарорат зўрлигидан ҳаво гумбазий сардобаларида ва ўт тош хужайраларида яширинганида Мажнуннинг ўтдек изтироб ва шамолдек шитоб билан Лайли ҳашами ўрнига келиб, қўйтир итни кўргани ва ит ўз ошинасига ялингандек, итга ялингани; элдан ҳайратангиз хитоб эшишиб, ваҳшатомуз жавоб бергани; ўша ит қошидан кийиклар сұхбатига етгани; унинг мушкин оҳусидан мушк сочувчи хабар етказган

Бу майдонда тинмай югурган киши, сўз майдонида шундай ўйнайди:

Мажнун Лайлининг даманига¹ етганда, осмон қўёши ҳам сайдр этарди. Ёз фаслиниң туш чори бўлиб, жавзо ойининг энг жазира мақоми келган эди.

Кун ўз ҳарорати билан жонга ҳалокат келтирад, Лайли каби жаҳонга ўт соларди. Ҳар бир эсган ҳароратли шамол, Мажнун нафасидек жароҳатловчи эди.

Мажнун қум устида оёғи куйганидан, қуюн тагида тинмай югурад, осмондаги барча юлдузлар ҳам қўёшнинг ҳароратидан ернинг соясига яширинган эдилар.

Кўкнинг қам ҳарорати ошиб, бутун танига шафақлардан ўт туташиб кетган эди. Кимки тоғдан нишона истаса, уни бир тўда қизиган кул тасаввур қиласар эди.

Тоғ ичидаги гавҳарлар кул ичига кўмилган чўфдек кўринар эди. Иссиқ ҳаво дарёга ҳам тоб солган, унинг иссиқдан тўлғаниши эса ўзига гирдоб бўларди.

¹ Д а м а н – одамлар яшаб, ташлаб кетган жой. Бу ерда Лайли яшаган чодир ўрни, унинг излари.



Дарёда юзаётган ўрдакнинг оёқларини сувнинг қайнаши илвиратиб юборар эди. Сувнинг иссиқлигидан қутулиш учун оёқларини парда ичига олган эди.

Кўк ипни ҳароратли табиат қандай оқартириб юборса, пурнур қуёш экинларни ҳам шундай қовжиратиб юборган эди. Буғдойлар қовурилган нўхатлар каби ёрилиб бошоқларидан ажралиб кетган эдилар.

Хирмондаги каклик, қирғовул ва тустовуқлар ернинг қайноқ қозонидан қовурмоч тергандек бўлардилар.

Ўргамчи бўлса шувоқقا парда солиб, шу парда ичидаги соялаб ётарди. Асад ойи бошланиб, итларнинг тили ергача осилиб қолган эди.

Қуртларни ҳам иссиқ куйдирганидан ҳўл мевалар орасига яширинган эдилар. Қуёш меваларни фўрлигига ёқ қуритиб қўйган эди.

Кўллар туви сувни тамом шимиб олган, сувсизликдан тани тарс-тарс ёрилиб кетган эди.

Ҳажр билан кўнгли бурдаланган, ғам билан жони куйган Мажнун, ногоҳ у ерга етдиким, қабиля ундан кўчиб кетган эди. Ақл ва ҳушдан бегона ҳолда у даманин кўп айланди.

Ерда нишоналар қолдириб, бутун хонадонлар у ердан кўчиб кетган эдилар. Унда-бунда қолган уй ўрнин кўриб, юзи билан остоналарини супурди.

Айланиб юриб, тасодифан ўша санамнинг уйи жойлашган ерга етди. Кўнглига оловлар шундай туташдикни, вужуд мулкини вайрон қилди.

Ҳам жисмига, ҳам кўнглига изтироб тушди. Хусусан, кўнгил уйини безагувчи ишқ, унинг кўнглига бу даман ёр мақомидир, тупроғи эса жонига ватандир деган бир роз солди.



Унинг димоғи дилбар исини топгач, юрагидаги ишқұ дөғи янгиланди. Кўнглини ғам яна топтади, жони бесаранжомликка тушди.

Кўнглидаги ишқнинг қўзғолони, жаҳонни ҳам пинҳона қўзғаб юборгандек бўлди. Унинг бу ўти бир лаҳза таскин топгач, у фариб мискин яна ўрнидан турди. Қадам-бақадам манзил тупроғига юзи ни қўйиб, ҳар қадамда саждалар қилди.

Жонон уйининг ўрнини топгач, жонининг пардаси билан уни ёпди. Киприклари билан ерини су-пуриб, тупроғини қўzlари орасига яширди.

Бало туйнугини беркитиш учун кўз ёшлари билан лой қилди. Таңдир ичига кириб, бирпас ётди-да, ўтлик дами билан уни қизитди.

Кулларини қўзига сурмадек тортиб, кўз уйини сурмадек қорайтирди. Сўнгра оҳурга қадам қўйиб, сомон парчасидек бир нафас ором олди.

Томидан териб олган ҳар бир донадан кўнглига муҳаббат уругини экди. Ўз оҳидан бирдан куйган кигиз парчаларини бошидаги ярасига маҳкам боғлади.

Ҳар томонга оҳ уриб, югуриб юрган вақтда, но-гоҳ бир қўтириб итни учратди. Терисидаги яралардан гўшти қочган, қашишдан аъзоси қизариб кетган эди.

Ҳам оғзи-бурнидан суви оққан, ҳам жисми бўғин-бўғинидан айрилган. Томирларидан қон қочиб, териси суюкларига ёпишиб кетган эди.

Аъзосида унда-мунда бир тук, у ҳам унга бир оғир юк бўлиб, юришга ҳам мажоли қолмаган эди, ҳатто қуйругининг юкини ҳам қўтаришга ожиз эди. Лаблари бир-бирига ёпишмаганидан, тишлиари иржайиб, гўё ўз ҳолига кулгандек бўлар эди.

Ўз аъзосига қарашга уялганидан, қўzlари чуқур тортиб кетган эди. Оғзидан чиққан нафаси, азоб-уқубат насимидир.



Букик думи эса мәжнат мимнинг¹ думидир. Бадани илма-тешик бўлиб, шу тешик тан унга тан хизматини ўтар эди.

Яралари ичida қуртлар қайнашар, у яралар қуртлар учун ҳам юрт, ҳам озиқдир. Қуртлар унинг ярасини кавлаб юборганидан тили билан ялаганда унга малҳамдек туюларди.

Итнинг ҳар нафас ўша қуртларга тил теккизиши, худди душманга қарши қаҳр-газаб сочмоқдек эди. Қонли жасадига қўнган зоғлар лолага тушган доғларга ўхшарди.

Ярага ёпишган чивинлардек уларнинг учиб-қўнишлари янги яралар пайдо қиласарди. Пашибаларни қўригани мажоли йўғу, қушларни қувишга қандай кучи етсин?

Мажнун бу аянч аҳволин қўриб, паришон ҳолга тушди ва кўнгли бадтарроқ бузилди.

Итга раҳми келиб, тўдага сари ёлбора бошлади.

«Эй менинг бошимга тож бўлганлар, кийган кийимлари ва рангу бўйлари муборак! Бошимдаги юзларча яраларнинг нишоналари ҳар бирингиз учун ошиёндир.

Оҳларим зарбидан пора бўлган кўнглимнинг тешиклари ҳар бирингиз учун ватандир. Бу харобага келиб жойлашинг, чунки мен жабру жафо чекувчи кишиман. Кўзларимни чўқинг, танимни тишланг, унинг кўз ва танини кўйинг!

Агар шу ожиз итда қасдингиз бўлса, мен ҳам бир заиф итман».

Бу ялиниш-ёлворишлиар қушларнинг парвойига келмаганини кўриб, овозининг борича ваҳшат солиб бақирди, қушлар бундан чўчиб, учиб кетдилар.

¹ М и м – бу ерда арабча «мим» ҳарфини шаклини келтиришдан мақсад, унинг қўйруққа ўхшаши ва мәжнат (яъни азобу уқубат)нинг биринчи ҳарфи ишорадир.



Ит олдига келиб, унинг гоҳ товонини, гоҳ нотавон гавдасини ўпди. Унинг танида кўпгина яраларини кўргач, ўз кўйлагини ҳам парча-парча қилиб, йиртиб олди-да, у пора-пора бўлган танининг яраларидан чиққан қонларни тозалади.

Танидаги қонларни артгач, яраларини маҳкам боғлаб қўйди. Ўз кўйлагини унга кийгазди ва у кўйлакка қонли ёшларидан гуллар солди.

Итнинг яраларини боғлаб бўлғач, юз дард билан мунгли куйлади:

«Эй муҳаббат, вафо билан яратилган, кулфатларга тўлган жонивор! Бир вақтлар танинг соғлом ва кўнглинг шодлик, қувват билан тўлган эди.

Кечалари кўршапалаклардек уйғоқ эдинг ва қоровуллар сенинг ҳуշёргингдан бемалол қўкнори ичиб ётардилар. Ваҳиманг билан бўрининг кўзи жавдирар, ҳар тун унинг танига кўзинг олов соларди.

Чангларингга қоплоннинг кўзи тушган чоқда, фуссадан бошдан-оёқ доф (хол-хол) бўлиб қоларди. Йўлбарс ҳам сенинг олдингда ўлик ҳайвондек, тирноғинг зарбидан унинг танида чизиқлар бўларди.

Сенинг отилиб сапчишингдан йўлбарслар ҳам ваҳимага тушиб, хижолат тортиб, кўзини юмардилар. Кафтларинг тушган ерни эл насрин гули ва изларини Ҳулкар деб англардилар.

Шоҳларнинг жилови бошинг узра эди. Гоҳ ғазаб билан ириллаб, гоҳ кўк шер каби ҳайқирадинг.

Энди эса шундай аҳволга тушиб, ночорликда қолибсан. Сендан эл нафратланса, мен учун сухбатингдир фахр.

Бир куни унинг кўчасида хуриб, итлар билан тўс-тўполон қўпорар эдинг. Кечалари эса фифон тортиб, унинг эшигида посбонлик қиласарди.



Нега энди бир кун келиб, вафо учун бошингга тушар суяқ? Нечун бир сенга лутғ этиб, бўйнингга қалода боғлади?

Жоним танларингга қурбон бўлсин, тишларингдан бағрим тешисин! Илоҳо фалак сенинг барча азоб-уқубатларини даф этсин.

Аввалгида ҳам чаққон, илгаригида ҳам соғломроқ бўлгин. Баҳт сенга яна йўлдош бўлиб, у эшикка яна маҳрам бўлсанг, ўзингни бегона олиб, мен хастани ҳам унутмагин.

Жонимни ўша тарафга олиб бориб, кўчасининг тупроғига бағишла. Итлар билан қувишиб юрганингда, номимдан ҳар бири қошида тиз чўккин.

Унинг қўчасида суяқ кемириб, озиқданаётган вақтингда, мен заифнинг жисмини ҳам ёд этгин.

Агар баҳт ёр бўлиб, жононнинг ҳарамига йўл топсанг, давлатлилар ўша остонадан сени қувмасалар ва ҳеч бир кимса «кет!» демаса, кечаси ўша ҳарам паноҳинг, ётоғинг даҳлизи ичида бўлганда, ётиб, иягингни оёғингта тираб, тумшуғингни ўша эшикка қўйганингда, ҳеч кимга сездирмай, мен учун ўша эшикни ўп».

Мажнун унинг оғзига кўзини суртиб деди: «Босган изларининг тупроғини ўпиб қўй. Тирноғинг билан менинг икки кўзимни ўй-да, босмоқчи бўлган қадамларининг ўрнига қўй».

Шундай сўзларни бирма-бир айтиб турган чоқда, йўловчилар кўриб қолдилар. Уни таниганлар жуда ғамгин бўлишиб, қўнгиллари бузилиб зор-зор йигладилар.

Танимаганлар эса Мажнуннинг аҳволидан ҳайратга тушиб, ўзгардилар. Бир куйган орадан чиқди ва бу можародан кўнгли эзилиб сўради:

«Эй ишқ ичида чўғ бўлган, йўқ, балки самандар бўлган! Баданинг шу ўтдан ясалиб, бағринг шу ўтдан таркиб топган.



Зотинг ўт билан йўғрилгандир, – сени фаришта десалар ажабланарлик эмас. Сифатларинг ҳам фариштага ўхшайди, зотинг ҳам малаксифат экан.

Нега ит билан улфатсан, ит билан малак орасида қандай муносабат бор? Итга манзил бўлган ҳар қандай уйга малак тушмайди-ку?

Ўртада шунчалик номуносабликлар бўлиб туриб, нима учун ёпма-ёнсизлар?» Мажнун оҳ чекиб, йиғлаб деди:

«Эй, муҳаббатдан бехабар киши! Сени малак десам таажжуб эмас, чунки сенга ишқ насиб бўлмаган.

Менга ўхшаганни малак, демак, ёлғончиликдир, мени дев кўрса ҳам қочади. Бутун борлифим ҳам нобуд бўлган.

Ишқ бутун вужудимни чунон ўртади. У ўтга зеҳн согланингда эди, баданимнинг кул уюми бўлганини кўрар эдинг.

Ит юриб кетиб, шу кул тўдасида мақом тутса не ажаб? Агар ҳар қандай итга жароҳат етса, кулдан тани роҳат топади.

Бу итнинг жароҳати кўп экан, уни шифо бергучи кулдан «кет» деб ҳайдаб бўлмайди. Йўқ-йўқ, унда итлик кўринмайди, итлик жаҳонда фақат менга хос.

Ит мен, мен, ҳалқ ор қилган мен бўламан. Бошдан оёғигача яраланган мен бўламан.

Кўп яралар танимни тутатдилар, у яраларимга малҳам бўлди. Баданида яралари бўлиб, ундан азоб чеккан кишига кимки дори-дармон билан даво қиласаркан, унга жонини ҳам фидо қиласа не ажаб?

Менда юз туман жон бўлса эди, баданимда ҳеч қолдирмасдан ҳаммасини ҳам бағишлар эдим. Ҳаммасини унга бағишлаб, йўлида қурбон қиласа не ажаб».

Шундай жозибали сўзларни айтгач, унинг жунуни (телбалиги) яна ҳаддан ошди. Ёдига дашт ҳайвонлари – кийик, қулонлар билан гашт этмоқ тушди.



У итнинг қўл-оёқларини ўпиб, кийиклар маконига қараб кетди. Ҳамсуҳбат улфатларини ахтариб, тезда биёбон сайрига тушди.

Зайд Мажнуннинг хабарини Лайлига етказиш учун йўлга тушган эди. У ҳам қабиласига етгач, бир хилватда ой юзли Лайлини учратди.

У пардалар ичидағи фунча билан, бу ташқаридан туриб сирлашди. Зайд Лайлининг бекарор, девона ёри тўғрисида нимаики билган бўлса, ҳам масини унга бирма-бир, қолдирмасдан, батамом айтиб берди.

Лайли унинг сўзини эшитгач, тортган оҳидан кўнглиниң темири ҳам эриб кетди. Жонига шундай ўт тушдики, тутунлари бошидан ҳам ошиб кетди.

Ўша тутунлар унинг бошига чиққан эдими? Ёки у қоп-қора анбарин зулфими эди?

Бу хабарни эшитгач, олов ичидаги зулфи каби буралиб-буралиб ўзини унудди. Кўзидан ҳасрат ёшлари томиб, юз узр билан Зайд томонга боқди.

«Эй, сўзлари танимга жон бераб, хабарлари жисмимда қон юргизган! Жоним дардига даво топгучи сенсан, одам демайин, фойибдан хабар келтиргучи сенсан» деб, кўп узрлар айтиб, унга қимматли тортиқлар берди.

Зайдни ташқарига чиқариб: «Буни олгин, ҳозирча қўлда бори шу, қилгаи хизматларингни унутмайман, юз шунча нарса берсам ҳам озлик қиласди.

Сен бир лутф этиб, вафо кўрсатсанг, мен зору мубталодан бир мактубни, девонавашимга олиб борсангу ҳам менга жавобини келтирсанг?»

Зайд дилбарнинг тилагини қабул қилиб, деди: «Жоним билан, бу менинг бурчимдир. Тез бўлгин, душманлар воқиф бўлиб қолмасинлар, бу ерда маҳтал бўлиб туриш зарар келтиради».



Лайли довот, қалам олиб, дарров нома ёзди. Кишилар билиб қолишларидан қүрқиб, хабарчига номани махфий топширди.

Хабарчи номани олиб, ул ғариб шайдога етказиш учун дашт томон кетди. Бутун аҳволларини айтиб, номани у бенавога тоғапирди.

Мажнун аҳволни билгач, ҳолдан кетиб йиқилди. Ўша юз букилган номадек, Мажнун ҳам ерга ётиб букилди.

У номани очиб ўқиди унинг мазмуни шундай эди.

XXVI

Мажнун Лайленинг кечаси тўлин ойидек оппоқ саҳифада лайлатулқадрдек номасини ўқиб, оғзи висол болидан иғирин бўлганда комига ари ниши санчилгани; қалам учини ари нишидек тезлаб, жавобида қозоғ табагини шира қилгани

«Кўнгилга ишқдан нур берган Аллоҳ оти билан бу номани бошлайман. Ишқ майининг даъвати билан одамлар балоларга мубтало бўлдилар.

Шу ишқ майидан бир ҳўплаган бағри қон шўрлик маст бўлди, маст эмас, балки мажнун бўлди. Кимгаки у майин тортиқ этган бўлса, фироқ захрини қўшиб, уни аччиқ қилди.

Айрилиқ балосига гирифтор бўлганларга васл шиғосини ҳам ато қилди. Булбулники зору ғамгин қилдими, гул кўйлагини ҳам чок-чок этди.

Парвонанинг беҳад куйиб-ёниши, шамга ўтнинг насиб бўлиши ҳам шундан». Сўз жавоҳирларини шундай сочиб, сўнгра бу нуқтани зоҳир этди.

«Хитой нақлларига ўхшаган бу сатрлар, бир шикастанинг бир хастага ёзганлариdir. Яъни мен зору мубталодан, балодан қутулмаган сенгадир.



Эй менинг ишқ үтидаги хасим, нечуксан? Күнг-ли озор топган кимсасизим, нечуксан? Эй, менинг ишқимда беҳуш бўлмоқ учун, васл майидан бирор қултум тотмаган!

Эй менинг фурқатимда бошига тош ёғиб, минг тош еса ҳам бошини яширмаган! Эй ҳажрим үтида кул бўлган, бўлса ҳам, ҳар шуълани гул деб билган!

Эй ғамим тикани жонига урган, булбулдек но-ласини жаҳонга тарқатган! Эй жиннилик занжи-рини қўлига солган, ваҳшийлар қуйругини арқон қилиб белига боғлаган!

Фироқимда аҳволинг қандай? Иштиёқимда фикринг nedir?

Сочларингга хору хас ёпишса, ким уларни бир-бир териб олар экан? Бошинг фарқи қушларнинг уяси эмиш, у ердан қушларни ким қувар экан? Фа-лак парчалаган бошингга ким малҳам қўяр экан?

Юзингга чанг-тўзон үтиrsa ким қиларкин уни буткул покиза? Фам тошидан тананг қонаса, уни кўз ёши билан ким ювар экан?

Кафtingга кирган тиканларни киприги билан ким чиқарар экан? Ҳажр үти танангни ёндирганда, у ўтга ким тупроқ сочар экан?

Азобланган жисминг қумга йиқилганда сенга ким ғамхўрлик қилар экан? Ёлғиз ўзинг фарёд уриб, ҳар томон юрганингда, фақат соянг сенга ҳамроҳ экан.

Тоғлар ораси исиб кетганда устингга фақат бойўғлигина соя солар экан. Вайроналарда сени ғаминг ҳалокатга еткизса, бошинг устида бойқуш-лар «дуҳ» дея қичқирар экан.

Айрилиқ оқшоми бошингни олса, тонг сенга ёқасини чок этиб боқар экан. Гамдан заифланиб даштда ётганингда қумлар сенга тўшак экан.



Кечаси йиртқич ҳайвонлар атрофингда тўпланганда олдингдаги шаминг бўрининг кўзи экан. Қон ютиш учун пиёла ахтарсанг лоладан бошқа ҳеч нарса топилмас экан.

Қошингга чибинлар ўтирап, бошингда қуюн айланар экан.

Кошки юлдузлари хира олам, менга ҳам шундай неъматларни бағишиласа. Туну кун рафиқинг бўлиб, йўлсиз югуришда ҳамроҳинг бўлсам.

Жаҳонда сен билан мен бўлсаму бутун коинот бўлмаса! Гоҳ тўхтасак, гоҳ жаҳонни сайр қилиб юрсак-да, бу одам диёрида биздек яшовчи бўлмаса.

Иккимиз дилхоҳлик билан умр ўтказиб, тинчлик билан васл гаштини сурсак. Баданимга бағринг паноҳ бўлса, қўлларим мудом бўйнингда бўлса.

Бошинг гоҳ елкамга суюнса, қошинг бағбақам маржонида турса. Гоҳ юзимга юзинг тегиб туриб, лабларим оғзингга баҳра берса.

Сояга ўхшаб сен билан бирга ётсак-да, таним тилаган мақсадига етса.

Нима қилайки, фалакнинг беҳуда ғавғолари мени ушбу баҳтдан маҳрум қилди. Сенинг ғаминг қўн бўлса ҳам, эр киши бўлганинг учун бу осондир, осон.

Қайси томонга чопай десанг, этагингни тикангина тутади. Этагинг ҳам оёғингни боғламайди, унинг ҳошияси ҳам оёғингта киshan бўлолмайди.

Бир мен ожиз нотавон, оёғи боғлиқ, йўқ, балки оёғи синиқ заифман. Не туришга майлим, не юришга ҳаддим бор, юз хил бало кишанларига гирифторман.

Бир томон юзлаб аламлар уйида маҳбуслик, яна бир томонда ору номус. Эрлар мажлисининг зебу зийнати-шаробдир, хотин кишининг зебу зийнати – покизалик.



Бу ишқұ үқубати устма-уст чирмashiб кетди, но-
мус кетдими, ҳаммаси ҳечdir. Фунча пардасини
чок этса, раҳмсиз фалак уни барбод этади.

Сенсиз ғамларим бирор лаҳза әмас, сеникидан
күп бўлмаса, оз ҳам әмас. Сен ўтли оҳ тортсанг,
мен ўтни юрагимда ёқаману, лекин тутун чиқарол-
майман.

Фамимда ҳар қанча оҳ чексанг ҳам, Навфал би-
лан устимизга қўшин тортдинг.

Қабилам юзига бало шапалоқ уриб, саройим аҳ-
лига томон қўрқинчини солди. Отам ҳам мени ўл-
дириб, қонларимни ерга тўқмоқ истади.

Мен шунчалик ранж ва озорлар ичида бўлсам
ҳам, ёrim мақсадига эришсин деб қўнглим ҳуш-
дир. Гарчи, воқеалар ҳалокатлидир, лекин юз мун-
ча бўлганда ҳам ҳечқиси йўқ.

Яна, мана шундай афсоналарни ҳам айтадилар,
гўё сен Навфал билан тил бириктириб, унинг бе-
залган уйига кўз ташлаб, қизига уйланмоқчи бў-
либ, оғиз солибсан.

Бахting ёр бўлсин, биллоҳ, мен бунга ишонма-
дим. Сенинг мақсадинг шундан бўлса, менинг ҳам
мақсадим шудир.

Бир куни боғда томоша қилиб юрганимда, у са-
намни кўрган эдим. Ўзи дуруст, элга меҳрибон, ях-
шигина жон деса ҳам бўлади.

Ҳақ таборак сенга қўлдош бўлсин! Бу хайрли
ишинг муборак бўлсин.

Ўша билан хуррам бўлган чоғларингда, бу хаста-
ни ҳам гоҳ-гоҳ эслаб қўй! Инсофни ҳам тарқ этма-
гин, мени ҳам бир йўла унутиб юборма!»

Мажнун бундай мактубни ўқиб бўлгунча тани
қаламдек титраб, мадорсизланди. Зайд олдига
қайта-қайта бошини қўйди ва селдек кўз ёшлари-
ни тўкиб, арз этди:



«Эй чок бўлган юракка чора изловчи, малҳам орасига ништарларни жойлаштириб келган! Келтиргаи номанг жонни азоблади, нима қилайки жавоб ёзгани асбобим йўқ», Зайд ўзи билай бирга қоғоз-қалам, сиёҳ ҳозирлаб олиб келган эди.

Ҳаммасини бир-бир Мажнун қошига қўйди, у эса жавоб ёзишга тушди. Зайд жавоб мактубини олиб турди-да, жадаллаб йўлга равона бўлди.

Чопища шамолга сабоқ бериб, мактубни дилрабога топширди. У суманбар хилватга кириб, мактубни очди, суман гули устига тушган анбар зарраларини кўрди.

Бу қора сатрларга тездан назар солди, номадан эса шундай гавҳарлар тўкилар эди.

XXVII

Лайли Мажнуннинг кўз қорачиги ва киприги қалами билан жон саҳифасида ёзган юрак поралари шарҳини ўқигани; ишқ ҳамдардлиги тақозоси билан Мажнун кўнглини жароҳатлари мунинг ҳам кўнглини оғримтгани; унинг ҳам қайгуланиб, еган-ичгани заҳарга айлангани

«Ишқ аҳли номидан қалам кўтарган Аллоҳ оти билан бу номани бошлайин:

У Аллоҳ шундай якка ва ягонаки, унинг ибтидоси номаълум, у шундай барҳаётки, охири – ниҳояси йўқ. Тоғ балчифи устига дўл ёғдирган, қум тупроқ устига мола юргизган.

Ҳар кимни пари юз айлаган бўлса, ўжарликни унга одат этган. Айрилиқ кулфатини қаттиқ яраттиб, ишқ шарбатини аччиқ яратган.

Бирорни пинҳоний ишқ ўтига куйдириб, маъшуқни бераҳм этган. Неча-нечча ошиқларни ношод, маъшуқларнинг истагини зулм қилган.



Ошиқ кўйлагини парча-парча этиб, маъшуқини
бу ҳолда хурсанд этгани Маъшуқ томон насимлар
эсдириб, ошиқ ичига ўтлар туташтирган!»

Мактубининг аввалини шундай сўзлар билан
безаб, ундан сўнг қўйидаги сатрларни бошлади:

«Ушбу фам ва аламларнинг баёни – жоним саҳи-
фасидаги бағрим нишонасиdir. Ичи фамингда
қон бўлган мендан, фами танимда жон бўлган
сенга.

Яъни расволик алангалари ичida ўртанган,
афсона бўлган бу девонадан, гулюзлилар орасида-
ги парига ва юлдузлар орасидаги Шарқ қўёшига.
Не ҳаддим билан дуо айлаб, юз мадҳ билан мақта-
йин сени?

Мадҳингни айтгали тил қани, тил бўлса ҳам га-
пира оларми? Кун васфини кўршапалак қайси
куч, қайси тил билан айта олади?

Савсан ҳар қанча тил узайтиrsa ҳам гулни таъ-
рифлашда соқовланиб қолади. Мен шулардек бўл-
сам ҳам, ноилож бир неча сўзларни дейман:

Эй ҳусн ўлкасининг подшоҳи, бутун ҳусн аҳли
бу ўлкангнинг қўшинидир. Эй нозу карашма боғи-
нинг атиргули, атиргул эмас, балки ноз қилишни
одат қилган гул.

Эй лутф дунёсининг баҳори, юзинг баҳорининг
лолазори бўлган. Саҳар ели гул сочганда, кокилла-
рингни паришон айламасмикан?

Машшота ўсма қўйганда, қошлиарингни қай-
рилма қилмасмикан? Хумор кўзларинг бемор эди,
энди соғ ва равшан бўлиб кетдимикан?

Рухсоринг ўтидаги қора хол элни ҳам ўзидек
куйдирадими? Сумбул соchlаринг гул баргига те-
гиб, оловга тушган қилдек ҳеч буралармикан?

Юзингнинг тери ва тола-тола соchlаринг, бу ҳар
иккисининг жилvasи бормикан? Оғзинг камоли



торлигидан кўзга илашмас эди, сўзлаган вақтда у кўринармикан?

Қадди-қоматинг юриш ҳавасига тушганда, жаҳон элини ўзига гирифтор этармикан? Ноз уйқусидан уйғониб, юз ноз билан элга сўзлармикансан?

Кўйингда менингдек хас каби, ҳатто хасдан ҳам қадрсиз киши топилмади. Бу Аллоҳнинг иродасидандирким, эл бунинг ҳақиқий моҳиятини билмайди.

Кошки кўзим ўйилса эди, кўз тугул, бошим кесилса эди. Кўзимнинг ул дидрабо юзига тушишини ва жон билан кўнгилини балога дучор бўлишини аввалидан билганимда эди, икки кўзимни кўр қиласан бўлар эдим.

Мен ким эдиму бундай абадий дардга йўлиқиши, заррага қуёш ҳавасида бўлишлик нима эди. Бехосдан нигоҳим юзингга тушган бўлса, менинг нима гуноҳим бор эдики, бунчалик дарду балолар мен шўрликнинг қора бошига тушибди.

Девона бўлиб жаҳондан чиқибман, хонумондан ажралиб овора бўлибман. Ҳар кун ўзга бир водий ватаним бўлиб, ҳар кеча яна бир даман қоронги ерларида турайман.

Қумлар менинг кўрпа-тўшагим, кулчага ўхшаган қуёш эса менинг патирим бўлди. Гоҳ ваҳший ҳайвонлар билан дўст ва ҳамсуҳбат бўламан, гоҳ улардан ҳам безаман.

Менинг ваҳшатим дашт бўйи ёйилиб, бутун ваҳший ҳайвонлар, ҳаттоғи гуллар ҳам мендан қўрқиб қочадилар. Ваҳший ҳайвонлар ваҳшатимдан ҳайратга тушадилар, қушлар ҳам кулфатимдан ранжу алам топадилар.

Бошимдаги кулфат ва балолар ақлга сифмас дарражада кўп, ҳолсизлик эса мени ҳаддан ташқари заиф этибдир.



Бир хил йўқдик менга жисм бўлипти-да, унга вужуд деб исм берилиди.

Шундай ҳолсиз ва кучсизманки, юрганда ўргум-чак танобидан йиқиламан. Кўксимни ҳижрон тифи чок этганидан, ҳашаротлар қўрқмасдан ичимга кириб жойлашганлар.

Кўксим ичига кирган чибинлар гавро қўзғатиб, чумолилар кўзим уйига ватан қурганлар.

Шундай қаттиқ қийинчиликларни тортсам ҳам, ёдинг менга тириклик берар эди. Шу онда гавҳарлар сочгучи қаламинг билан ёзилган номанг менга тегди.

Ул номани ўқиб, сўзларидан руҳландим, ҳар ҳар-фидан юзларча шараф ва марҳаматлар топдим.

Лекин у номада ёзилган икки сўз жонимга қайта-қайта ўт солди.

Биринчиси: Навфал воқеаси тўғрисида ёзганинг. Яъни «икковингиз қонхўр қўшинингиз билан менинг қабиламга тиф чектингиз», дебсан.

Эй тавба, бу қандай балодирки, риштани аждаҳо санайдилар. Пашибанинг ўзи нимаки, у филлик хаёлига тушса ёки шерлик кучини қўрса-тишилик чумолига қолиптими?

Воқеа шундай эди: у лашкарбоши (Навфал) мени кўрганда йиртқичлар менинг қўшиним эди. Фамингда нотавонлигимни ва ишқингда жонимнинг хасталигини билгач, бирпас қошимда ўтириди-да, ундан сўнг билганича сўзлади.

Мен бўлсам дам ўзимда, дам ўзимни тутолмасдим ва бундай ажабланарли ҳол оламда кўрилмаган эди.

У сўзларкан, изтиробга тушганини кўриб, нима деб жавоб берганимни ҳам билмайман. Ул мени ўзи билан уйга олиб кетгандан кейин, ўзингга маълум ишлар бўлди.



Унинг юрагидаги ўчни тездан англаб, жоним борича йўлинн тўсишга тиришдим. Натижада ўч ханжарини қинига солди ва ўз уйига қайтиб тинчланди.

У мени алдаш учун уринган вақтда, менинг уйланишим тўғрисида ҳам гапирган экан. Унинг нималар деганини ҳам англамадим, ўзим нима деб жавоб берганимни ҳам билмайман.

Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан, номангни ўқиғач, ёдимга тушди. Бундай ишларни менга нисбат бериш, мурувват аҳлнинг иши бўлмаса керак?

Мен вафо кўраманми деб, бунчалик балоларни чекаману сен эса бундай муддаоларни хаёл қиласан.

Сенинг ёзганларингни қандай рад қилай, ҳушсиз киши ҳар нарса қилса ҳам қиласади.

Девоналиқ фавросига мубтало бўлиб, бошдан оёқ ўзимни йўқотганман.

Номангга кўнгил ва кўзим қурбон бўлсин, лекин сенга айтадиган битта сўзим ҳам бор:

Навфал тўғрисида айтганларингни мендан кўрма, мен мундай хатоларга бормайман. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси ишқим ва девоналигимданdir. Ишқ ва жунунга эса сен ўзинг сабабсан!

Уйланмоқ тўғрисида гапириб ўз ишингни менга туҳмат қиลดинг. Чунки Ибн Салом сенинг хаёлингни қилиб, ҳатто висолинг тамонда юрибди.

Отанг эса Ибн Салом кўнглини рози қилиб, у нима истаган бўлса кўнибди. Сенинг рози ва рози эмаслигингии билмайман, билмаганим учун туҳмат ҳам қилмайман.

Ҳай-ҳай, бу қандай афсоналар, чегарадан ташқари қандай тароналар бўляпти-я?! Гўё ишқ савдоси йўлимдан уриб, хушимни телбалик шамоли совирди. Шуур билан сўзлаш шиорим эмас, беҳуда гаплар айтишда ҳам ихтиёrim йўқ.



Эй, парига ўхшаган ҳур! Мен телбаман, бу узрликдир, маъзур тутасан. Сенинг ғамингда нобуд бўлган эканман, нобуд кишидан маъноли сўз чиқармиди?!

Йўқнинг сўз ва хитобларини ҳам йўққа ҳисоблаш керак. Менинг йўлим йўқлик бўлган экан, сен бўлгин-да, бу йўққа ёр бўлгин.

Иқбол ва баҳт ёринг бўлсин, жонлар эса сенга қурбон бўлсин...» Бу мактубни ўқигунча дилхаста ёр, букилган мактубдек қадди кўп букилди.

Кечгача мактубдаги ҳар бир сўзни ўйлаб, нома каби буралиб-буралиб кетди. Ниҳоят инсофга келиб, ҳақиқатан ҳам ўз сўзларнинг жавоби эканини билди. Лайли ўз номасидан ташвишга тушди, бу нома эса кўпглини хурсанд қилди.

Унинг маънодор, ўлчовли хатини Мажнун тумор қилиб тақиб олгандек, бу ҳам унинг хатини тумор қилиб тақди.

Эй мактуб ташувчи элчи! Ҳарна хабар сенга равшан бўлса айтгин.

Бир сўз билан дардимга даво бериб, номанг бўлса менга чиқариб бер!

XXVIII

Мажнуннинг отаси дашт атрофини қуюндеқ кезиб ўз девонасифатлигин саргашталикда топмоги; жунун дашти қароқчилари ҳар дамда унинг ҳуши карвони одамларини савдоийлик сипоҳига асир этганидан ажиб ҳолатга тушиб қолгани; насиҳатлар ҳуш доруси билан уни бир лаҳза ўзига келтиргани ва ўзи билан уйига олиб боргани

Бу номани ёзган киши афсонани шундай маълум қиласиди:



Телба Мажнуннинг бенаво отаси ва юзларча кулфатларга мубтало онаси, кўнгилларини дардлар жароҳатлаган ҳолда, кўп вақтлардан буён ўғилларидан айрилган эдилар.

Ўз ўғлини соғинган ота, уни топиш ниятида иттифоқо сахрого чиққан эди. Мабодо топиб олсам, фифон-зоримдан шояд у таъсиrlаниб, панд-насиҳатларим унинг афғонларини тўхтатса, сўзларим шояд уни ўзига келтирса.

Юзлаб нукта айтишга тилини чоғлаб, сўзларим шояд уни уйга қайтишга мойил қилолса. Руҳини шундай тоза умидларга тўлдириб, ҳар томонга тевасини чоптирас эди.

Шундай ният ва орзу билан неча кун чопгач, охири Мажнунни бир вайронада топди. Мажнун учун бу вайрона ер хонумондан ҳам яхшироқ эди, лекин ўзи бу вайронадан ҳам харобароқ эди.

Унинг қайфу ва аламлари ҳаддан ташқари, ақлага сифмас даражада кўп эди. Гоҳо чумолилар тутар ва гоҳо тупрокдан гўрлар ясад ўтиради.

Гоҳо шошилиб кесак ташиш билан машгул бўлар ва у кесаклардан тепаликлар ясашга уринар эди. Гоҳ бошига тупроқ сочар ва гоҳ тишлари билан тирноқ олар эди.

Гоҳ оёқларини дадил кўтариб, илдамлик билан деворга минар эди. У ҳар дамда баданларини чимдилар ва енгларини чайнар эди.

Гоҳ бойқуш сайрашига ҳамдардлик билдириб, гоҳо бойўғлининг юзидағи чангларини артар. Бойқуш ҳам Мажнуннинг қўлига тортинмай қўнар, бүм қуш бўлса ўз шохини бошига суртар.

У вайронанинг деворларига хат чизганида, ихтиёрсиз «оҳ» калимаси ёзилиб қолар эди. Замонанинг унинг бошига туширган яралари бошдаги соchlардан ҳам кўп эди.



Қонли кўзидағи тикан ва чўплар, киприклари-дан ҳам кўп эди.

Бундай ҳолатни кўрган отаси ҳайратга тушиб, ўз ерида қотиб қолди. Таажжуб билан деди:

«Бу ниманинг тимсоли экан, субҳонааллоҳ, бу қандай аҳвол экан? Бундай одамзодни ким кўрган экан; бу тахлит одам ҳақида гапиришмаган ҳам эди-ку?!»

Бу аҳвол отасига жуда оғир туюлса ҳам, куйганидан унинг олдига боришга мажбур бўлди. Мажнун отасини кўргач, гўё оталик ҳаққини унутган-дек ўзини бир чеккага олди.

Онаси эса ёқасин йиртиб йифлади ва ғамгинлик билан сўради:

Эй, юзларча яралик кўнглимнинг парчаси, мендан нега қочдинг?

Мажнун ҳам ўз отаси эканлигини билиб, бир оҳ тортиб, унинг олдига йиқилди. Отаси унинг бошини кўтариб қучоқлади, йўлида жонини фидо қилмоқчи бўлди.

Худди икки ҳамжинс ҳарф бир-бирига туташгандек, улар ҳам бир-бирларига шундай маҳкам чирмасиб кетдилар. Ҳар бир лаҳзада йифи ва ҳижрон аччиғидан ҳаяжонга тушар эдилар.

Ҳаяжонлари пасайгач, у заиф мискин, яъни Мажнуннинг отаси дедиким:

– Эй юрагимнинг пайванди ва кўнглимнинг парчаси, ота-онадан узоқлашган фарзанд! Кўксимдаги яраларни бунчалик сўкма, бағрим қонини бунчалик тўқмасанг-чи.

Сенинг кўксинг ғамдан яраланган бўлса, менинг жигарим аламдан яра бўлди. Бир дам жигаримни кавламасанг-чи, унинг не хилда эзилаётганини кўрмайсанми?



Сен дунёга келмаган вақтда, қонинг қонимга аралаш бўлганда, сени не муддаолар билан тилаб, садақалар бердим, дуолар қилдим. Очларни тўйғазиб, яланғочларни кийинтирдим, ўлдим деганимда сени топган эдим.

Уч-тўрт ёшга киргунингча менга қўл чўзмаган фам ҳам қолмади. Сен бир қатра сут эмгунча, мен юз қатра қонлар ютар эдим. Агар товонингта тиқан киргудек бўлса, менинг жигаримга ништар санчилгандек бўларди.

Илм ва одоб олиш мақсади билан мактабга борганингда, сенинг ғамингни еб, мактабга бориб келишингда ҳар қадамингдан боҳабар эдим. Фазлу камолга эришиб, илму ҳунар эгаси бўлишингни тилар эдим.

Бевафо дунёдан менга ўлим хабари келиб, таним нариги дунёга кўчмоқчи бўлиб, худди ота-онамни ва барчани бир-бир олиб кетганидагидек, мен ҳам ўлим тўшагида ётсам. Сен ўша вақтда қошимда ва гоҳ оёғимда, гоҳ бошимда бўлсанг.

Аллоҳ амри билан танимдан жоним чиққанда, ҳаёт шамим ўчганда, ип каби печу тобга тушасан, парвонадек изтиробга тушасан. Сен умримнинг давоми бўлиб, қабилам яна ёруғланади.

Гарчи, шам нуридан ажралса-да, машъял қабила йўлини ёрита олади. Эл ичида отим ҳам йўқолмайди ва молу давлатим ҳам бегоналарга қолмайди.

Қалъамга йигилган хазина-давлатим бариси сенинг қўлингда қолади. Шамоллар ҳам у зийнатли уйларимга киролмайди, ҳеч кимса ҳам саройимга қўл чўзишга ботинолмайди. Руҳим авлодим билан шодланиб, қавму тўпим баҳтли яшаяжак.

Мана эндиликда бу ишлар қошимга келди, айтганларим бошимга келди, тонгимда кулфатларнииг қора шоми келиб етишди, шомимнинг жўнаш



тонги отди. Бошимга ҳар ёқдан ғамлар ёғилди, битта ғамим сен туфайли юз ғамга айланди.

Шамимга зулмат тушган, унинг сўнишига сенинг оҳинг сабабчи бўлди. Жоним қуши ҳар дам учишни тиласа, сенинг фарёдларинг уни чўчитади.

Жонинг бундай ишқ азобига тусишига ихтиёринг йўқдигини билар эдик. Ҳар қандай ишнинг ҳам этаги ва ҳар қандай фалокатнинг пироварди бор.

Жаҳонда ишқ аҳдини кўрмаганмизми, ишқ во-дийсида юргумаганмизми? Бу ишда бундай тарзда мағлуб бўлиб юриш ақлли одамлар шаънига яхши эмас!

Денгизга тушган ҳар бир бенаво, агар қўл-оёғи билан ҳаракат қиласа, қутулади. Фарқ бўлган талпинса, чиқишига ҳам имкон топади, талпинмаса ўлмоғи ҳам мумкин.

Сен ҳам бундай балода қолмагин, ўзингни бир йўла унга бағишиламагин. Билур қадаҳга тушган чумолига ҳам ундан чиқмоқ учун куч эмас, тадбир керак.

Ҳар кишига қандай дард берган бўлса, давосини ҳам ўзи қиласи. Ҳақ сенинг бошингга бундай балони солган экан, уни даволашга ҳам ожиз эмас.

Бу дағдағадан ўзингни тортгин, ҳар қандай фикр қилиб бўлса ҳам чора топгин! Бу дарддан бирданига қутулоғасанг, аста-секинлик билан қутулиш ёмон бўлмайди.

Секин-аста бола мутафаккир бўлади, сокинлик билан қамиш ҳам қандга айланади. Агар киши юзга кирмоқни тиласа, унга юз йил сабр қилмоқ керак.

Ҳар ким минора учига чиқмоқчи бўлса, чиқиши ва тусищда зиналар бирдай. Юқорига чиқиши қийин бўлса-да, ундан тусиши осондир.



Сен ҳам аста-секинлик билан йўл босиб, бу ерга етибсан. Қайтиш тилагида бўлсанг, яна шунчалик йўл босишинг керак.

Қайт энди, имконинг борида, давоми яхши эмас! Сенсиз мен бундай зору фамгин, онанг ҳам сенсиз бекарордир.

Оқшомдан тонггача мунгли товуш билан йиглаб, тонгдан оқшомгача қонли кўз ёш тўқади. «Ўғлим» деб чеккан нолалари чарх ўқининг қаддини эгади.

«Бўтам» деб шундай зорланиб тўлғанадики, руҳидан асар ҳам қолмайди. Йиглаб бошларини тошга ураркан, бошига урилган тошлар ҳам аламда қолади.

Бу ўт димоини куйдириб, оқ сочи эса юзига кофур сочади. Сенинг тоғдек кулфатлар тортишингни билганидан, унинг ҳам фамлари тоғдек бўлди.

Тупроққа йиқилмоғингни билгач, у ҳам тупроқ устига йиқилди. Сенсиз шундай дарду фамларни тортабериб, бир-икки дамлик умри қолибди.

Мен ҳам, заиф онанг ҳам шу аҳволга тушиб қолдик; кел энди, ҳар иккимизга чора топгин ахир!

Ҳаётдан умидимиз кетиб, ўлиш чоғимиз яқинлашибди. Бегоналарни уйга яқинаштирма, иссиқ ўрнингни совитма!

Биз иккимиз сенинг фамингда ўлсак, сен тирик бўлсангу мотамингда биз ўлсак?! Бу ишда Аллоҳ сенга хитоб қилганда, ўйла-чи, нима деб жавоб беррасан?

Отаси шундай таъсирчан илтижолар қилгач, Мажнун ҳам йиглаб отасининг оёғига йиқилди. Киприклари билан отасининг оёқ остини супуриб, жавобида доноларча фикр юритди:

– Эй қабиланг эшиги менга қиблагоҳ, оҳим дардинг ўтига бўлсин нур! Ўйлаган чораларинг хирмонини кўнглимнинг ўти кул қилди.



Сен ўйлаган сабрларни кўз ёшларим сели оқизб кетди. Шунча гапирган гапларинг билан куйган кўнгил оловига сув урдинг.

Йўқ-йўқ, доф устига доф солиш учун ўт ёқдингда, устига ёф қуидинг! Ҳар бир айтган сўзларингга жавоб бергани менда ҳад йўқдир.

Сенинг ҳукминг жоним орзуидир, бу ҳукмни бажо қилиш эса менинг бурчим. Сенинг одингда нималар ҳам айта олар эдим, жавоб бўлса ҳам уяна йўқ ҳисоб.

Лекин сенга яширин эмаски, бу ишларнинг ҳаммаси тақдирдан эди. Бу балоларнинг ҳаммаси менинг бошимга тушиб, расвойи жаҳон этди, бундай балоларнинг юз бериши кишининг ўз ихтиёри билан бўлмайди.

Ишқ ўти ундаи чиққан бир учқун, бутун жаҳонга тўфон солади. Юз шуълани маконимга уриб, мингларча чақмоқларни вужудим хирмонига урди.

Бир учқун хирмонга тушар экан, унинг куйишидан бошқа чораси бўлмайди. Раҳмсиз ишқ мингларча чақмоқлар ёғдирса, унинг қархисида хашак нима ҳам қила олар эди.

Ҳар қандай буйруғинг бўлса ҳам сўз қайтармайман, лекин мен энди Қайс эмас, балки Мажнунман. Сен ўйлаган сарв хаста айланди, эндиликда эса хас ҳам кул бўлди.

Бу кулни яна қуюнлар айлантириб, сарвга ўхшатиб, осмонга чиқарап. Сен келиб менга назар солганда, мен баҳти қаронинг бир жонда туришга майлим, ҳаракат қилишга мажолим йўқ, азоб-уқубатларга гирифтормайлим.

Қочишим сени танимаслиқдан, балки танишинингга арзимаслиқдан эди. Ваҳший ҳайвонлар орқасидан кетиш ярамайди. Насносни¹ одам қилиб бўл-

¹ Н а с н о с – афсонавий ҳайвонсифат одам, маймун.



майди. Сенинг итинг бўлсам дейман, лекин ўзимга унчалик ишончим йўқ.

Ит одамга бевафолик қилмайди, бошини олиб бир ёққа кетмайди. Мен, ўз эгасига узр айтиб ва бу даштда телба бўлган итман.

Агар телба итнинг тузалиши ва унга ишониш мумкин бўлса, сен ҳам мени ақлли қил, ҳар ишни қилсан ҳам ишонггин. Узримни сенга айтдим ахир, ҳар бир ишимда афв сўрайман! – деб сўзини тамомлагач, дарров ўрнидан туриб, тuya томонга қараб кетди.

Туяning жиҳозидай тезда арқон ечиб, уни ўз бўйнига маҳкамлаб боғлади. Арқоннинг бир учини отасига тутқазиб, деди:

«Бу мубталога нима десанг деявер, қўлингда бўйни боғлик итман!» деб ўзини тўрт оёқдик қилди. Отаси эса унинг бўйнидан арқонни ечиб, ўз юрти сари равона бўлдилар.

Навоий жунун йўлига тушса, ким унинг ватан сари раҳнамоси бўлади?! Мажнундек отаси ҳам йўқ, ўз масканига бориш иштиёқи ҳам йўқ.

XXIX

Навфалнинг Мажнун қабиласи меҳмонлигидан қайтгач, Мажнун отасига мезбонолик қилгани; пайвандлик или ораларида маҳкам бўлиб, меҳмон ўйига келмасдан Мажнун биёбонга азм қилиб, Лайли чўпонига йўлиққани; у чўпон итидек ялиниб, чўпон уни қўйлар орасига яширгани; Лайлини кўргач, қурбонлиқ қўйни (Мажнун) билан хўтган жайрони (Лайли) нинг йиқилмоги; ҳар қайсини бир васила билан ўз қабилаларига элтганлари

Сўз карвонининг карвонбошиси хуруш билан шундай қўшиқ бошлиайди:



Мажнун уйига келганды, фамгин бўлган қарин-дошлари қайтадан шодландилар. Отасидаги нотавонлик йўқолди ва онасига ҳам янгидан жон кирди.

Мажнунга чиройли, ипакдан тўқилган либос кийдирдилар. «Мажнун ўзига келибди» деган даррак ҳар томонга тарқалиб кетди.

Элга шоён бўлган бу хабар Навфалга ҳам бориб етган эди. Навфал ҳам ҳамиша Мажнуннинг фамини еб, доим унинг фикри ёдини қилиб юарарди, яъни фикрини унинг хаёли билан банд этган эди, жонини унинг висоли ҳайратга солган эди.

Мажнуннинг келган хабарини эшилган Навфал, кўп хурсанд бўлиб, бориб кўришни орзу қилиб, отланиб Мажнун қабиласига жўнади.

Бундан хабар топган Мажнун эли ҳам, меҳмондорчилик тантанасини жойига қўйиб, уни шодлик билан кутиб олдилар. Мажнун ва бу эпчил лашкарбоши катта меҳрибонлик билан маҳкам қучоқлашдилар.

Мажнун эли Навфалга иззату икрам билан оқшомгача мезбонлик қилди. Навфал бундай меҳмондўстликдан жуда хурсанд бўлди, Мажнун эса ўз қилган ишидан лол эди.

Қуёш навфали ўзини яширганда, осмон мажнуни кўз ёшини кўпайтирди.

Юлдузлар сафар кулчаларини ёйиб юбордилар. Навфал отланиб йўлга тушди. Йўл бўйи ҳамма шод-хуррам кетар, Мажнун бўлса уйда ношод қолган эди.

Мажнуннинг отаси Навфалнинг келишини ўйлаб юарарди, меҳмоннинг бу ташрифи билан муродига етди.

Чунки Навфалнинг келиши қабилада унинг иззат-ҳурматини оширди ва шод-хуррам этди. У



Мажнунни илгари кўрганлигини Навфалнинг ёдига туширди: «Лайли элига қарши уруш ҳозирлаб, Мажнун иши учун тиф тортган эди.

Мажнуннинг фамини еб, уни ўзига куёв қилиш тилагини ҳам айтган эди. Бу ишга шаксиз майли борлигидан, бизнинг саройга келиб тушди. Шундай бўлмагандা Мажнунни кўриш учун ҳам келмас эди.

Энди мен ҳам одоб, ҳурмат юзасидан бутун Ҳай қабила аҳдини тўплаб, унинг хизматига бориб ҳурмати бадалига ҳурмат кўрсатсан.

Агар у лутф кўрсатиб, бу таклифга рози бўлса, муддаомизни баён қилсан. Рози бўлса баҳтдан қувонсан, йўқ деса яна қабилага қайтсан.

Қабиладаги уругларни чақириб, уларга ўз мақсадини арз этди. Бу сўз ҳаммаларига маъқул тушди, тездан шу ишга киришишни лозим топдилар.

Асл орзу Мажнун иши бўлганидан, унинг боришини лозим кўрмадилар. Бутун керакли нарсаларни тайёрлаб, ярим кечада Сурайё юлдузларидек бўлишиб ҳам ҳар турли тадбирларни кўриб, йўлга равона бўлдилар.

Йўлда бу мақсад борасида, юз хил афсона сўзлаб, тугагач, янгидан бошлаб, шундай сўзлар билан ўзларини хурсанд қилиб борар эдилар.

Кўпгина даштни босиб ўтганларидан кейин, Навфалнинг уйига кириб бордилар.

Навфал ҳам иззат ва икром билан меҳмонларни ўз уйига жойлаб, ором берди. Анча ўйин-кулги, ашулалар билан меҳмонларни жуда хурсанд қилди.

Меҳмонлар қулаги фурсатдан фойдалашиб, ўз тилакларини Навфалга айтдилар. Навфалга уларнинг тилаги ҳам маълум бўлди, ҳам маъқул тушди ва шундай деди:

– Мен ҳам илгари бу сўзни Мажнунга айтиб, унинг фамини еган эдим. Модомики унга шундай



таклиф қилган эканман, ҳозир ҳам фикрдан қайтмайман.

Сиз энди ўз қабилангизга бемалол бораверсангиз ҳам бўлади, тўй тайёрганини ўзим бажараман. Сизнинг ортиқча ташвишга тушишингизни мен тила-майман.

Фурсатни ғанимат топиб, тайёргингизни кўриб, биз томонга келинг. Никоҳ шартлари шу тарзда бўлса, Мажнуни ўзимга фарзанд қиласайин.

Никоҳ ваъдаси тайинлангач, меҳмонлар қайтишга қарор бердилар. Шодлик билан уйга қайтдилар, лекин замонанинг феълидан бехабар эдилар.

Ўша кеча улар оромсиз, Навфалникига қараб кетганларида, Мажнун аламга ботиб уйда қолган ва қўзидан гулранг ёшлар тўкар эди.

Ҳижрон ўти уни беқарор этиб, ишқ ихтиёрини кўлдан олган эди. Ишқ ўти аланга одди, куйиб кетганидан беҳуд бўлиб уйдан чикди.

Бош яланг, оёқ яланг ҳолда гоҳ «ҳув!», гоҳ «вой!» деб дашт узра югурди. Мажнуннинг қомати ёй, оҳи ўқ бўлиб, дунёни нишонга олган эди.

У бу ёйга ўқ жойлаб, дунёning қўзига урар эди. Унинг оҳлари ҳавода осмон бўйлаб сайр этувчи қуёшдек юрар, ернинг муҳаббати уни қуёш чиққунига қадар югуртирас эди.

Фалак кампири эчкисини соғиб, сут қатралари-ни оҳисталик билан артди (яъни, Шарқдан оқариб тонг отди). Шу сут билан барча ҳунарни ишлатиб, тездан тўтарак патирини кўрсатди (яъни қуёш чиқди).

Шу вақт унинг кўзи бир гала қўйга тушди; чўпони таниш кўринди. Мажнунни кўрган чўпон ҳам хурмат билан унинг аҳволини сўради.

Мажнун деди:

– Эй муборак юзли, Мажнун сени қайдга кўрган эди? Ёруғ юзинг менга ойна кўринди, дардимга



сўзинг даво кўринди. Сен ҳам мени иззат қилдинг, мен ҳам сенга эркаландим.

Чўпон унинг оёғига бош кўйиб, қуидаги сўзларни айтди:

– Менинг ишим чўпонлик, қўй билан қўзига меҳрибонликдир. Бу тилсиз галанинг ҳамзабони, Лайли қўйларининг чўпонидирман. Сени бу қабилада азоб билан сабоқ ўқиган чоғларингда кўрган эдим. Ишқинг азобини ҳам биламан, ҳар қандай чора бўлса ҳам қўллимдан келади! – деди-да, Мажнун товонига бошини қўйиб, қошини этикларига нағал қоққандек бўлди.

Мажнун деди:

– Эй нафаси баданимга қон бериб, сўзи танимга жон бағишловч! Ўликни Исодек тиргизиб, ажошиб мўъжизаларни кўргазасан.

Йўқ-йўқ, чўпонликдаги Мусосан, қўлингдаги таёфинг ҳам аждарга ўхшагандир. Мусо нима, балки йўлнимнинг Ҳизири ва ғам зулматида менинг паноҳим бўлдинг.

Менга оби ҳаёт бергин, яъни Лайлини узоқдан бир кўрайин. Ҳижрон билан жоним жуда хаста бўлган, раҳм қилгинки, жуда нотавонман!

Чўпон деди:

– Эй ақд-фаросат эгаси, оқшомгача менинг ҳамсұхбатим бўлгин. Мен бутун тадбирларни кўриб, ишингга бир чора топайин.

Мажнун эса уни дуо қилди, лекин бир кун унга худди бир йилдек туюлди.

Қуёш Мағриб томон юз тутгач, чўпон ҳам қўйларни Лайли қабиласи томон ҳайдади.

Бир қўй терисини дарров Мажнунга бериб, деди:

– Устингга ёпинггин. Бу терини ўзингга қўйдек кийим қилиб, бошдан оёғинггача ўраб олгин.



Кўй-эчкилар орасида энгаш, ошиқ бўлсанг бу вақтни ганимат бил. Баҳор осмонига чиққан қуёш каби, пари юзли, гўзал, яъни Лайли, қизлар билан ўйнаб-қувнаб, кўй соғишни томоша қилиш учун келади. Сенинг бошингга етиб келгач, истаганингча уни кўрасан.

Мажнун қўй терисини ёпиниб қўйлар орасига кириб, қаддини букиб эмаклади. Замонаки бу фитнани чиқаргач, у тўрт оёқлаб борар эди.

Кўйлар қабилага етганда, қизлар томошага чиқиш учун ошиқдилар. Кизлар юлдузлар каби тезлик билан чиқдилар:

Лайли улар орасидаги моҳитобон эди. Бу ойнинг ишқ билан азоби ортиб, ўзи паришон, зулфи ва холи қоп-қорайган эди. Лайлининг ўтидан юзларига тоб тушиб, гул барги каби юзи кўз ёшлари билан сероб бўлган эди. Кокилларни йўлини супуриб, оламга ғавфо, тўполоннинг чанг-ғуборини сочар эди.

Фитна унинг кўзига сурма тортиб, жон олиш учун кўзини қорайтирган эди. Юз шуъласнинг турутунларидан қора рангга кирган киприклари эса ўлдирмоқни чоғлар эди. Унинг ўтлиғи юзи шундай жозибали бўлганки, Мажнунни ўлдириш у ёқда турсин, доноларни ҳам куйдиришга чоғланди.

Шундай жамол ва юз ноз-ғамзалар билан етиб келди. Мажнун у паризодни кўргач, ҳаёти тарзи барбод бўлди.

Фалакни тешиб юборгувчи бир оҳ тортиб, кўкни унга филоф этди. Сўйилган қўйдек типирчилаб, қўйлар орасига йиқилиб қолди.

У мадорсизланиб шундан бир нола чекдики, қўйлар ҳуркиб қоча кетдилар. Ҳар бириси ҳар томонга дув-дув қочдилар, фақат ўртада ғариб, гирён (Мажнун) қолди.



Мажнуннинг ўтлиғ оҳи Лайли юрагини ўртаб юборганидан, «нима аҳвол бўлди экан?» деб ёнига келди. Караса, бир пўст ётар, пўст орасида эса маҳбуб ётар яширин.

Ниҳоят ғам ўтидан тани қорайиб, мушк устига мушк тортган (яъни тери ёпинган) эди. Унинг мунж каби қорайган ҳолсиз гавдаси, Лайлининг паришон соч толасидек ётар эди.

Гул юзлига бу воқеа маълум бўлғач, у ҳам бир оҳ уриб ҳушидан кетди. Тупроққа тушган нурдек, сарвқомат хур ёри устига йиқилди.

Ишқ ичида тани ҳолсизланган бемадор Лайли ёр билан бирга ётди. Ошиқ ишида содиқ бўлса, маъшукки бошида ошиқ бўлади.

Икки дилдоҳ, яъни Лайли ва Мажнуннинг бундай йиқилишидан қизлар огоҳ бўлиб қолдилар. Гул юзлини дарров кўтариб олдилар.

Булар ҳушсиз ҳолда ҳам бир-бирлари билан қовшолмадилар. Қизлар турли баҳоналарни топиб, Лайлинни олиб кетдилар.

У кимсасиз ғариб, ҳушсиз ҳолда саҳрода қолди, чўпон эса ҳайратда қолиб, чора излашга тушди. Агар қабила аҳли бу воқеадан хабар топса, уни бир нафас ҳам тирик қўймасди.

Шунда икки тую минган киши жадаллатиб, етиб келишди. Улар йигитни бу ҳолатда кўриб, дарров бир тевани чўқтиридилар.

Зудлик билан оёқ-қўлларини боғлаб, туюга маҳкам боғладилар. Қабила аҳлига билдиrmай, шамол тезлигида йўлга тушдилар.

Афсоналар айтувчи донишманд дейди: унинг отаси уйга қайтганда, ўғлининг ўша кечаганини билиб, хавотирга тушиб, астойдил йифлади.

Изма-из бориб, йиглай-йиглай, Мажнун ётган жойга ҳам етди. Уни топиб, тевада тез уйига келтирди.



Қабилага келтиргунча, жони юз марта оғзига келди, Мажнун чүлдан қабилага келтирилганды ҳүшсизлигидан қўйлар ва чўпонни ҳам эслай олмас эди.

Боғлиқ итинг бўлайин, эй, тўғри йўл даштининг чўпони, ўз ёнингга олсанг-чи! Сен-ла машғул бўлиб иш бошладим, сен-да илтифот қилиб менинг қўлимдан тутгин!

XXX

Мажнунни отаси кўп насиҳатлар билан Навфал ҳашамига олиб боргани; Навфал сур асбобини сурур билан чиқаргани; никоҳ или ақди тузулиб, у маҳкам бўлмасдан бурун узулгани; бир ошиқ маъшуқи васлидан умид топгани, яна бир ошиқ маъшуқи васлини тилаб елиб кетгани

Сўз дурларини безакчи машшота каби терган шоир бу паридай дилкаш афсонага шундай жилвалар берди:

Мажнундай зору шайдо уйга келганда, эс-хуши жойида эди. Ўғлини қарши олган отаси йифлаб, шикоятлар қилди ва панду насиҳатлар айтди. Мажнун оғир аҳволи ҳақида отасига бир оғиз ҳам сўз айта олмади, жуда хижолат бўлганидан отасига қарай олмасди. Бироқ отасининг азобланишидан шундай таъсирландики, ўзини унинг пойига ташлади. Юзларини ерга қўйиб, қулогини тутиб, қайта-қайта отасининг оёқларини тавоғ қилди.

– Отажон, сенинг лутфинг пушти-паноҳимдир, гуноҳларимни кечиргин, ахир! – деди.

Отаси ўғлининг ожизона илтижосини эшитгач, деди:

– Сени бу аҳвoldан қутқазишим керак, бунинг учун барча ҳунарларингга чек қўйиб, менинг ай-



тганимни қиласан. Мени рози қилишни истасанг, шариат ҳукми қандай буюрса, оғишмай амал қилгин.

Мажнун мард, лутфу марҳаматли ва муруватли эди. Ақди хуши жойида бўлганда, асло беодоблик қилмасди. Одоби улуф одамлардек, одати эса авлиёлардек эди. Аввало Худонинг розилигини, қолаверса, ота-онасининг розилигини кўзлаб деди:

– Сен қайси ишимдан рози бўлсанг, бажонидил бажариш бурчимдир. Гапингни айт, нима қилайин, бутун инону ихтиёrim сенинг қўлингда.

Отаси хурсанд бўлиб, Навфалнинг қизидан гап очди:

– Навфал – бутун Араб диёрида, йўқ, балки бутун оламда ягона инсон. У сени дея кўп қайфурди, кўплаб азобу машаққатлар чекди. Афсуски, тақдир ҳукмига бас келомади, бинобарин мушкулингни осон қилиш чорасини топа олмади. Унинг тортган азоблари бўйинингда қарз бўлиб қолди, ундан узр сўрашинг фарздир. Уни рози қилиш учун, қолаверса хаста отангнинг ҳам илтимоси шу; у билан қариндошлиқ алоқаларини боғласак, сени унга ҳам фарзанд қилсак. Унинг парига ўхшаган, бошдан-оёғи жуда ҳам чиройли, суқсурдай бир қизи бор эмиш. Иффат саройидаги у гўзалнинг кўйида юзлаб қабилаларнинг йигитлари сарсону саргардон. Унинг висолига етишмоқ орзусида юрганлар беҳисоб эди, лекин бу қизнинг қўлинни сўрашга журъат қила олмадилар. Бу баҳт бизга насиб қилгани билан фахранаман. Башарти, бу таклифни рад қилсанг, пайсалга солсанг, нималар рўй беришини айтгани тилим бормайди. Отангни рози қилишни истасанг, ўзинг ҳам рози бўлиб, бу хайрли ишни поёнига етказишни менга топширгин!



Отаси шу йўсинда Мажнун тилини боғлаб кўндириди, ўғлиниң розилигидан хурсанд бўлди. Хушвақт бўлганидан, оламга сифмай бутун қабиля аҳлини зиёфатга таклиф қилди. Зиёфат учун зарур барча нозу неъматларни ортиғи билан тайёрлади. Мажнунни кеча ва кундуз каби оппоқ ва қора шойи либослар билан ясантирилар. Ортиқча ишларга вақтни бой бермай, тез Навфалниң уйига жўнадилар. У ҳам будан хабар топиб, бутун хеш-акрабосини тўплади. Катта тўй бошлаб, меҳмонларни базмга келтирди. Хурсандчиликлар билан неча кеча-кундуз майхўрликлар қилишди.

Ниҳоят, тўй ва тантана тугади, базмдаги майкосалари йиғишириб олинди. Гул юзли келин билан куёвни зеб-зийнатлар билан ясантирилар. Қизни ойдек тўққиз ниқоб ва пардалар ичига жойладилар. Куёвни базмга келтириб, ўртага ўтиргиздилар. Нафаси Исои Масиҳдай мўъжизакор хатиб, Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, ой билан қуёшни, яъни куёв билан келинга никоҳ ўқиди ва уларнинг бошларидан кўплар кумуш ва олтинлар сочдилар. Қуёш ҳам келинлардек яширинди, тун ҳам куёв каби ерга ястанди. Оlam ҳам бу ишни мувофиқ кўриб тўққиз табоқда, тўққиз осмоннинг юлдузларини замин узра сочқи қилиб сочди.

Келин-куёв учун уй нчида тахтдай гўшанга ясатилган, унга кўрпалар тўшалган эди. Ўйин-кулги, вақтичоғлиқ билан уларни келтирдилар, лекин куёв билан қиз асло кулмас, хуррам эмас эди. Мажнунни парига яқин ўтқазиб, ўз харидорига топширилар.

Навфал уй теварагини одамлардан холи қилди; элниң ҳам қатнови тўхтади. Яқин атрофда ҳеч ким, ҳатто бирон жонзод ҳам қолмади. Вақт ярим кечага яқинлашганда, ҳамма уй-уйида уйқуга фарқ бўлди.



Навфал май ичиб, узоқ ўтирди, кўнглидан турли хаёллар кечар эди. Шу хаёллар безовта қилиб яширинча уй олдига келди. Секин уй кигизини йиртиб, ўша тешикдан мў-ралади. Қизининг ўрнидан туриб, Мажнунга таъзим қилаётганини кўрди. Қизи шундай деди:

«Эй, ягона йигит, эй пок муҳаббат офтоби юзингда порлаган, ҳам вафо нури тегрангда балқиган, ишқ бобида замоннинг ягонаси! Менга ҳам, бутун ҳалққа ҳам маълумки, сен Лайлининг ишқида нотавонсан, сенинг унга ишқинг жаҳонга достон бўлган. Унинг фами кўнглингда маҳкам жойланиб, унинг ишқи сенга топширилган. Кўнглингдаги унга нисбатан ишқ ўтини асло совитмайсан, ундан ўзга ёрга асло кўнгил бермайсан. Оталаримиз келишиб, бошингга мана шу куни солди.

Эй Мажнун, ишқ ўлкасида шоҳсан, ишқ аҳлининг дарду ҳасратларидан огоҳсан. Ишқим билан оёғу қўли занжирбандим, менинг ҳам бир ошиқ дардмандим бор. У дардимда куйган ошифимдир, мен ҳам унинг ишқида адойи тамом бўлганман. Лекин иккимиз ҳам бу ишқ ўтида пинҳона куйганимиз-куйган, у менинг ошифим эканини ҳам, мен эса унинг содиқ маъшуқаси эканимни ҳам ҳеч ким билмайди. Инсоф билан ўйлагин, менинг ҳажримда ўртанаётган ошифим иккимизнинг никоҳ тўйимииздан хабар топса, бу кеча унинг аҳволи не кечади? Жондан умид узиб, ҳаёти завол топади-ку!

Сиримни айтдим, сендан бир ўтинчим бор. Мен туфайли маломатга қолсанг ҳам, шу оғир илтимосимга рози бўлгин, мени ҳалқ олдида шарманда қилмасдан, бу ердан чиқиб кетгин. Бундан хабар топганлар, сени маломат этса ҳам, мен одамларнинг қаҳрли маломатига қолмасам, шундай маломатларга кўксингни қалқон қилсанг. Мендай чо-



расиз қизга мардлик билан муруват қилгин. Аллоҳ таолодан ёлвориб сўрайман: покиза ва нодир Лайлини ўз паноҳига олиб, ҳар қандай балою қазолардан омон сақласин. Ҳажрида сабру тоқатли қилиб, васлини ҳам сенга насиб этсин!»

Мажнун бу сўзларни эшитиб, бағри ўртанди, бечора қизнинг аҳволига зор-зор йифлаб, деди:

«Эй кўнгли ранжиган! Ўз ишқу муҳаббатинг билан шожду хуррам бўлгин! Ёрингга вафодорлик шиоринг, Аллоҳ ҳамиша ёринг бўлсин. Менинг ҳам кўнглимга Лайлиниг ишқи дарди сира ҳам тинчлик бермаётир, шу боис тоғу даштларга бош олиб кетишни ўйлаб тургандим. Сени ранжитмаслик учунгина дардимни ичимга ютиб бу ерда аранг ўтиргандим. Бу айни муаддо бўлди, сенга қандай миннатдорчилик билдиришга ҳам ҳайронман. Ўзим ҳам шу ниятида эдим, сендан асло хафа эмасман. Мен ўзим ҳам шу паллада кетмоқчи эдим, сен йўлимни очдинг. Бинобарин, миннатни сенга эмас, ўзимга, балки жон билан икки кўзимга кўйдим».

Мажнун шундай дуолар ва лутфу марҳамат билан ўрнидан турди. Ака-сингил каби меҳри билан муносабатда бўлиб, синглидан кўп узрлар сўраганча уйдан чиқди-да, яна фам саҳросига бош олиб кетди. Қиз билан куёв орасида кечган сўзларни, ғалати аҳволни кўрган Навфал телбалардек ва май устига наша чеккан кимсалардек уй томон ганграганча қўзғалди. Кўрганларини эслагани сайин хижолатга ботар, бироқ на айта олар, на кўнглида сақдай олар эди.

Уйнинг бир бурчагида қизнинг ошиғи қаҳр ва разаб билан беркиниб турган эди. Қўлида ўткир ханжар тутганча, агар улар ишратга берилса, ҳар иккаласини ҳам ҳалок қилмоқчи ва ўз кўксини ҳам чок этмоқчи эди. Ошиқ бечоранинг ишқи



жуда ҳам покиза эди, покиза ишқи алангани унга гулзор қилди. Мажнун мардлиги уни ром қилди, ундан аъло ишқ таълимини олди. Мажнуннинг изларини тавоф қилиб, бу мардлигига оғаринлар айтди. Ўз дилдорининг садоқати, меҳру вафосидан боши осмонга етди.

Бундай меҳру муҳаббатнинг гувоҳи бўлиб ақду хушини йўқотгудай бўлди. Ишқ дардидা тоқати тоқ ошиқ йигит уйга кириб олган эди. У яширган жойидан чиқиб, ўзини севган ёрининг пойига ташлади. Маъшуқа ўз ошиғу нотавонини кўргани ҳамон мاشаққат билан фифон чекишни бас қилди. Мехрибонлик билан ошиғининг бошида парвона бўлиб, бошини кўтариб, кўнглинни олди. Уларнинг муҳаббати йиллар давомида кундан кунга зиёда бўла бориб, шу тундаги каби васл давлати армон бўлиб келар эди. Ниҳоят, бир-бирларига муҳаббат изҳор этиб, бир-бирларининг дийдорларидан маст бўлдилар.

Шу кеча ошиғу маъшуқ учун нафс муродидан бўлак барчаси мұяссар бўлди. Тонг отгунча гунгу лол, висол шаробидан сармаст бўлиб чиқдилар.

Тонг қуши нола қила бошлагандা, ошиқ ҳам хайрлашиб, ёр билан топишганидан хурсанд чиқиб кетди, маъшуқаси ҳам фамдан озод бўлди.

Тонг келинининг юзи тўлишиб, оқара бошлаганда фалак машшотаси унинг юзига қуёш кўзгусини тутди. Тўй аҳли тонг саҳарда шодлик билан қиз ва куёв олдига келдилар. Уйда икков эмас, ёлғиз қиз бор эдию куёв йўқ эди. Мажнуннинг қариндошуруглари хижолатдан фамга ботиб, ўлимга ҳам рози бўлди. Барча гапдан хабардор Навфал, нима дейишини ҳам билмай, тили лол эди. У Мажнуннинг қариндошларидан кўп узрлар сўради, сўзлари фақат узрдан иборат эди:



«Аллоҳнинг иродаси шу экан, тақдирга ҳукмига эса чора топиб бўлмайди. Бу ишларда сиз ҳам, биз ҳам, ўғил ҳам, қиз ҳам гуноҳкор эмас. Буларнинг барчаси тақдир ҳунари, шукр қилинг, ортиқча ғам тортманг!»

Навфал кечирим сўраб уларни кузатгач, узалиб ётди. Кўнглида пинҳон бу дарду ҳасратдан хасталаниб, ётиб қолди.

Эй доно табиб, bemorman, лекин касаллигим сабабини аниқдашингга ҳожат йўқ. Бу ниҳоний ғам зимдан жонимни олмокда, ё уни даф эт, ё жоними ни ундан омон сақлагин.

XXXI

Фалак золи найрангининг ўзгариб туриши Мажнунни Навфал қизи висолига еткурмай туриб айиргандек Лайлни ҳам Ибни Салом маломатидан саломат айриб, ҳижроннинг қаро тунида икки номуродни муродга еткургани ва бадансиз руҳни руҳсиз баданга киргани; руҳ билан бадан васли мұяссар бўлгач, фироқ тигини суриб, ўша сув билан бу висол ўтини ўчиргани

Шоир қалами билан бу саҳифаларни безар экан, афсонани шундай ҳикоя қилди:

Ҳунари аксарият ҳийла ва алдов қисмат, Мажнунни майна қилиб, аксинча беҳаёлик билан уни уйланишга чоғланди.

Иттифоқо Ибни Салом ҳам уйланиш учун тўй тадоригини кўра бошлади. Барча керакли нарсаларни ҳозирлаб, Лайли қабиласига от солди. Улар ҳам меҳмонларга пешвоз чиқиб, Ибни Саломни уйга жойлаштирдилар. У билан келган одамларни ҳам эъзозлаб, май базми ташкил қилдилар. Одатий зиёфатни, ҳаддан зиёд дабдабали қилдилар. Бир



неча кеча-кундуз базми жамшид бўлди, кун ҳам, тун ҳам майсиз ўтмади.

Никоҳ тузиш фурсати етди, тўй тантанаси яна авжга чиқди. Белгиланган пайтда қабила аҳли ҳам тўпланди. Бўлмағур, бемаъни сўзларни такрорловчи хатиб никоҳ аҳди билан куёвни боғлади. Никоҳ ўқиб бўлингач, Лайлиниг хонасига йўл олишди. Минглаб жабру жафоларга йўл бериб, Лайлидай ойни аждаҳога топширмоқчи бўлдилар.

Ибни Салом Лайлиниг қўлини ушлагани ҳамон кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ибни Салом хафақон касалига чалинганди. Кўп шароб ичса, шундай тўлғанар эдики, ҳатто нафаси ҳам тутилиб қолар эди. Бир неча кун тўхтовсиз шаробхўрлик қилганидан, ўша касали яна қўзгади. У ҳушидан кетиб, ўлган кишилардек йиқилди.

Унинг ҳаёт шами ўчгандай, тўй азага айланди. Одамлар уни ўлган ҳисоблаб, тез бир уйга келтирдилар. Барча куёв бошига йифилди, келин билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Бечора келин ваҳима ичиди қаноти синган то-вусдек мажолсиз эди. Кўнглидан юз хил шубҳалар кечар экан, минг хил ўйларга борди. Ўзини ўлдириш учун заҳарли пичоқ яшириб қўйганди. Агар душмандай Ибни Салом ўз мақсадига эришгудек бўлса, ўзини ўлдиришга қасд қилган эди. Мутлақо ёқтирмайдиган кишидан қутулиб, Мажнундай ёрига вафодор бўлиб оламдан ўтишни ўйлаган эди.

Бироқ фалак яна бир ўйин кўрсатди: Лайли ўзига уришни мўлжаллаган пичоқ фанимидай бўлган Ибни Саломга санчилиди.

Мунофиқ фалак бу кеча гаройиб ишларни со-дир қилди. Биринчидан, муҳаббат дарди бағрини ўртаётган Лайли билан Мажнунни, фалак денги-зи мавж уриб турганда, ҳар иккаласини ҳам бош-



қа-бошқа одамлар билан бошини қовуштиromoқчи эди. Ҳар бирини бошқа билан жуфт қилди-ю, ҳар икки гавҳарни ҳам бутун сақлади. Иккинчидан, бу икки қайғули воқеа бир кечада бўлди. Лайли ҳам, Мажнун ҳам шу кечанинг ўзида бошқалар хасми бўлмасдан, улардан айрилиши.

Бу воқеалардан нигоҳини узмаган мунажжим уларни айнан бир вақтга тайин қилгандек эди. Лекин мунажжимлар бу борада ҳам ожизлик қилди, «мунажжимлар – ҳамиша ёлғон гапирадилар» деган нақд яна ўз исботини топди.

Алқисса, куёв Ибни Салом ҳолдан кетиб, заифлик танини поймол қилганда, ўша кеча барча одамлар ва аёллар, кампирлару қизлар бошига тўпланган эди.

Лайли бу балодан қутулиб, ғамгин кўнгли хурсанд бўлди. Зотан, унинг олдида биронта одам қолмаган, ҳамма куёв бошида эди. Ҳужра холи қолгач, кўнгли тўқ бўлди. Уй ёнидаги баланд қум тепага кўзи тушиб қолди. Уйдан чиқиб, қумлоқ бўйлаб кетди. Бир лаҳза тинмай, ором олмасдан, секин-секин қадам ташлар эди. Ҳар лаҳзада Худога шукр қилиб, ихтиёrsиз кетиб борарди. Жуда узоқ йўл юрганидан, Ҳай қабиласи ҳам кўзига кўринмай кетди.

Мажнун ҳам биёбонда, Лайлига пешвоз шитоб билан келар эди. Бир-бирларига яқинлашгач, ҳар иккаласи ҳам изтиробга тушдилар. Лайли жонга ҳузур берувчи, ҳазин навосидан Мажнунни таниди. Мажнун эса унинг муаттар ҳидидан баҳра топганидан, кўнглида фироқ ва аламлари қолмаган эди. Тезлик билан бир-бирларига етишдилар. Бундай ҳузурбахш висолни ким кўрган, ҳайҳот?! Улар бир-бирларига талпиндилар, шу чоқ руҳ бадан ҳарамига кириб келгандек бўлди. Яъни мажруҳ



Мажнун баданига маъшуқаси руҳ бўлиб кирди. Муқаддас руҳ учиб келиб бадан хоки туроби билан пайваста бўлиб кетди.

Буларнинг шу ҳоли, икки гавҳар бир қутичага солингандек, икки қуёш бир бурждан чиққандек бўлди. Бир қадаҳга икки хил май қуйилди, бир гунчадан икки гул очилди. Бир жисмга икки руҳ сингиб, бир кўзда икки қорачик порлади. Висол шавқи иккисини ҳам боқий айлаб, соқий ваҳдат қадаҳини тутди. Бу шароб бирини маст қилган бўлса, иккичисини майпараст қилди. Йўқ-йўқ, балки иккаласи ҳам маст, ҳам майпараст бўлди. Бир-биридан шубҳасиз фарқ қилювчи икки ошиқ-маъшуқнинг исмлари икки хил бўлса ҳам кўринишлари бир жисм эди. Икки қадаҳдаги оби ҳаёт қўшилса, ким уни ажратади? Буниси қанд, у бири эса тоза сув эди, қанд сувни ўзига шимиб олди. Буниси сув эди, униси эса сувдан ҳосил бўлган кўпиклар бўлиб, бир оҳ билан унга етишди.

Қаҳри қаттиқ дунёнинг ҳам кўнгли ниҳоят юмшаб тун фитна кўзини уйқу билан ёпди. Жаҳон вафо билан тўлиб, бутун баҳтсизликлар фалак уйини тарк этди. Дунёнинг омон-омонлиги билан маккор замона баланд девор ичидаги қолди. Икки севишганга толе ёр бўлиб, даврон мададкорлик қилганига ақд бовар қилмас эди.

Жаҳондаги барча маҳлуқотлар, шу пайтда ҳар иккаласининг васлини тилар эди. Ўргамчи ҳам шувоқقا ўралиб, ришталари билан тумшуғини боғлаб олди. Кўршапалак ҳам қаноти билан оламга парда ёпди. Бўрининг қулоқлари юзига тушиб, кўзининг чироғи ёпилди. Укки эса ногоҳ садо чиқармаслик учун тумшуғини парлари ичига олди. Қўйчи итини уйқу деви, ҳар бир жунига кириб олгандек босиб олган эди. Бу анбаролуд қоронғи кеча макр



билин тулкининг уясига тутун солди. Ҳайвонот ва қушлар тинчланиб, газанда ва даррандалар уйқуға чўмди. Бундай висол зое кетмаслиги учун табиат ҳам мадад кўрсатарди. Не гард учар, не ел эсар эди, сувлар ҳам сассиз оқар, ҳеч қандай олов ёлқини кўринмас эди. Ҳаво мизожи ўт кўрасининг юзини тўсишга мойил эди. Совуқлик сипоҳи тушишга олов пардаси тўққинлик қиласиди.

Тўққиз фалак бир-бирининг юзини тўствори сингари шу совуқлик фалак юзини пок сақлар эди. Ҳаракатсиз юлдузлар эса, баҳтсизлик ёғдирувчи нијатларидан воз кечиб, саодат бағишлиовчи юлдузлар орасидан ўрин олди. Ойнинг кулчасида нур ҳам кўринмас, ер уни қуёш кўмачдонига кўмган эди. Аторуд тонг отгунча ҳеч кўзини юммасдан, «кўз тегмасин»¹ оятини ёзар эди. Зуҳра юлдузи ашула айтмас, чанг чалмас, парда ичига яширинган эди. Қуёш шами ер тагига ботиб, кеча хилвати ўз қора шамини намоён қилганди. Баҳром юлдузи ғазаб билан найза ўқталиб, кимки ёмон кўз билан қараса, кўр қилмоқчи бўлиб турар эди. Биржис² эса шу икки дилбар ёрга висол завқини тилаб, қўл очиб дуо қиласиди. Зуҳал юлдузи баҳтсизлик ёғдиришдан номус қилиб, тунни ўз юзидан яна ҳам қора тус берар эди. Тун ҳам қўлларини қорага булғаб, саҳар йўлини тўсар эди. Тонг шабадасини қанотланмас ва тун кулларини ҳам совитмас эди. Чин тонг нафас олишга ҳам ҳавас қилмас, ёлғон тонгга эса бу кечадан ўрин ҳам йўқ эди. Фалак гардишини тун дудлари тутиб, тонгнинг дамини қайтарган эди.

¹ Аслиятда «ин якод» – яқин бўлса; «ва ин якодуллазина кафару лаюзлиқунака биабсориҳим» ояти шарифага ишора – куфрони неъмат қилганлар кўзлари билан сени еб қўяй дейдилар.

² Б и р ж и с – Юпитер сайдераси.



Одамларнинг ақл чарогида ёруғ ҳам йўқ, бутун маҳлуқот чуқур уйқуда эди. Улар иккиси баҳти бедор кишилардай, бир-бирларининг дийдоридан маст эди. Фалакнинг йиллар бўйи давом этган қаршилиги бир кечада йўқ бўлган эди.

Сарв дараҳтига чирмашган печак гулдек, бу икки тан ва жон бир-бирларига чирмашдилар. Гоҳ Мажнун Лайлиниң оёғини ўпар, гоҳ Лайли унинг иягини силарди. Гоҳ Мажнун қўлларини ҳалқа қилиб, Лайлиниң танига сочи каби ўрарди. Гоҳ Лайли Мажнун қўлини силар, гоҳ юзини, гоҳ қўзини сурттар эди. Гоҳ Мажнун қулочини очиб, ёрининг сочи ни қўлига чирмар эди. Бинобарин, хазинага ҳава-сманд унга илон тармасиб қолса, таажжуб эмас!

Лайли гоҳ дардини изҳор қиласр экан, Мажнунининг патила соchlаридан гард артар эди. Яъни, бу қора фамнинг фубору чангни мен учун хушбўй тотор атридан ҳам муаттар, дер эди. Мажнун ўзини Лайли фаҳмлаб, нозу ишвалар қиласрди. Лайли ҳам ўзини Мажнун ҳисоблаб, ёр билан ҳамнафас бўлганига шукр қиласр эди. Мажнун Лайли бўлиб, Лайли Мажнун бўлди-ю, натижада иккилиқдан асар ҳам қолмади.

Улар висол кечасида кўп ишларни бошдан кечирган бўлсалар ҳам пок эдилар. Ишқ аҳли булардек пок бўларкан, уларга абадий васл муюссар бўлса, ажаб эмас. Зотан, нафсу ҳирс мақсадида шайдо бўлганлар учун ошиқлик ҳаромдир.

Бир-бирига кўнгил қўйган шу ошиқ-маъшуқлар, висол шаробидан баҳраманд бўлди. Бироқ осмоннинг пайванди узилиб, яна жабру жафолар бошланди. Ёлғон ишваларга толиб бўлиб, ёлғон тонг ҳам ота бошлади. Лайлиниң ҳам шодлиги барҳам топиб, тонг шами каби кўз ўшларини тўқди. Ҳар иккаласи ҳам меҳрсиз фалакнинг ўз қуёшига юз кўрсатажагини билдилар.



Навниҳол сарвдай Лайли юз узр-эътиромлар билан ўрнидан қалқиб, шаҳло кўзларидан алвон кўз ёшлари тўқди. Ўша оқшомда бошига тушган баҳтсизлик ва кулфатларни бирма-бир баён қилди:

«Сен билан бирга бу ерда туриш қанчалар завқли бўлса ҳам, лекин қайтганим маъқул».

Икки ёр ўша кеча бошдан ўтказган воқеаларни айтди. Бир-бирларининг оёқларини ўпиб, айрилиқ доғларини тозаладилар. Фамли туннинг бутун дардлари девонага қолди; Лайли ҳам кечалари дайдиб юрувчи ой каби ўз минорасига чиқди. Айрилиқ тонгининг банд-тузоги очилмаса, висол шоми – бебаҳо давлат. Ошигу маъшуқлар юзлаб ийлар шундай шомни орзу қилсалар ҳам, безавол каби туюлса ҳам тонг отгач, бир лаҳзалик экани маълум бўлади.

XXXII

Фироқ тоши кўксига урилавериб, Мажнуннинг Нажд тогини оромгоҳ қилгани; кўзидан тўйкан багир қонидан ўша тогда лолазор очилгани; мушк бўйли охуси ёди билан сўзга кириб, мушк сочувчи насим билан наво кўргизгани

Юраги дарду ҳасратлар билан тўла афсона куйловчи бу дардли афсонани давом эттирди:

Ўша кечаси икки севишган ёр бир-бирларининг висолига етгандан сўнг, бири даштда қолди, бири ўз қабиласига кетди. Ойнинг чодири, яъни Лайлининг уйи бўшаб қолган эди, ой ўз чодирига қайтиб борди. Лайлининг бу ишидан ҳеч ким хабар топмади, унинг вас-лидан ким баҳра олганлигини ҳеч ким билмади. Ибни Саломнинг омадсиз одамлари Лайлининг ўз муродига етганидан фафлатда қолдилар. Тонг куёвдек безаниб, жилва қилди. Тонг



нафасини гулсафсар сариқ ранги билан бўғиб қўйди. Хафақон касалига чалинган куёв кўз очиб, одамларига кажава келтиришни буюрди ва ўз саройига жўнади. Касали тузалгач, яна тўй ҳаракатини бошлайдиган бўлди.

Лайли уйига келиб, кўнгли таскин топгач, яна ҳижрон ғамга ботди. Ёр васлидан бир бора сармаст бўлган қалби орзиқиб сира ҳам тинчлик бермас эди. Ҳижрон дарди қанчалар қаттиқ бўлса, болдай ёр висоли ҳам шунчалар аччиқ эди.

Висол давлати насиб этган Мажнун ҳам васл лаззатини ҳис этмади. У ҳамон ғам ўтида хас каби ёнар, васлнинг номинигина эшитарди, холос. Лекин ёр висоли билан юз бор оби ҳаёт ичгандек жони тоза бўлди. Бироқ қисмат бу ҳаётбахш обни тўкиб, яна заҳар тўла жомни тутди. Ҳижрон азоби шу даражага етдики, аввалгидан ҳам оғир ҳолга тушди. Кўнглига юзларча балолар ваҳима соглак, яна Нажд тоғига жўнади. Нажд чўққиси ер юзининг иккинчи осмони ҳисобланади. Бу тоғнинг уни фалакнинг қулоғини тешиб, қоплондан ойнинг қасдини олган. Нажд тоғининг қоплони осмон Асадининг аҳволини танг қиласади, эчкиси эса осмоннинг Жадди билан баравар югуради. Бу тоғ бағрида ўсимликлар ўсмаган, яъни яланг бўлиб, на гуллар, на ўт-ўланлардан асар бор эди. Чўққилари ойнинг қалқонига тифдек тегар, балки қуёшнинг юзига ҳам етар эди. Қирраси-даги тош парчалари, худди қиличининг дастасидаги тошлардек эди. Ошиқ кўнглидаги қайфу тоғидек, бу тоғ ҳам ялакат тошлардан иборат эди. Ошиққа жабр қилиш учун, тоғнинг бутун бағри ва этаклари тош билан лиқ тўлганди. Ҳар бир тикани ҳажр ниши каби ўткир, ҳар бир тош парчаси эса, фироқ сингари ғам-ғуссалар кони эди.



Мажнун шу тоф тепасини макон қилган, майда тошларни тозалар, хас-хашакларни супурар эди. Тоғнинг устидан барча қабилалар яққол кўриниб турар эди. Мажнун Лайлиниг уйидан кўзини узмасди. Ҳай қабиласига термилиб ўз фамига чора топмоқчи бўлар, ўша қабила уйларидан чиққан ту́тунни кўзига сурма қиласар эди. Қабиланинг тоф каби осмонга юксалган чанг ғуборлари Мажнуннинг кўзига тўтиё эди. Дам-бадам оҳ тортиб, яна ўша тарафга юрди. Кўкка кўтарилиган оловга ўхшаб, Мажнун ҳам аланга каби тоф устига чикди. Ўша қабилага кўз тикиб, ўзича сўзлай бошлади. Уни ваҳший ҳайвонлар давра қилиб ўраб олдилар, буларнинг хушлари жойида-ю, бу бехуш шайдо эди. Атрофига қушлар жам бўлди, улар парвона, Мажнун эса бамисоли шам эди. Унинг машгулоти шундан иборат бўлиб, ҳайвон ва қушлар билан куни ўтар эди.

Ваҳший ҳайвонлар унинг ҳамсуҳбати бўлиб, бир жайрон дўсти эди. Жайроннинг бўйни нозик, кўзлари шўх, танаси таранг, оёқлари енгил, чопагон эди. Бу жайроннинг қиёфаси лутфу марҳамат қалами билан чизилган, жони эса нофамушкнинг хушбўй ҳидидан эди. Жайрон бу Лайлиниг ишқи девона қилган Мажнуннинг қадрдон ошнаси, суюнганда – суюнчиғи. Мажнун меҳр билан жайроннинг бўйини қучоқлар ва юзини юзига суртар эди. Жайрон эса қулоги билан Мажнуннинг кўз ёшлари ни артар, туёқлари билан баданини қашир эди.

Мажнун унинг васфини куйлаб, қулогига афсоналар айтар эди:

«Эй, ошиқдарга ошна ва бошдан оёғигача дўстлик меҳри тўлган. Силлиқ танингга гўё шойи кийим кийибсан, тагингда эса шойи ўринда қоқим – майин юнинг бор. Елканг ва сагринг тоза, пешона ва бетларинг чиройли. Емагинг лола бўлга-



нидан, оғзингда лоланинг бир барги тил бўлиб қолган. Тишларинг лолага инган шабнамдир, шабнам демайин, балки ипга тизилган дурдоналардир. Лола барги билан озиқданганинг учун дудофинг дур устидаги ёқутга айланган. Икки кўзингнинг қоралиги позаҳр¹ билан қаро орасида алоҳида ранг касб этган. Кўзингнинг ҳар очилиб юмилиши –бу позаҳр, одамларга болу асалдан баҳра етказади. Ё ачиқданиб одам ўлдиришга қасд қилдингмики, позаҳр кўзингни заҳарга тўлдирибди? У –по-заҳрмас, балки жон билан кўнгил орасидаги қора балодир. Жоду кўзинг Лайлининг кўзлари каби шўхдир, сурмасиз бўлса ҳам, доим сурмарангдир. Нозик оёқларинг йўнилган ва уни кесилган қаламдай. Билсам, туёғинг туёқ эмас, қалам учига юқдан сиёҳ экан. Бўғим-бўғим қамиш қаламдек, нозик суюкларинг ҳам бир-бири билан пайваста. Таажжубки, гўё хат ёзиш учун бўғинлик қалам очибсан. Шу қаламинг билан юриб, Лайли саройига бориб жойлашгин. У баҳор тароватидан баҳраманд бўлиш учун чиқиб, сен тарафга қараб юрса, четроқ жойда давра олиб, узоқдан югуриб, бошида парвона бўлгин. Унинг атрофида чопиб айланганда ҳар ўн қадамда тупроққа юз қўйгин. Мен учун Лайли сайрининг йўли ва йўлининг фубори бўлгин. Ҳам юзимни юзингга, ҳам кўзимни кўзингга суртайин. У хиром этган томонга сен ҳам равон бўл, лола ва гуллар орасига беркинггин. У келгач, оёғига юзингни ва хоки пойига икки кўзингни суртгин. Бўзлаганча унинг ишқи билан тортаётган дарду ҳасратларимни ошкор этгин, ҳўнграб фариблигими-ни ва мунгимни айтгин».

Мажнун кийикка ёлворар экан, қушларга ҳам ўзгача ҳасрат қиласарди. Қушларнинг ҳар бирига

¹ П о з а ҳ р – заҳар муҳра, заҳарни қайтарадиган малҳам.



дам-бадам қүш тили билан ёлвориб, ғуссалы қиссасини айтар эди. Жои саҳи-фасига нома ёзаркан, ҳар дамда ҳушидан кетар эди. Бу номани жоннинг иплари билан уларнинг қанотига маҳкам боғларди. Гоҳ ҳаводаги қушлар билан, гоҳ тонг шабадаси билан Лайли хабар йўллар эди. Кўнгли Лайлиниг висолига талпинар, васлининг шароби билан сармаст бўлар, лекин буларнинг барчаси хаёлида эди. Мажнун Лайли билан топишган вақтларинн эслаб, шод бўларди.

Ошиқ юз йил ҳижрон дардидан азоб чекиб, бирлаҳза ёр висолига етишса, сўнг айрилиқ устига айрилиқ келса ҳам фамга ботмайди. Во дарифки, лоакал шундай оний висол ҳам менга насиб этмади!

XXXIII

Мажнуннинг ота-онаси унинг қаттол фироқидан ҳалок бўлиб, у бу ҳолни тушиб кўргани; қабристонга елдек етиб, ота гўри бошида етимлик дарди билан, она қабри тошида асирлик мунги билан фигон тортгани

Бу фам базмида кўнгли дардлар билан тўлган одам дардли тароналарни шундай куйлади:

Бағри қон, яъни фарибдан ҳам фариб, хастахол Мажнуннинг Навфал уйидан чиқиб, даштга йўл олганини эрталаб ота-онаси билгач, элдан уялиб ҳаёти барбод бўлди. Одамлар орасида шармисор бўлганидан ва алам билан куйганидан ҳар иккиси уйига қайтгач, отасининг иситмаси кўтарилди, аъзойи бадани хасталикдан терга ботди. Дарди зўрайиб ётиб қолди, терга ботганча, совуқ оҳдар тортди. Унинг касалини тузатиш учун кўплаб чоралар кўрсалар ҳам сиҳат топмади. Ҳакимлар бар-



ча маҳоратини ишга солса ҳам ҳарорати пасаймади. Кофурни¹ даво мақсадида шарбат каби ичган сари, баданидаги ҳарорат бадтар күтариilar эди. Вақти келиб, ҳаёт дарахти баргсиз қолса, ундаи кишига фақат ўлим шарбатини ичишга мажбур бўлади. Агар табиб касалга тухмиёна² берса, даво бўлиш ўрнига унинг доналаридан заҳарли гиёҳдар унади. Табибининг таранжабин³ малҳами ҳам аксинча касалнинг ичини қабзият қиласи, исканжабин⁴ эса сафрони бадтар кўпайтирар эди. Даволаш мақсадида қилинган барча тумор, жодулару дуохонликлар беморнинг азобини яна ҳам оширишга сабаб бўлар, қўрқинчли қўрқинчли касаллик азобларини тўхтатиш иложи топилмас эди. Самодан «Омонатни бер!» деган нидо келгач, жон омонатини топширди. Макони сидра⁵ бўлган руҳ қуши ўз манзилига учди. Бутун қабила азадор бўлиб қолди, дарду ҳасрат билан оҳу воҳ қила бошлади.

Бу қайгулар гирдобида қолган шўрпешона кампирнинг ҳам аҳволи оғирлашди. Бир томондан ўғилининг ғамидан қийналиб, иккинчи томондан чолининг дарду ранжаларини тортиб, оқибатда юрак-бағрини пора-пора қилди, ҳаётдан умиди қолмади. Қордай оқарган сочини юла-юла елларга учирди, вужуди ҳам бир тола сочдек заиф бўлиб қолди. Жафокаш қисмат уни ҳам марҳум жуфтига қўшиди. Ўғлини кўра олмай фироқида кетган бўлса ҳам, лекин чолига етишди. Қабила одамлари қора мотам либосларини кийиб, бечора кампирга ҳам аза тутди.

¹ К о ф у р – фоятда оқ ва хушбўй модда.

² Т у х м и ё н а – доривор ўсимлик уруғи, хабдори.

³ Т а р а н ж а б и н – ични юмшатадиган малҳам.

⁴ И с к а н ж а б и н – сафррога қарши дори.

⁵ С и д р а – афсонавий дарахт. Қуръони Каримда тилга олинган.



Ўша ердаги қабристонга Ҳай қабиласининг одамлари дафн этиларди. Абадий уйқуга кетган чолу кампир ҳам ўша ерда ёнма-ён дафн этилди. Фалакнинг бу қилмишларидан Нажд тогидаги Мажнун хабарсиз эди.

Кунлардан бирида унинг қайфу-ҳасратлари ошиб, бир нафас уйқуга кўз юмди. Кўзлари уйқу оғушида роҳатланар экан, ғалати туш кўрди:

Икки капитар бир уйда бола очган, палапон капитарнинг қанотлари ўсгач, замона турли балоларга гирифтор қилди. Оқибатда паришонхотир ва бир муддат ҳавойи бўлиб қолди. Ота-онасини бутунлай тарк этиб, саҳродаги жониворларга қўшилди. Ота-онаси, яъни нар ва мода капитарлар уни олиб келиш учун парвоз этдилар; уни топсалар ҳам, капитар бола рўйхушлик бермади, ўз уйига қайтмади. Улар иккови ноумид қайтар экан, шафқатсиз балога йўлиқди: икки бургут чанг солиб, икки капитарнинг ҳам ҳаётига зомин бўлди.

Бу ваҳимали тушни кўрган Мажнун чўчиб уйғонди ва қонли ёшлар тўкди. Тушни таъбирлар экан, буни ўз қисматига ўхшатди. Зотан, ота-онаси вафот этгани, ҳаётининг қуёши қорайганини англади. Тоғдан шитоб пастга югурди, селдек кўз ёшлар тўкди. Қабила қабристонига оҳу зорлар билан йиглаб борди. Қабрлар оралаб юрганда, икки қабрга кўзи тушди: янги бу қабрлар дарду ҳасрат лойлари билан сувалган эди. Қабрлар устини кулфат чанглари босган, атрофида заҳмат тиканла-ри ўсганди. Кулфат тиканларидан қондай қизил гуллар, машаққат райҳонлари ва дард гуллари очилган. Қабрда очилган лолада эса ҳасрат, фироқ қонлари ва фам доғлари кўринар эди. Тошлари шодлик пиёласини синдириб, чанглари хуррамлик чироғини ўчирганди. Фам шамоли икки шамни



йиқитиб, ўчирганга ўхшайди. Бу қабрда ётганлар худди шам орасидаги пиликдек дарду ҳасрат билан синган. Буларни ўчган икки шам дема, ошиқ калимасидаги алифлардир¹.

Жон ва кўнгилларининг кучу қуввати ва малҳами бўлган Мажнун, уларнинг танини шундай топтаган эди. У ота-онасининг қабрини кўргач, уқубатлар тўла вужудига чақин теккандек бўлди. Бошига ҳовучлаб тупроқлар сочганидан, гўё кўҳна гардун бошига йиқилгандек бўлди. Изтиробда қолган танасини тошлар билан уриб, бадани банд-бандидан айириб юборгандек бўлди. Оҳу воҳларининг тутунлари билан дунёнинг хонумонини қорайтириб юборди.

Мажнун отасининг қабрига бош урди, тошларга бошини уравериб, қонга ботирди. Аламли фифонлар тортиб, барча дарду ҳасратларини тўкиб солди:

«Эй, саҳро аҳдининг азизи! Ҳимматининг камони юксак осмонгача етган! Саҳрогина эмас, Маккадан то Шомгача бутун дашт одамлари нозу неъматлар тўла дастурхонингдан баҳраманд эди. Арабларнинг азиз кишилари ҳам бир оғиз гапингни икки қиласи эдилар, сен барча баҳтсизликларга мен сабабли дучор бўлдинг. Кўнглинг ҳам фамим билан ношод бўлди, умринг ҳам қилмишларим сабабли барбод бўлди. Роҳат топаман деб мени Худодан сўраб олган эдинг, афсуски, айнан мен туфайли ёруғ чироғинг ўчди. Фарзанд тилаб деб кўплаб пуллар садақа қилдинг, лекин мен таваллуд топгач, аламдан бошқа нарса топмадинг. Гавҳар билан бошингни зийнатламоқчи бўлдинг, бироқ гавҳар бошингта тош бўлиб тегди. Яраларингга

¹ Бу ерда «oshiқ» сўзининг араб ҳарфлари билан ёзилишига, «oshiқ» сўзи таркибидаги арабча алиф ҳарфига ишора қилинмоқда.



даво истаб қўйган малҳаминг, уни бадтар куйдирди. Пичоқдек ўткир тиф тиладинг, лекин бу пичоқ билан баданларинг тилим-тилим бўлди. Хонадонингни равшан қилиш учун шам тиладинг, бироқ бу шамдан бутун хонумонинг куйиб кетди. Яъни, мендек мубтало ва икки юзи қорага дучор бўлдинг. Бу юзи қора сенинг ором ва қароринг кушандаси бўлди. Бошингта қора кунлар тушди. Эвоҳ, бу ғамларга қандай чидайман, қайси тил билан тавба қилайин?! Чунки тириклигингда панду насиҳатларингга амал қилмадим, энди руҳингни қандай рози этайин?! Ногоҳ мендан шундай тўйиб, дарду ғамлар тоғини устимга қўйдинг-да, суюкларимни бирма-бир синдариб, танимни тириклай кўмдинг. Ҳар қанча бадбахт ва толесиз бўлсам ҳам, карам билан гуноҳимни кечиргин, илоҳим, руҳинг мендан рози бўлсин», деб бош ва танини тошга уриб, киприклари билан ерларни супурди.

Онасининг қабрига термилиб фарёд-фиғонла-ри оламга сифмай кетди. Ёқаси қолиб кўксини чок қилиб, юрагига шафқатсанз тиғлар урди. Кўз ёшининг селидан атрофи денгизга айланиб, қабрлар эса балиқлар каби кўринди. Оҳининг шиддатидан кум устидаги тани қовурилган балиққа айланди. Тани қизиган қумда бағри чок буғдой донасиға ўхшаб қолди. Тани дард билан тўлган, балки жисми чок бўлган ҳолда, баҳор булутидек ўкириб, сел каби юзига шапалоқлар урди. Юз дард билан йиғлаб, онасиға марсия ўқиди:

«Эй, жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг мен берган азоблар сабабли оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи, кўнглим хушнудлиги, хотираға роҳат бергучи, онажон! Сен муқаддас Каъбам эдинг, мен ғофил эса бутхона талаб қилдим, сенинг хоки пойингни Каъбадай ҳеч зиёрат қилмадим. Аксинча, ҳамиша юрагингга изти-



робларга солиб, ўз Каъбамни хароб этдим. Каъбамни хароб қилиб, Аллоҳга нима деб жавоб бераман? Бағритош фалак бағрингдаги садафга инжу ўрнига тош солибди. Туғилган чогимдаёқ ўлсам бўлмасмиди, кошки туғилмаганлар қаторида бўлсанм. Мен толесиз, қора кунлар ҷоҳига гирифтор, туғилганимда тирик қолиб, бошингга биттан бало бўлдим. Сен менга бор меҳрингни бердинг, кўлларинг толганига ҳам парво қилмай бешигимни тебратдинг. Ҳар кун мени деб қайфурдинг, тунларда уйқу нималигини билмадинг. Зотан, узун тунларда тинмасдан зорзор йифлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз азобимни тортганча тинчингни йўқотиб, емоқ-ичмоқни ҳам унуддииг. Бир бурда еган нонингни ҳам аслида менга сут бўлсин, дер эдинг. Мендан умидинг катта эди, бироқ шафқатсиз қисмат сенга ўчакишиб, тоғдай азоблар билан қаддингни буқди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилди. Бошинг ёстиққа етиб, суюнчиқ керак бўлганда мен ҳам таъзим билан қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсан, қулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсан! Шафқатсиз тақдирнинг турли тузоқларига тушганингда, мен ўксиган кўнглингни хурсанд қила олсан эди!

Афсуски, ҳаммаси шундай бўлди, сен кучдан қолдинг, мен эса улгайдим. Хаста жонинг борган сари қартайди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мендай баҳти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлиб, сидқидилдан хизматингни қилолмадим. Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, қўзим билан йўлларингни супурмадим. Азоблар тортганингда дардингга дармон бўла олмай ва айтганларингни ҳам жон билан бажа-ролмай, хизматингни кам қилганим етмагандай кўплаб ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан йироқда, ҳолингдан хабар олмасдан бағритошлиқ қилдим.



Ўзимни телбалардай тутиб, кўнглингни ололмадим. Дардингга малҳам бўлиш армон бўлиб қолди, во дарифки, мендан сенга ҳар лаҳзада турли-туман балолар етди, аламларимни касрига жондан айрилдинг. Гўё менинг беҳисоб ранжу ҳасратларимни тортиб, фам ва дард билан жаҳондан бош олиб кетдинг. Мен даштма-дашт, беҳуда нолалар тортиб, оёқ яланг мажнундай сарсону саргардон бўлдим. Худодан ёлвориб сўрайман, руҳингнинг жилвагоҳи жаннат боғлари, мангу маконинг ҳам жаннат боғлари бўлсин. Жаннат боғларида ҳам мендан розиу мамнун эмаслигингни билсан, мен учун бундан ортиқ кулфат бўлмайди. Бечораман, бошқа нима ҳам қила олардим, дардимга қандай чора ҳам топардим».

Мажнун шундай фарибона нолаю фифонлар билан аза тутиб йифлади. Ошиқ шундай сўзлар билан шикастланган бошларини ерларга урди. Яна кучизланиб, охири ҳушсиз йиқилди. Шу даражада ўзидан кетдики, гўё жони узилиб, у дунёга, отонасига этишгандек эди.

Эй дўст, бир лаҳза бошимга келиб, мен мотамзада ҳолига бир бора боқиб, раҳм этгин! Бу кимсасиз факирнинг ҳажр доғлари ичида етиминг ва асиринг бўлиб қолдим.

XXXIV

Мажнуннинг ёр ҳажри ўтида куйган танига ота-она ҳасрати яна икки ўлдирувчи доз қўйганидан машаққати қаттиқлашганини Лайли эшишиб, у куйганни куйдирган ўтлар тобидан иситиб, дудидан ўзининг ҳаёт рўзгори қаро бўлгани

Достоннавис янги саҳифа очди, калом гавҳарларини беармон сочди. Мажнуннинг қаноти қайрил-



ди, ота-онасидан айрилди. Лайли фироги камлик қилгандай, ота-онасининг доди ҳам бағрини ўртади. Унга ҳижрон дарди заҳар тутар, ота-онадан жудолик ўпқондай буткул ютар эди. Ёр фурқати бошига юзлаб тош отар, жудолик эса ҳар икки поийидан ортарди. У дардларига малҳам ҳамдард тилаганча, қабристон ичиде қулади. Ота-она қабри узра тўлғанар экан, Мажнун учун хилхона ғариб макон бўлди. Ҳар куни фифону нола қилар, дарду аламларини ҳавола қиларди. Ҳатто бор оламни буткул унугиб, ўлмаган жонига аза тутарди. Жудолик бағрида гўё икки доғ бўлдию, ёр ҳижрон икки ўт устига ёғ қуя бошлади. Жудолик бор жаҳонини ўртаса, ҳижрон дарди жонини оларди. Кўнглида юз дарду бало йиғилди ва ниҳоят Мажнундай мубтало йиқилди. Хаста танида дарду алам голиб бўлар экан, қабристонда қолиб ерга бош қўйди. Мажнундай девона ер билан пайваста ётар экан, йиртқичлар бошида парвона бўлди.

Достоннавис тинмай ривоят сўзлаб, барчани ром қиларди:

Мажнун васли билан Лайли шод бўлиб, юраги висол завқи билан тўлди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, яна ҳижрон дарди тантана қилди. Висол дардига бир бора малҳам қўйгани ҳолда Лайлини дафъатан пичоқсиз сўйди. Ҳижрон дарди унинг жонини олиб, жаннат гулини гўё дўзахга солди. Лайлиниң бағрини неча бир азоб ўртар, бу азобларга неча изтироб пайваста эди.

Мажнуннинг бошига тушган мотам унинг ҳам бағрини беомон ўртар эди. Унинг дарду ғами фузундан-фузун, поёнсиз йўл каби узундан-узун бўлди. Лайли ўзини айбдор дея билар, хижолатдан кўзини оча олмас эди. Бечора Мажнуннинг бағри чок бўлди, чунки ота-онаси ҳам ҳалок бўлди. Лай-



ли бунинг учун ўзини сабабчи ҳисоблар, барчаси мен туфайли рўй берди деб ўртанаарди. Бу ҳасрат Лайлининг юрагини тилиб, бағрини куйдириб қора кул қилди. Дарду ҳасратлари ўн чандон ортганча, бағрини чок қилиб, фифонлар тортди:

«Эй, бешафқат фалак, дастингдан минг дод, бор-будимни нима чун барбод қилдинг?! Токай жонимга ситам қилиб, токай насибамни юзлаб дардуғам қиласан? Мен каби бир гулга токай минг зарбалар бериб, токай бошимда қузғундай қанотингни керарсан? Токай бир гулнинг қасдида қилич қайраб, оёқ остида хор қиласан? Ҳеч кимга зиёним тегмаса ҳам нима учун обу ошимни тахир қиласан? Токайгача фифону оҳимни зиёд қилиб, мендай бир сарвнинг шохларини қайирасан? Токайгача бағримни бешафқат тилиб, тобакай куйдириб кул ҳам қиласан? Мусичадай беозор бўлса ҳам тобакай сен унга озор берасан? Токайгача қаҳрингни фош қилиб, бир гавҳарга токай тош урасан? Кўнглини шафқатсизларча вайрон қилиб, юзлаб зарбалар билан толқон қиласан. У ахир Аторуд сингари ёвқур эмас, эй фалак, сен унинг бир қошиқ қонидан кеч! Бир оҳу боласини кўрганинг ҳамон, сен унинг бошига беомон етдинг. Дардига чора топиш ўрнига, бағрини садпора қилдинг. Ахир у жуда ҳам кучли шеру арслон эмас, шўрпешона оҳу боласи-ку!

Эй бешафқат қисмат, минглаб дашту оувулларни тинмасдан кезасан, минглаб қирғовуллар овлайсан. Барчасининг ҳолини хароб қилиб, алантга устида кабоб қиласан. Панжаси қон қирғий бўлмаса ҳам бечора қирғовул бағрини вайрон қиласан. Бинобарин, мени ҳам хастаю бенаво қилдинг, юз дарду балога мубтало қилдинг. Во дарифки, ҳатто ўлдириб ҳам бас қилмайсан, хас каби ўтга ташлайсан. Қисматга қарши гарчи ҳеч сўз демасам ҳам,



шуни айтаманки, мен бир маккора эмас, балки Лайлиман, Лайли!

Эй, бешафқат, илоҳим, куйиб кул бўлгин, сен ҳам дарду армон билан тул бўлгин! Барча умидларимни сароб қилдинг, ҳолимни то абад ҳароб қилдинг! Токай буғдой каби қанча қовуриламан, токай сомон каби совуриламан? Ахир жумла жаҳоним ҳам бузилди, жонимнинг риштаси ҳам узилди! Оху фифонларим жисмим губорини учирди, шунда ҳам гуноҳимларим аримадими?! Бағримни заҳарли обинг қон қилди, эй фалак, шунда ҳам азобларинг тугамайдими?!

Мажнуннинг барча дардлари ҳам жонимда, ҳаттоқи қонимда бешафқат жўш урмоқда. Бечоранинг ота-онаси дафъатан ўлди, гўё ўзимнинг ота-онам ўлгандай бўлди. Мажнун зор қақшаб сарсону саргардон бўлса, менинг дардларим ҳам минг бора зиёда. У «Отам!» деб, «Онам!» деб нола қилар экан, барча дарду ғамлари менга ҳавола бўлмоқда. Зотан, мен ҳам айрилиқ дардига йўлиққанман, дарду ҳасратлар билан беҳад тўлиққанман. Шундай экан, ажаб эмаски, ҳаётим саройини бузиб, бутунлай ҳаётдан умидимни узай!»

Лайлининг оху фарёдини ўти ҳаддидан ошиб, жисмига ҳарорат тулашди. Юлдузу ойи олов ичида қолиб, чиройи офтобдай сарфайди. Бечора Лайлини тер босиб, иситмаси ошиб тўлғана бошлади. Хасталик азобидан кўзи сузилар, икки юзи олов бўлиб ёнарди. Унинг аҳволидан онаси ҳамиша огоҳ бўлиб турар, қизини гоҳ худ, гоҳ бехуд кўярарди. Лайлининг хасталаб қолгани унинг кўнглига ҳам изтироб солди, юрак-бағри кабоб бўлди. Кўзига кенг жаҳон қафасдай торайиб, дарҳол Лайлининг отасини хабардор қилди. Бечора ота қизининг бошида парвона бўлганча, дардига чора ахтара бошлади. Барча дўсту ёру ҳабиблар ҳасратга ботди, умид билан



табиб бошлаб келишди. Лайлиниң бошида барча парвона бўлар, бироқ кўрилган чоралар наф бермас, унинг иссифи тобора ошарди. Яхши ният билан қилингандуолар ҳам наф бермас, аксинча Лайлиниң касали кучайиб борарди. Табиблар сира ҳам тиним билмас, бироқ Лайлиниң иситмаси тушмас эди. Зотан, кимнинг куни битган бўлса, уни ҳеч бир даво олиб қола олмайди. Ҳатто тоғнинг тоза асали ҳам фойда бермайди, хуллас, Лайлиниң касали кундан-кун зўрайди. Унга бош оғрифи азоб берар экан, кимдир дафъатан хитоб қилди:

«Мотамзада Мажнуннинг аҳволи ҳам оғир, унинг ҳам заволи етган кўринади. Қабристон бағрида хору зор ётганча, у сенинг йўлингга интизор. Гоҳида ўзига келса, гоҳида йўқ ўзидан кетмоқда, мурда каби қўзида сира ҳам нур йўқ. Сенинг ҳижронинг дарди унинг қонини ичиб, ҳаттоки юз бора жонини ҳам олмоқда. Гоҳи онам деб, гоҳида отам деб йиғлаётир, бир томонда мотам дарди бўлса, бир томонда сенинг ҳижрон дарди уни азоблаётир. Билмадим, унинг уволи кимни тутади, лекин Мажнуннинг аҳволи харобдан ҳам хароб».

Лайли барча сирдан огоҳ бўлдию, қилар иши фақат оҳу воҳ бўлди. Ҳатто нафас олишга ҳам ҳоли келмасди, охир-оқибат хаста боши болишга қаттиқ ботди, жон таслим қилишини англади.

Эй табиб, ортиқ парҳездан сўз очмагин, зотан, бедаво дардим тобора кучаймоқда. Сен тутган шарбат ҳам ичимни куйдирмоқда, яхшиси шарбат суви билан дардимга дармон бўлгин!

XXXV

Куз шамоли bog зеболари ҳаёти шамини ўчирганда, Лайли ҳаёти баҳорининг гулларини ажал аёзининг совуқ шамоли кўйкка совириб, Мажнуннинг руҳи



булбули бадан қафасини атиргул узра ташлаб, яраланган гул барги сўлгунча учиб кетгани

Хазон фаслининг совуқ шамоллари эса бошлаб, боғу бўстонларни заъфарон қилди. Гўё сариқ касалига чалингандай япроқлар бирма-бир сарғая бошлади. Дараҳтлар шоҳидаги япроқлар сарғайиб сўлиб тўкилар экан, ерда bemордай ётарди. Баргларнинг банди паст, гўё чўзилган оёқларга ўхшарди. Мехржон шамоли¹ келгач, барглар ўз жонларига умидсиз қарай бошлаганди. Дараҳтлар ҳам куз шамолида тебрана бошлади, мевалар эса омборларга жойланди. Сарсар чаманга совуқ нафасини уфурганча бўстон гулларини яланғоч қила бошлади.

Япроқдари сап-сариқ чинор улкан алангадай кўринар, гўё аланга ичида қолган минордай эди. Дала-даштлардаги ўт-ўланлар куз изғиринида қовжираб қора ерга қўшиларди. Чинор баргларини шамол боғ томон қуш каби учирганда, қизил барглар билан гул тўкилгандек бўлар, чанг-тўзонлар боғни тундай қорайтирган, япроқлар бу тун қўйнидаги юлдузларга ўхшарди. Во ажабки, бу гаройиб минглаб юлдузлар ерга қўшилиб фойиб бўлди. Мазкур хазон лашкарлари рўёга, ҳар бир япроқнинг бандли кўзгуга ўхшарди. Олтин ойнада ҳеч нарса кўринмагандек, бу ойналарда ҳам ҳеч нарса акс этмасди. Ошиқнинг юзи лаълга ўхшаш қонли кўз ёшидан қизаргандек сариқ барглар ҳам ўз новдасидан қизарар, ўша кўз ёшлар бу юзда чизиқлар қолдириб, ҳар томонга қатралардек нақшлар соларди.

Хазонлар заволнинг номасига, уларнинг банди шоир хомасига ўхшар эди. Ел сув устига сариқ барглар тўкиб, сувнинг кўкимтири сатҳига зар сочар эди. Йўқ-йўқ, у оқар сув гўё тифга ўхшар, ха-

¹ М е ҳ р ж о н ш а м о л и – куз фаслининг ўртаси.



зон япроқларидан филофи эса олтиндан қилинган эди. Чиройлик құлга хина қүйилгандек, токларнинг барги ҳам қизилранг билан безалган. Гулда сумбул очган, гулгун юз кокил ёйилган фасл кетиб, лоланинг кафтига дөф қўйди ва бинафшанинг сочини буради.

Бир палла жуда совук изғирин эсиб, ҳарирдай сув юзини оппоқ муз мармари қоплади. Боф гулларга мотам тутиб, шамол увуллаши осмонгача етди. Булбул аза тутиб, ўз пардаларини қора кигиздай бўйнига илди. Боф шу аҳволга тушиб, навбаҳори ха- зонга дўнди. Гулшанг а куз қасд қилиб, дарахтлар баргиларини тўка бошлади. Гуллар баргларини эса ерга тўкиб, шохларини ерга қориштирди. Ҳам ло- ласини заъфарон, ҳам баҳорини хазон қилди. Куз гуллар баргларини ҳар томонга учирди ва совурди.

Лайли ҳусн бошидан оёғигача гўё жан- натнинг гули эди, Унинг касаллик шамоли кучайиб, бўстонидаги баргларни тўка бошлади. Сочла- ри камандининг чигаллари ечилиб, жонлар бўйнига солинган ҳалқаларни олди. Ҳусн маликасини касаллик ношод қилиб, тутқун ошиқдарини ҳам озод қилиб юборди. Озод бўлганлар тез фойиб бўл- дилар, бироқ унинг ишқига гирифткорлардан бири қолди. Қалдирғочнинг қанотидай қошлари икки қулочини очиб, кўзларига посбонлик қиласа, яъни у уйга ноз кириб, элга таннозлик қилмасин дер эди. Қон ёши гулдай юзини тоза қилди, ўлим машшотаси эса юзига упа-элик қўйди – завол нақшлари- ни тортди. Яъни, «ишқ сени жондан жудо қиласа, дунёдан қизил юз билан кетгин», дегандек бўларди. Юзидаги ўсма, сурма, упа-эликларни иситма сувлари ювиб кетди. Яъни, Лайли жамолининг боғи куз фаслида гул, бинафша, сабзаларидан маҳрум бўлган эди.



Асадек ширин лаблари танасидаги ҳароратнинг зўридан қуриди, йўқ, балки бир-бирига ёпишди. Яъни, учуглар муҳрдек босилиб, оғзини сўзлашдан маҳрум қилди. Бақбақа ўрни чоҳдек чуқурлашди, қора холи қудуқдаги кабутар ҳолига тушди, яъни бу кабутар ўлгуси ва тупроққа кўмилгусидир.

Шундай бандга тушгач, гулдай Лайлиниг устига бинафша рангли парда ёпди. Яъни дилкаш қуёш ботаётган вақтда, юзини бинафшаранг булат ёпса, яхшироқ бўлади.

Нозанин Лайли шу ҳолда ўлим талвасасига тушди. Бу оламдан кетиш кераклиги ва жонини топшириши аниқ эканини билди.

Одамлардан ёлғиз қолдиришларини талаб қилди. Онасини чақириб, юрагидаги яширин сирларини арз этди:

«Эй, жони маконим бўлган онажон, жонингга хаста жоним фидо бўлсин. Барча ғамларимни тамоман ўзингга олиб, дард-аламларимга қолдинг. Агар минг йил умр кўрсам ҳам, қайси тил билан узрингни айта оламан? Во дарифки, ҳаётим гули хазон бўла бошлиди, умрим гулистонига қишининг изфирини тушди. Жафогар фалак бофимдаги гулни ва гулимдаги сувларни қуритди. Сарвимнинг бошига қора кунлар тушиб, чаманни тарк қилиш зарур бўлиб қолди.

Ҳар ҳолда дунёдан кетар вақтим етиб, бу боғдаги ҳаётим поёнига етибди. Бинобарин, видолашиб пайтида сиримни яширишдан фойда йўқ. Сен билардинг, аммо уни кўнглингда сақладинг, ниҳоят уни очиқ айтаман:

Аллоҳга омонатни топшириб, ер қаърига кетар эканман, кўп аза тутма, кўз ёшларингни селдай оқизма. Юзингни муштлаб мажруҳ этиб, ўз жонингга озор берма. Бу сўзларим маъқул эмаслигини биламан, лекин ўзгача васият қиласман.



Менинг мотамимда узоқ аза тутиб, уриб юзингни қорайтиргагин. Имкон борича сабр қилиб, хотир-жамликин қўлдан чиқармасликка уринггин. Аллоҳ тоғдай сабру тоқат берсин, қабиланг аҳди билан соғу саломат бўлгагин. Гул бош олиб кетса ҳам чаманга завол билмасин, кун ботса ҳам осмонни тў-зон қопламасин».

Лайли шундай кўп дуолар қилгач, яширин сирини ошкор қилди:

«Менинг мотамим маълум бўлгач, бутун тоғу сахро халқлари ҳам хабар топади. Шаксиз, Мажнун каби гарibi зорим, қора қайфу шомида қолганим, менинг ёдим жисмининг ҳаёти бўлган, ўлмоги эса хайрбодим бўлганим, шамолдек даштларда сарсону саргардон кезиб, тоғ орасидаги садодек чирманиб юрса ҳам, бу сўзлар қулогига етади, бу ҳодисадан хабардор бўлади. Эҳтимол, бу жон азоби қиссадан интизор Мажнун воқиф бўлиб, руҳимга етишмоқни истаб, унинг руҳи ҳам ўз танасини тарк этар ёхуд бу тарафга келиб, умрим қуёшидек бошимга келар. Мажнун ҳам жонни фидо қилилиш асносида фироқ жабридан қутулиб, барчага ҳақиқий ишқ йўл-йўригини кўрсатар. Жисмининг хоки туробини менинг хоки туробимга қўшиб, жонини эса мен томонга йўллар.

Башарти, Мажнуннинг зор танаси жонсиз аҳволда ерда ётса, албатта эъзозлаб, унга ёнимдан жой бергайсан. Мажнуннинг жисми муқаддас, асли покизадир, бинобарин кўз ёшлини билан ювсанг ҳам арзиди. Асло гина қилмасдан, меҳр билан унга жон пардасидан кафандан қилгин. Мени ҳам ўша кафандага ўраб, икки баданга бир хил кафандан қил. Фарзандингдек ҳурматини жойига қўйиб, ўз фарзандинг билан бир ерда ётқизгагин. Жон жонга уланса, икки фарзандни бир тобутга ётқиз-



гин», деб васиятини тугатиб, тилдан қолди, күзини юмди. «Мажнун!» дея жон берди: энди ҳар қанча Лайли деб чақырсанг ҳам у йўқ эди.

Бошига қора кун тушган онаси шундай қаттиқ фарёд чекдики, гўё оҳу фифонининг ўқлари осмон бағрини ҳам тешиб ўтди. У дилрабонинг, яъни Лайлининг бошидан, ўлим айлангандек айланди. Лайлининг товоналарига кўзларини босиб, киприклиари билан қитиқлаб уйғотмоқчи бўлар, яъни уйқу вақти эмас, кўзингни оч, оёққа тур, хандон ташлаб, сўзлагин, дер эди. Гоҳ унинг қўлини қўйнига маҳкам тортиб, титраб, ийғлаб, уни қучоқлар, яъни Лайли қаттиқ уйқуда деган гумон билан уйғотиш учун қўлидан тортарди. Унинг тўзғиган сочларини тартибга келтириб, зулматдай мотам кунида шам (яъни Лайлининг юзини) кўргизмоқчи бўлди. «Жон қизим, тун қоронғилигидан асар ҳам қолмади, кўзингни оч, кун ёришганда, ухлаш яхши эмас», дерди. Гоҳ юзини юзига қўйиб, кўз ёшлари билан юзига сув сепарди. Яъни юзига сув сепсам, ногоҳ у ой сесканиб уйғонармикан, деб ўйларди.

Лайлининг онаси шу тариқа изтироб билан кўп тўлғанди: лекин мангуба уйқу оғушидаги маҳваш кўзини очмади. Лайлининг уйғонишидан умид узгач, онасининг қуёши абадий қора шом чоҳида қолди. Оқ сочини ёйиб, фифонлар чекди, ўрилган сочларини юлиб ташлади: оҳи билан жаҳонни куйдирив, уни совитиш учун кофур сепар эди. Кўксини ёқасидек чок қилиб, кўнглидан алангали фарёду фифонлар чиқарди. Гўё тонг ёқасини йиртиб, қуёши ўз учқунларини сочаётгандек эди. Тирноқлари билан юзига чанг солар, тирноқлар эса тирноқча келадиган этларини ўйиб олар эди. Ўйилган жойлардаги қонлар, кўз булоғидан оқкан қонлардек оқарди. Она алам билан фифон тортарди:



«Жон қизим, қандай қаттиқ уйқу экан бу?! Кўзингни оч, ҳаво жуда яхши, қизлар эса гулшан сайрига бормоқчи. Барчаси чорбоғ сайрига шайланиб, «Лайли келармикан», деб маҳтал бўлиб турибди. Улар юз хил зебу зийнатлар тақиб ясанган, ҳаммалари сенга кўз тутмоқда. Ўрилган соchlaringни ёзиб, оламга хуш ҳидларини таратай. Соchlaringни ювиб, зулмат орасидаги ҳаёт чашмасини кўрсатай. Соchlaringни тараганда эса қоронфилик ичида йўллар кўрсатай. Уларни тараб, ўриб, бўйи-бастинг хазинасини қўриқловчи икки илон каби елкангга ташлаб қўяйин. Бу соchlар асло илон эмас, аксинча қора чилвирлар бўлиб, унинг ошиқдар кўнгилини занжирбанд қиласидиган бурамлар бор. Ўсма билан қошлaringни кўк-кўк қилиб, кўзлaring мижжаси қиличига яшил қин ясай. Кўзлaringга қора сурма тортай-да, ошиқлар кўзига дунёни ҳам қоп-қора қилиб қўяйин. Юзингга упа-элик сураётганда, унга юзим қизиллигини қўшай. Юзингга қатор ниллар тортиб, уларни ёмон кўзлардан асрайдиган мил қиласай. «Бол» сўзи остига нуқта қўйганлариdek¹, ширин лабинг остига хол қўяй. Гулзордаги гултоҷихўroz қора уруғлари каби юзингга яна хол қўяй. Сочингни шундай рўмол билан боғлайки, унда ҳам кўринсин, ҳам яширинсин. Эгнингга шундай гулранг либос кийдираики, ақл ҳам лол бўлиб қолсин. Сени замона офати каби ясантириб, гулшанг юборай. Қизлар билан гулшанда хиром қилиб, дин аҳдини ақлу хушдан бегона қилиб, уларни ишқ йўлида зоҳидликдан возкечишга мажбур қилгин.

Мажнун ҳам зору интизор боғда зорланиб фифон қилмоқда. Сен кечикиб борганингда, у дилтанг бў-

¹ Бол сўзининг араб ҳарфлари билан ёзлишига ишора қилинмоқда.



либ, дарҳол қайтса ва мендан сўраса, нима деб жавоб бераман? Ҳам уни, ҳам мени зор қилма, унинг олдида мени шармисор қилма!»

Лайлининг онаси оҳи билан жаҳонни ва осмонни бу асно қорайтирганда, ташқарида отаси бош яланг, ёқаларини йиртиб, кўксига тош уриб йифларди. Фақат отаси эмас, балки бутун қавму қариндошлари бу азада ҳасрат билан кўз ёши тўкарди.

Тақдир Лайлини шу кўйга солди, энди Мажнун ҳақида сўзлайн:

Мажнун қабрлардаги марҳумлар билан қабристонда яланғоч ётарди. У ҳам қабристондаги марҳумлар каби жонидан жудо бўлган ва тани ҳам тупроққа қоришган эди.

Лайли ҳам ҳолсизланиб, хасталик охир-оқибат ийқитган эди. Маъшуқанинг бошига қора кун тушганда, ошиқнинг ҳам нобуд бўлиши табиий ҳол.

Мажнун гоҳ тушида, гоҳ хаёлида, хуллас, ҳамиша Лайли билан бирга бўларди. Гоҳ пок кўнгил, гоҳ хотиф¹ уни дилдоридан воқиф қилиб, маҳваш Азройил қўлидан ажал майини олгунча бўлган ҳолларни айтар эди.

У девона, яъни Мажнун симобга ўхшаб ти-траб-қалтираб тўсатдан қулоғига бир овоз эшитилдики, у мазкур шум хабарни эълон қилди:

«Эй, дарду бало қўшинларининг шоҳи! Ишқ аҳли эшигинг олдида хоки пойинг бўлган зот!

Эй, дард ўлкасининг қаҳрамони ва ишқ аҳлининг ҳукмрони! Барча ошиқлар сенга қул бўлишга ҳавасманд, ниҳоят ўрнингдан тургин, зотан ортиқ ётишнинг мавриди эмас! Гуллаган бофингни хазон қоплади, чирогингни эса тонг шамоли ўчирди. Булбул бўлсанг, парвоз қилгин! Лайлининг шамига парвона бўлишни бошлигин!

¹ Ҳ о т и ф – яширин товуш.



Севган ёринг сафарга отланди, ҳамроҳга маҳтал сени кутмоқда. Унга йўлдош бўласанми ёки у ёлғиз сафарга кетаверсинми?»

Мажнун нималар содир бўлганини англағач, тани жуда заифлашган бўлса ҳам, қоплондай сакраб турди ёки осмон кийиги чўққидан иргигандек бўлди. Дарҳол қабила томон югурди ва висол таронасини куйлаб, жонини қўшқўллаб садақа қилмоқчи, Лайли учун қурбон қилмоқчи бўлди. Шодлик кўз ёшларини ёмғирдек ёғдириб, яшиндек учиб борарди. Қалбидаги оташин меҳрининг алангаси жаҳонни ёритиб, балки қуёш каби бутун дунёга нур таратиб, маҳв этишларидан кўнглида ҳеч қандай қўрқинч бўлмай, душманидан ҳам ваҳимага тушмасди. Одамлар эса унииг ҳайбатидан ва баъзилар ваҳший ҳайвонларшиг оғатидан қўрқувга тушардилар. Ниҳоят, у Лайли остонасига қадам кўйди, лекин даррандалар орқада қолди. Мажнуннинг ҳайбатидан Лайли қабиласи одамлари қўрқиб, жойларида тошдай қотиб қолдилар. Лайлининг уйига етгач, у ҳеч тортинмай уй ичига кирди.

Лайли ўлими олдида, онасига қилган васиятларида, Мажнун бу даргоҳга келаркан, унга хеч қандай озор берилмаслигини илтижо қилган эди. Мажнундай жондан азиз ёри, балки абадий йўлдоши уй ичига кириб, бир-бирини кўргач, ҳам у, ҳам бу муродларига етдилар.

Лайли севган ёрининг ишқида қандай жон фидо қилган бўлса, Мажнун ҳам жонондек жон берди. Лайли абадий уйқуга кўз юміб, йўлдошига етишиди. Мажнун ҳам унинг йўлидан бош тортмай, ўз жонини фидо қилди.

Одамлар тўдалашиб уйга кириб, Мажнунга назар солғанларида, жонсиз танаси ерда узала тушиб, Лайли билан ёнма-ён ётганини кўрди. Ҳеч



қачон бўлмаган бу воқеа қабила аҳдини ҳайратга солди. Уларнинг бундай ишқ йўлида жонларини фидо қилишлари барчанинг ишқини пок айлади.

Азаю мотам тутиб, бироз таскин топғанларидан кейин Лайли ва Мажнунни қандай дафн этиш ҳақида мулоҳаза қилдилар.

Барча дедики: «Бу икки ғамзада севишигандар бутун бемаъниликлардан покиза эди. Ҳаёт чоғларида раҳмсиз ишқ уларни бир нафас ҳам шодлантирмади. Айрилиқ биёбонида жонларидан тўйиб, армон билан оламдан ўтди. Уларнинг руҳи жаннатда абадий висолга этишади. Бинобарин, ҳар икки баданин қўшиб, битта кафан бичиб, битта қабр қазиш керак. Уларнинг жони пайваста бўлди, хоки туроблари ҳам пайваста бўлгани маъқул».

Лайли ҳам шундай васият қилганини эслаб, кўнгиллари таскин топди ва керак нарсаларни ҳозирлаб, икки марҳумни одат бўйича ясантиридилар. Ниҳоят, бир тобутга солдилар икковни, жонсиз келину ўлик куёвни. Икки тана битта кафангага жойланди, йўқ йўқ, балки икки жон бир баданга кирган эди. У икки севишигандарнинг бир тобутда ётиши, худди бир бодом пўсти ичидаги қўш мағиз-донага, дугонага ўхшар эди. Йўқ-йўқ, уни қўш дона дема, у дона дугона ҳам эмас, дугона икки бадандан иборат бўлиб, ҳар иккаласининг бошқа-бошқа кафандари бор. Булар шундай бир дона эдики, аслида икки жузв деб айтиш мумкин бўлса ҳам, лекин бир-бирига пайваста бир узв эди. Буларга висол ваҳдати, яъни висол яхлитлиги шиддати, иккилиқ-айроликка сира ҳожат қолдирмаган эди. Ҳар вужуд дона каби бир бўлганидан, дона қобуғи каби кафандари ҳам бир бўлди.

Алқисса, бу икки жонажон ёр, абадий висолни топгач, тобутлари устига чиройли рангдаги ажо-



йиб нақшли ипак пардаларни ёпдилар. Тобутни елкаларига олиб, қабристонга элтдилар. Бу икки дилрабони тобут билан лаҳадга оҳиста олиб кирдилар. Ниҳоят, уларни тупроқ ғарибхонасига қўйдилар.

Уларни тупроқقا қўйгач, қоронги лаҳаддан, ҳайҳот, тез чиқдилар.

Қора булулар ой билан қуёш юзини тўсгани каби лаҳад бир бўлгандек қабр ҳам бир бўлди. Ишқ аҳдининг умид шамлари ўчди, чунки ой билан қуёш ерга ботган эди. На ишқ аҳдининг шоҳи ва на ҳусн осмонининг моҳи қолди.

Лайлиниң ота-онаси, қавму қариндошлари биргаликда, ҳар кун икки маҳал йиғилиб, қабр бошида йиғлашар эди. Замон ўтиши билан, улар ҳам бирма-бир она ер бағрига жойланди.

Эй фифон чекувчи, йиғла! Умр биноси барбод бўладиган қилиб яратилган. Лайли ва Мажнундай икки ёр дунёни тарк этди, афсуски, мен ҳам, динавозим ҳам бу дунёни тарк этишимиз муқаррар!

XXXVI

*Ишқ таърифидаки, айнининг нурли тобланиши тупроқни чашмадек оқизади; шинининг учқунлари шуъласи кўнгуллар кўшикига нуқсон етказур; қоғининг***¹ вазмин тошли този кимга юкланса нобуд этар ва нуқталарининг тоза доги ҳар чок кўнгилга тушиса, лоланиң беш гулбаргидек қонга бўяйди*

Эй муҳаббат, сен сирли бир кимёсан, фоят тиник кўзгу – жаҳоннамосан. Барчани лол этадиган афсунларинг бор, фоят беғубор жаҳон кўзгуносисан. Жаннат боги каби гўзал бўстонсан, тил-

¹ «Ишқ» сўзининг ҳарфлари а й н – булоққа, ш и н – шуълагава қ о ф – тоққа ишора.



ларда то абад янграйдиган достонсан. Афсунгар мисоли сирли сеҳринг, оламни равшан қиласидиган меҳринг, яъни қуёшинг бор. Баъзида кўнгилларни тиласанг ҳам сен оддий мисни олтин қиласан.

Бор меҳрини оламга баҳш этган Аллоҳ таоло адамзодни хокдан яратган. Эй ишқ, сенинг саришта сеҳринг билан одам боласи фариштага айланади. Сен ошиқларнинг юзини олтин каби заъфарон қилиб, бағрини ҳам қон қиласан. Ошиқ ҳижрон ўтида куяр экан, ширин жонидан ҳам тўяди. У муҳаббат боғида шўх булбулдай сайрап экан, ишқ ўтида қуйиб кул бўлади. Зотан, ошиқлар бағрини чок ҳам қиласан, йўқ ўтида куйдириб тоза олтин каби пок ҳам қиласан. Ошиқлар шу тариқа наинки олтиндан андоза олади, балки олтин каби бағоят тоза бўлади. Хоки туробдан яралган адамзод шу тариқа нурга, олтиндан ҳам тоза дурга айланади. Бинобарин, гарчи ситам билан жафо қиласан, лекин тупроқни кимё қиласан.

Эй ишқ, юқорида айтганимдек, жумла жаҳон акс этар тиниқ кўзгусан, бағрингда наинки олам акс этади, балки рақс этади. Лекин бу кўзгунинг ажаб фарқи, ўзга тарҳи бор. Искандар Зулқарнайн минг ҳура минг сирни билган, пўлатдан ажойиб кўзга ясаган. Ўша кўзгу юзини жуда ҳам силлиқлаб, уни Фарангистон томон тутган. Унда Фарангистон намоён бўлган ва кўзгунинг сири ҳам элга аён бўлган. Бутун халқ унга ром бўлиб, ойнаи жаҳон деб атаган. Бунга сира ҳам шубҳа қиласмаган ҳолда овоза қиласман:

Эй ишқ, сен офтоб каби нурли чароғсан, муనаввар кўзгусан, кўзу қароғсан! Кимки сенинг сеҳрингга асир бўлса, унга жаҳондаги барча сирлар аён бўлади. Ишқ кўзгусини ройибона қўлга киригтан одам қай томонга боқса, севган ёрини, ўзи-



нинг ишқи билан баҳтиёрини кўради. У наинки ишқнинг қўлида маст бўлади, балки ишқ йўлида безавол баҳт топади. Зотан, ишқ билан ғариб ҳам басавлат бўлади, қашшоқ эса бадавлат бўлади.

Диққат билан эътибор бериш зарур, чунки ҳақиқий ва рамзий ишқнинг фарқи бор. Муҳаббат дардига йўлиққан ошиқнинг юраги минг дард билан тўлиқади. Туну кун ёр хаёли билан пайваста ҳатто жондан ҳам кечадиган даражада мафтун бўлиб, фақат ёрнинг жамолини орзу қилади, ўзини батамом унугтади. Ишқу муҳаббатни одат қилганларнинг баҳти бутун бўлади, лекин ҳақиқий ишқ каби саодат бўлмайди. Мажозий ишқ ўти юрагида порлаган ошиқни, ниҳоят ҳақиқий ишқ ҳам чорласа, унинг ҳар бир они висол умидида ўтса, жони висол шавқи билан ўртанса, нур устига нур. Ақду ҳушини жонон тамом ром қилиб, ўзлигидан сира ному нишон қолмаса, ҳуру пари каби ораста бўлса, Ёр билан то абад пайваста бўлса, кўнглидаги барча армонлар кетиб, барча ҳавас қиласиган иқболга етади.

Мажнун қалби рамзий ишқ билан тўлган, ҳақиқий ишқдан ҳам баҳраманд бўлган эди. Буларнинг бежиз содир бўлмаган, зотан, барчасига нодир муҳаббат сабабчи бўлганди. Кимки муҳаббат дардига дучор бўлар, муҳаббат ўтида такрор ва такрор ёнса, ҳатто тоғ бўлса ҳамки, ишқ унинг вужудини сув қилиб, буду нобудини ҳам нобуд қиласиди. Зотан, бағрини муҳаббат доғи ўртаганда, ҳатто Тур тоғи ҳам уммондай чайқалган.

Қайси бир қалбга муҳаббат алангаси тушса, куймакдан ўзга ҳеч ихтиёри йўқ. Кимки булбул каби шайдо бўлса, унинг ишқ ўти ҳатто жаҳонни ҳам кул қиласиди. У юз дардга дучор дил каби ўртаниб, оловга тушган қил каби тўлғанади. Ишқ ўти уни



кўз ёшига гарқ қиласи, зотан, барқ ярқирагандан кейин ёмғир ёфиши табиий хол. Лекин кўз ёши ҳам бу алангани пасайтира олмайди, чунки ёмғир ёғса ҳамки чақмоқ чақнайверади. Бироқ бедаво бандалар ўзларига зеб бериб ҳам, ошиқман деб даъво қилиб ҳам, наф топмайди. Ишқ бобида лоф ургани билан барча чиранишлари беҳуда кетади. Зотан, капалак ҳар қанча чиройли бўлгани билан ишқ бобида парвонадай жон фидо қила олмайди.

Ранг-рўйи заъфароннинг ҳаммасини ошиқ деб бўлмайди, ахир ҳар бир сариқ гул заъфарон бўла олмайди. Оҳанрабо ром қила олмагани каби каҳрабо ҳам елим бўла олмайди. Мис билан жезни оловда қанча ёндираманг, олтинга айланмайди. Хийлагарнинг оҳу фигони ҳам ҳеч кимга таъсир қилмайди. Лекин ошиқнинг совуқ оҳи ҳам жаҳонни ёндира олади. Кузнинг изгирини дам-бадам эса бошласа, япроқларни хазон қилиб тўқади. Дарди йўқ кимсанинг қўзидағи ёши, қадрсиз тоғларнинг тошига ўхшайди. Кимки муҳаббат дарди билан ҳамхона бўлса, шам каби қўзининг ёши дурдона бўлади. Кимки муҳаббат дардига гарқ бўлса, икки оламга ҳам бефарқ бўлади. Зотан, парвонани ишқ масти қилмаса, ўзини оловга басма-бас урадими? Парвона шу тариқа жонидан ҳам, ҳатто жумла жаҳондан ҳам кечади. Ҳар икки оламдан огоҳ телба ўзини ўтга уриши даргумон. Гўдак оловнинг тафтини, қўлу афти оловда куйишини қайдан билсин?!

Муҳаббат дардини суйган, муҳаббат ўтида куйган билади. Муҳаббат дарди насиб этган одам элнинг марди бўлса, ажаб эмас. Парвона ҳеч қачон соғ бўлмайди, чунки унинг қалбida муҳаббат дардининг доғлари бўлади. Бағрида ўнлаб ишқ доғлари бўлгани боис азалдан шеъру ғазалда қайта-қайта таърифланади.



Бу ишқ үтига ҳеч даво бормикан, ишқ дарди барчага раво бўлармикан?

Ё Раб, жоним ишқ үтида ўртамоқда, ҳатто жумла жаҳоним куймоқда. Ишқ ўти билан кўнглимни маҳзун қилмагин, аксинча ишқ шавқини яна ҳам афзун қилгин. Ишқ оташи билан таним қуритгин, шуъласи билан кўзларимни ёритгин. Оҳдарим унинг дудидан нишон бўлсин, дуду тутуни билан кўзимнинг ёшлари равон бўлсин. Кўнглим қуши ҳам самандар каби ишқ оташдонида ёнсин. Шу ўтнинг учқунлари кўнглим қушига дон бўлсин, аланга бағри менга макон бўлсин. Кўнглимни мана шу дону дун билан тўқ қилиб, муҳабат ўтида йўқ қилгин.

Эй соқий, оташпарамстлар оловини ёққин! Менинг ғамим обнус¹ ёғочига ўхшаган қора қайфандир. Бир қадаҳ муғона шароб билан ичимга ўт соггин.

XXXVII

Фалак эҳтиромли, қуёш нисбатли осмон бўлган шаҳзода, яъни Султон Увайс баҳодир мадҳида хотима; насиҳатлар бисотида кўп лаъл ва яхши сақланган дур ва панду насиҳатлар дастурхонида мевалар ва гуногун нозу неъматларни ул ҳазратга қулоққа олмоқ ва оғизга солмоқнинг чақириги

Эй, даврон соқийси! Фамгин бандаларга шодлик қадаҳини тутгин! Аввал қадаҳингни гардундай қилган, сўнг унга шафакғун бода қуйгин. Бу пиёла тўлгач, менга ҳавола қилгин. У қадаҳни кўришим билан ҳушимдан айрилган каби шундай сипқарайнинки, осмондай тўла қадаҳ ўз атрофида бир томчи ҳам юлдузини топа олмасин.

¹ О б н у с – қора тусли қаттиқ ва хушбўй дарахт.



Сармаст бўлиб, шоирона сўзларимни фалакдек юқорилатиб, юлдуздек дурлар сочайин. Денгизнинг дурлари ва конларнинг гавҳарлари каби сўзлардан иборат таърифу тавсифларни шаҳзодага бағишлайин.

Бу адолатли шаҳзоданинг етти пушти шоҳ бўлган. Етти пушти унинг шаҳриёр бўлган, тожу тахт завқидан бахтиёр бўлган. Бутун коинот, замона султони, шаҳзода Увайс даргоҳининг тупроғи ҳисобланади. Шаҳзодага иззат ва тамкин хос бўлиб, лутғу марҳамат, этчилик ва қаҳру ғазаб билан иш юритади.

Жанг пайтида қўлига қурол олса, арслонга дўнади, базм чоғида қўлига қадаҳ олса, ҳимматли Ҳотамтойга айланади. Наинки базм чоғида, саховату ҳиммат шаҳзодага ҳамиша хос хусусият. Асилизода барча хешу акрабоси сингари одоб ва хаё унинг ҳам доимий шиори. Саховатли ва шиҷоатли бўлгани боис барча унга итоат қиласди. Шаҳзода каби жўмардни топиш даргумон экан, уни ҳар қанча таърифласам ҳам камлик қиласди. Мен ақл билан мулоҳаза қилиб, қолаверса қанча теран фикр ҳам нақл билан унга имкон қадар насиҳат қиласдин, токи насиҳатларим унинг учун ўзига хос ҳаётий дастур бўлсин.

Эй, савлати билан элни ром этган, давлатига барча ҳавас қиласиган шаҳзода! Менинг сўзларимни қулоғингга қуйиб олгин, калом гавҳарларини эса қалбинг ҳазинасига жойлагин. Жаҳонда нималар вафо қилишини англаб, ҳаёт ҳикматларини ҳам тафаккур қиласгин. Ер юзидағи ҳаёт аслида уммонлар қуршовида кечади, яъни тупроқ ва сувдан иборат, одам умри ҳам шамол қанотида ўтади. Ким тупроқда кечадиган ва сувлар қуршовидаги ҳаётдан мамнун бўлади? Шамолга ҳам



суюниб бўладими? Одам юз йил оламга шоҳ бўлса ҳам, дарбадар гумроҳ гадо бўлса ҳам, ажал аждар каби оғзини катта очса, шоҳу гадо демай баравар ютади. Зотан, кўнглинг шод бўлса ҳам, ғамгин бўлса ҳам, Яратган эгамни сира унутмагин. Унинг қаҳридан ҳамиша ҳайиққин, меҳридан эса асло умид узмагин. Забардаст шоҳлар ҳам қошимда бош эгсин десанг, ўзингни гадолар мисоли камтариҳ тутгин. Шоҳлар шоҳи бўлсанг ҳам фақирлар ҳолидан хабар олиб, улар учун фидо бўлгин.

Аллоҳ бандам десин десанг, ота-онангта меҳрибон бўлгин. Уларга қулликни одат қил, чунки оламда бундан ортиқ бахту саодат йўқ. Худодан давлат талаб қилсанг, шариат ҳукмларини мўътабар билгин. Жаннат насиб қилсанг десанг, шариатга амал қилгин. Нафсинг ёмон йўлга бошласа, ўзингни жуда ҳам гуноҳкор ҳисоблагин. Шайтон васвасасини йироқ қувиб, кўз ёшлиниг гуноҳларингни ювгин. Тоат-ибодатинг қанча қўп бўлса ҳам кам ҳисоблагин, лекин ибодатингни элга кўз-кўз қилмагин. Чунки ибодатга риё аралашса, савоб эмас, гуноҳга айланиши ҳеч гап эмас. Гуноҳлардан пушаймон бўлиб тавба қилсанг, нажот топишинг осонлашади. Зотан, шаробхўрлик қилсангу бунинг учун Аллоҳдан ёлвориб, узр сўрасанг, мазкур ишинг сохта ибодатдан минг бора афзал бўлади. Хуллас, тоату ибодатни касб кор қилиб олиб, шариатга ҳамиша итоат қилган.

Подшо хизматини ҳам шараф деб билиб, унга сидқидилдан хизмат қилгин. Токи у сендан сира ҳам норози бўлмасин, аксинча ҳамиша рози бўлсин. Шаҳаншоҳ отангнинг укаси бўлади, бинобарин, сенга ҳам аканг, ҳам отанг бўлади. Ҳар икки отага азиз ўғил, лазиз фарзанд бўлгин. Сенинг икки отанг ҳам жуда бадавлат бўлиб, сен улар-



нинг фоят басавлат фарзандисан. Жуда ҳам оқил фарзанд бўлиб иккисини ҳам хурсанд қилгин. Уларга қул бўлиб жаҳон шоҳи, ҳатто бор оламнинг шаҳаншоҳи бўлгин. Бири сендан рози бўлсин, яна бири иноятини дариф тутмасин.

Қай битта ўлкани қўлга киритсанг, барча таъзим билан йўлингга чиқади. Қаерда бўлсанг ҳам зулм кишанларини бирма-бир узгин, инсоф ва адодлат қасрини барпо қилгин. Халқнинг фоят ғамхўр ҳукмрони, каттаю кичикнинг меҳрибони бўлгин. Қайси бир золимлар бўрилик қиласа, уларни ҳайдо, ўша жойнинг итлари билан уни овлагин. Золимдан барча элни асрагин, қўйларни ҳам бўрлардан омон асрагин. Агар бирон-бир мазлум золимлар дастидан дод солиб, нажот истаса, золимларни жазолаб, халқни шод қилгин. Кимки шикоятини айтишда қийналса, эринмасдан такрор-такрор сўраб билгин. Мискинлар шикоятини ҳиммат билан тинглаб уларнинг кўнглига таскин бахш этгин. Уларнинг аҳволини таскин бериб англаб, ҳиммат билан ўнглагин. Золимларга сира эрк берма, ўзинг ҳам асло зулми қилмагин.

Азалдан қассоб ягона ташвиш билан яшайди: яъни бўрдоқи ва қўйни семиртириб сўйиш учун боқади. Қассоб бор жойда бундай парвариш жони-ворларга наф бермайди. Халқнинг молу мулкини ўзингницидай авайлагин, аёлларини, фарзандларини ҳам ардоқлагин. Сенинг аҳди аёлингни қандай асрасалар, молу мулкингни қандай қўриқласалар, сен ҳам халқнинг аҳди аёлинни авайлаб, молу мулкини ўғрилардан қўриқлагин. Зотан, халқнинг молу мулки талон-торож қилинса, бунинг учун сulton қиёматда жавоб беради.

Шаҳарда одил сulton бўлсанг, дашту саҳроларда ҳам адолатпарвар бўлгин. Ҳеч бир муҳожир,



йўловчи мусофир, савдогару тожирлар таъқиб қилинмасин. Қароқчилар савдогарлар карвонининг йўлини тўсиб, уларнинг бойликларини талайди. Кўп молу мулкидан айрилиб, аранг шаҳар етиб келган савдогарларни бош талаб қилиб, тамғачи¹ ҳам талайди. Агар бундай адолатсизликларга йўл қўймасанг, фойда топишинг шубҳасиз.

Бирон ёмон фикр кўнглингга келса, Худонинг номини тинмай зикр қилгин. Зулм қилишга чоғлансанг, Султон Ҳусайн кўз олдингга келсин. Зотан, ҳар бир ишинг оқилона бўлса, битта ташвишингга сира ҳам ўнта ташвишга айланмайди.

Бу дунёда бахтинг бутун бўлиб, у дунёда жаннат насиб этсин. Ҳар бир ишинг гараздан ҳоли бўлиб, икки оламнинг бахту иқболига мушарраф бўлгин.

Эй соқий, қадаҳ тутгин, токи шаҳзоданинг ўзи қадаҳ тўла бодани менга узатсин. Шаробдан аввало ўзи симирсин, ниҳоят, менга ҳам унинг ўзи ичирсин.

XXXVIII

Бу дард йигиси тугашининг тараннуми ва бу ҳасрат номаси охирининг айтилиши ва тартиби авзойининг афсонасини тузмоқ, хато ва камчиликлари рақамларига эътироф айтиб, бу бобда Ҳақдан афв сўрамоқ

Худога беадад шукрлар бўлсинки, бу дардли афсонанинг ҳар сўзида юзлаб дарду ҳасрат нишоналари бордир. Унинг варақлари жон пардалари-дандир, ошиқлар бу варақларни жонлари билан безагандирлар. Кўз қорачигини сиёҳ қилиб ёзгани –қора қайфу можаросидир. Бунда ёзилган ҳар

¹ Тамғачи – савдогарларнинг молидан бож олувчи.



алиф¹, ошиқларнинг кўксига ўйиб ёзилган алиф нишонидир. Нуқталар эса – яширин тиканларнинг нишони, йўқ-йўқ, балки улар қора ҳасрат доғларининг аломатларидир. Ҳар бир дол ҳарфи хам бўлган «дард» сўзининг икки ёнидаги долларидир. Достондаги айнларнинг кўриниши, ҳижрондаги ошиқларнинг кўксига урилган наълга ўхшагандир. Бу асарнииг сарлавҳалари ошиқларнинг қони билан қизилда ёзилган². Саҳифаларнинг юзида ошиқу маъшуқнинг дарду ҳасратлари жилвала-нади, мистар³ чизиги – ҳажрнинг катта йўлидир. Дарду ҳасрат лашкари орасида тўполону гавро кўтарилиб жон мулкини олишга зўр беради. Ҳар бир сатр урушдаги қўшинлар каби саф тортган-дир. Йўқ, аслида бу сафдагиларнинг барчаси ма-шаққату фам аҳлидир, фам даштида мотамзада ки-шилардир. Буларнинг ҳаммаси Мажнунга аза тутиб, Лайлининг вафотидан қайфуриб, қора мотам либосларини кийгандирлар. Яъни, бу фироқнома менинг қаламимнинг кўз ёшларидир.

Бу мотамномани қанча чўзган бўлсам, шунча мотамзада бўлдим, ниҳоят, йифлаб-йифлаб тугат-дим.

Эй тонг шамоли, тўхтамасдан эсгин, ҳатто бир лаҳза ҳам нафас ростламай тоғлар, даштлар, во-дийларга ва жаҳоннинг барча четларига бориб, жаҳондаги ишқ аҳлига бу қиссанинг тутаганини овоза қилгин.

Қаердаки сабру қароридан жудо овораю сар-сон, баҳти қаро одамлар бўлса, ҳаммаси дарҳол ҳу-

¹ А ли ф – «а» ҳарфининг арабча шакли назарда тутилмоқда.

² Асл матнда достоннинг ҳар бир бобида қизил сиёҳ билан ёзилганига ишора.

³ М и с т а р – тоза қоғозга чизиқ тушириш учун қалин қоғозга иплар тортиб ясалган чизғич, трансформат.



зуримга етиб келсин. Менинг бу улуф мотамли қора шаҳримга, яъни дарду ҳасрат билан тўла «Лайли ва Мажнун» достонимга кириб кезсинглар. Бу ҳам ўзига хос ишқ ўлкаси бўлиб, бунда сарсон, саргашта бўлғанлардан бири шарқ қуёшидир. Бунда ишқ аҳли учун мадрасалар қурилган, дард аҳли унда мажлислар ўтказмоқлар. Кимнинг кўнглида ишқ бобида камолга эришиш орзуси бўлса, мана шу ишқ мадрасасига жойлаб, ҳужрасига керакли нарсаларни ҳам тайёрлаб берайин. Бошланишига сабоқларини ёзиб, мадрасада бир мударрисга вазифа қилиб берайки, бу варақдарни ўз олдига кўйиб, унга рисоладагидек сабоқ берсин. Кимки қобилиятли бўлса, ғам ва балолар сабогини олсин. Бу ҳужрадагиларнинг таоми жигарни куйдирадиган ғамлардир, томчи-томчи қонлар эса сув ўрнидадир. Кундузи ўқиладиган сабоқдар бало ва ишқ йўлида юз мубталолик ҳадисларидан иборат. Кечки насибалари эса чироқ, андуҳ ва бағир доғи туналариридан.

Кимнинг иши равнақ топиб, барча ошиқлар орасида шуҳрат топиб, идрокида ишқ жўш уриб, фифони бало фарёдидай янграса, бор будини муҳаббат олови қамраб олиб, ундан чиққан тутуналаридан қуёш бекилса, оҳиниг шамоли куйган вужудининг тупроғини учириб, кўз ёшлари унинг ўтини учирса, жисмидан асар қолмай, кўнглини ҳам бой берса, айнан шундай кишилар учун бу ишқ заминига иморат солиб, уларнинг бемалол киришларинн кўзда тутдим.

Замона ягонаси Мажнун ва Лайлилар ишқ йўлида ягонадирлар. Улар хоку туробдан иборат ўткинчи дунёни тарк этиб, жаннатга йўл олдилар. Мен улар учун қароргоҳ, муҳташам мозор ясадим. Бу мозорнинг саноқсиз айвон ва пештоқлари ми-



нора ва гумбазларга ўхшайди. Фалакдек юксак бу гумбаз шу иккисининг қабридир. Қандилига бекитилган шамига кечаси юқоридан нур ёғилиб туради. Бу гумбазнинг нозик кабутарлари парига ўхшайди, йўқ йўқ, булар ҳарам кабутарларидир. Бу гумбаздаги кабутарлар учолмайдилар, чунки фаришталар қанотлари билан уриб, уларни учгани қўймайдилар.

Ишқиз кишилар бу ерга келмайди, бу ердаги завқ ва хушнудликлардан маҳрум. Ишқизлар, бунда кўринмайдилар, бу ернинг зиёратчилари малаклар эмас, ишқ аҳлидир. Бу фам ва дард тортган одамларнинг ҳар бири –ишқда ягона бўлганларнинг барчаси буни қабул қилиб, бу пардада яширип йўллар топдилар.

Кимки бу ҳарамнинг маҳрами бўлиб, ундан файзлар олса, кимнинг муроди ва эътиқодининг асоси ишқ бўлса, ундей кишини бу жаннатга келтириб, бу мартабага сазовор этгин. Унинг кўнглини ҳамиша завқу шавқ билан тўлдириб, ишқ бобида камолга етказгин. Унинг ишқини безавол, абадий этиб, ишқи билан бирга фано сари йўллагин.

Ишққа бегона нопоклар, ўзига ёлғондан ошиқ деб ном қўйиб олганлар йўли шишадан тўкилган қизил майдек кўзидан қон ёш тўккан нопокнинг йўлидек фасод тўфони ичидан бўлади. У сохта ошиқ илондай тўлғангани билан кўнглида заҳардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ўзини ясама ошиқ кўрсатиб, мақсад ва муддаоси фақат ҳирсу нафс бўлса, бундай ёлғончи ошиқни асло муродига етказмагин ва бу жаннат богига яқинлаштирмагин.

Мендай гарibu хаста бу асарни ёзишга чоғланниб, ниҳоят ёзиб тугатибман, бу абадий ишқни ҳикоя қилишдан мақсадим шунчаки афсона айтиш эмас эди, бу достонни афсона тарзида ёзма-



дим. Балки бу достон мазмунига руҳ мойил бўлди, афсона эса бир баҳона, сабаб бўлди. Бу достон сатрларига ҳаётий воқеалар акс этган, афсона эса ярашган либос бўлиб тушди.

Устоз шоирлар¹ ҳам сўзга шукуҳ ва файз бахш этиб, шундай достон ёзиб, саҳифалар юзини безаган эдилар. Уларнинг достонлари ва шону шухрати олам аҳлини жалб қиласа бўлса ҳам, лекин улар форсча ёзгани боис, туркий забон халқарнинг завқ олишлари мушкул эди. Достонлар форсий тилда назмга солингани туфайли фақат форсча биладиганлар баҳра топди.

Мен эса бу ишқ қисссасини турк тилида ёзиб, айни шу тилда ҳикоя қилдим. Бу асарнинг шухрати жаҳонни тутиб, туркий халқлар ҳам ҳам баҳра олсин,—дедим. Зотан, ҳозир жаҳонда теран идрокли, хуштабиат туркий миллатлар ва элатлар кўпайган. Гарчи, бу асаримдан келиб чиқадиган панду насиҳатлар кам бўлса ҳам сира ғам емаслик керак, чунки у бахш этадиган завқу шавқ асло кам эмас.

Ақлли одамлар ҳамиша камолотга эришиш учун талпинади, айни пайтда адамзод дарду шавқقا ҳам ташна бўлиши керак. Одам билимдон бўлсаю, дарди бўлмаса, ундан нима фойда? Башарти, Мажнун жаҳон аҳлиниңг кўнглига ўт солса, ҳатто Афлотун ҳам шу ўтда куйиши муқаррар.

Булбул сайраган пайтда одам анқо ҳақида ўйла-майди. Агар эшитувчи одам ишқ дарди билан тарбияланган бўлса, ҳикояда ҳам шундай дард бўлиши керак. Эшитувчининг кўнгли ишқ дардига пайваста бўлса, унинг бағри албатта оташин бўлади.

Ёнаётган оловга қарагин, сув бу оловни ўчирса, бироқ ёғ яна ҳам гуллатиб ёндиради.

¹ Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийлар кўзда тутилади.



Мен ҳам бу ишқ достонини шароб каби сузиб, туркона нағмалар тараппаним этдим. Бу нағма эл күнглига манзур бўлади, чунки бу аксарият ғамгин навҳадир. Зотан, ўзим ҳам ишқ дарди билан жуда-жуда ғамгинман, дарду ҳасрат нима эканини теран англаганман, бинобарин юрагида дарду ҳасрати бисёр кишиларнинг сўзлари менинг сўзимдир. Шубҳасиз, бу асар қачон ўқилса ҳам, китобнинг кўнгли бузидади, ғамга ботади. Лайлини ёд этган Мажнун каби китобхон кўз ёшлари ҳам селдек оқади.

Тан оламанки, гуноҳ ва хатоларим гирдобида достон битиш асносида оппоқ қоғоз юзини қора қилдим. Илоҳим, ишқ оби ёзилган барча гуноҳлар қорасини ювиб кетсин.

Ё Раб, бу ёзганларимни кимки ўқиб англаса, ўқиганларини теран ўйлаб, муддаоларимни равшан тасаввур этса, достонимдан айб изламаса, шундай кўнгли тоза холис одамларга барча илму фан, касбу кор эшикларини катта очгин! Оёғини ишқ кишанлари билан боғлагин, ишқ дарди ва шавқ шароби билан сармаст қилгин. Муҳаббат жунуни занжирларига боғлаб, ишқ банду бўғовлари билан баҳтиёр айлагин. Уларни ишқ ғами билан хурсанд қилганингда, мени ҳам эсга олишсин. Шояд шу вақтда чин кўнгилдан оҳлар тортиб, гуноҳларим чангини ўчирса, ўша оҳ шамоли заиф танимни учирив, раҳмат уйидан қарор топтирса.

Ё Аллоҳим, билиб-билмай қилган исёну гуноҳларимни кечиргин, ўзинг тилагимга етказгин, омин!

Адабий-бадиий нацр

АЛИШЕР НАВОЙ
ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Насрий табдил

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 29.01.2021 йилда ружсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табори 16,0 Шартли босма табори 26,88.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 2000. Буюртма № 39.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru